

# ТАФАККУР

ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ, РАНГЛИ - БЕЗАКЛИ ЖУРНАЛ



TAFAKKUR





YUNUS RAJABIY-100

Алишер МИРЗО. "Богшило"





Бугун мамлакатимизда таълим ислоҳоти, етук кадрлар тайёрлаш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Миллий парламентимиз – Олий Мажлиснинг туққизинчи сессиясида бу масалага айниқса зур эътибор берилди. Президент Ислам Каримов сессиядаги нутқини бошдан-охир ана шу масалага бағишлади. У киши "...бугунги замон талаби, эртанги келажагимизнинг ташвишлари биздан халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этмоқда", деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, от-арава билан фазога учиб булмагани каби, кечаги замон руҳида таълим ва тарбия қўрган кишиларнинг онгу шуурини янгиланмай, мустақил тараққиётга мос таълим тизимини йўлга қўймай туриб янги иморат – ҳуқуқий ва демократик давлат биносини тиклаб булмайди. Зеро, кечаги тузумга хос ижтимоий психологиянинг моҳияти барчага маълум: ишда янгилик ёки ўзгариш қилиш эмас, хато қилмаслик муҳим. Хато қилмасликнинг энг синалган йўли эса – фаолиятсизлик. Иш қилмаган одам хато ҳам қилмайди. Аммо бундай "иш услуби" янгиланиш ва ислоҳот йўлида ғов бўлади, жамиятни мудом бир жойда депсиниб қолишга маҳкум этади. Таъкидлаш жоизки, советларча таълим тизими айнан ана шундай психологияни шакллантиришга қаратилган эди. У инсонни эмас, коммунистларни тарбиялаш билан шуғулланарди, холос.

# КЕЛАЖАК—УЎҚИГАННИКИ

Бугунги талаб — таъман бошқача. "Демократик жамиятда, — дея уқтирди Ислам Каримов, — болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади". Бинобарин, таълим тизими ҳам шунга мос бўлмоғи зарур. Ушбу сессияда тасдиқланган кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ана шу мақсадни амалга оширишни кузда тутди. Унда таълим ва тарбия, мутахассисларни тайёр-

лаш ҳамда қайта тайёрлаш тизимларини миллий тараққиётимиз, дунёвий андоза талаблари асосида ислоҳ этишнинг бугунги ва истиқбол режалари белгилаб берилган.

Қайд этиш лозимки, етук кадрларни тайёрлаш борасидаги ислохотлар аллақачон — Ватанимиз истиқлолининг илк йилларидаёқ бошланган. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тест синовларининг жорий этилгани, миллий

таълимнинг мазмуни янги-ча воқелик ва қадриятлардан сабоқ берувчи фанлар билан бойигани, иқтидорли ёшларнинг хорижда таълим олишига кўмаклашадиган "Умид" жамғармасининг ташкил этилгани ҳамда бу йил "Умид"нинг илк қалдирғочлари — 160 нафар талаба Президент грантларига сазовор бўлиб, дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида ўқишни бошлаб юборгани, мамлакатимиз олий ўқув





юртларига кирувчилар учун 21 минг Президент грантлари ажратилгани — барча-барчаси шундан далолат беради. Савол туғилиши мумкин: таълимда ислохот жараёни бошлаб юборилган экан, яна шу соҳага тегишли дастур қабул қилиш шартмиди? Гап шундаки, замон етук кадрларни тарбиялаш учун бугун таълим тизимида ялпи, кенг қамровли ислохотлар ўтказишни талаб этмоқда. Ушбу дастур ана шу талабни теран идрок этиш натижаси улароқ юзага келди. Президентимиз сессияда сўзлаган

нутқида ушбу дастурнинг ижтимоий моҳиятини, сиёсий аҳамиятини атрофлича таҳлил этиб берди.

Маълумки, совет тузumi даврида камдан-кам киши ўз ишини ўринлатиб бажарар, аксарият халқ сохта сафарбарлик руҳи билан яшар эди: пахта терими мавсумида ҳамма — пахтакор, ғалла ўрими чоғида ҳамма — ғаллакор, урушлар даврида ҳамма — аскар ва ҳоказо тарзидаги "фронт" лар ичра умр ўтказар эди. Бу ҳам етмаганидек, муҳандис мафқурани, мафқурачи иқтисодиётни,

чорвадор пахтачиликни бошқарар эди. Энди ҳамма ўз ишини қилмоғи, қилганда ҳам юксак даражада бажармоғи талаб этилмоқда. Миллий дастурнинг асл моҳияти ҳам ана шу: мамлакатимизда келажакда барча соҳаларда профессионаллар (ўз ишининг усталари) хизмат қилсин.

Халқимиз, "Ўқиган-укдан узар", дейди. Дарҳақиқат, келажак — ўқиганники. Ушбу Миллий дастурда кузда тутилган барча режалар амалга ошса, "ўқ" дан ҳам ўзишимиз — дунё тараққиетида яна пешқадам бўлиб олишимиз муқаррар!





# Tafakkur ТАФАККУР



Ижтимоий - фалсафий, маънавий - маърифий, рангли - безакли журнал

Бош муҳаррир  
Эркин АЪЗАМ

**Таҳрир ҳайъати:**

Ҳалим БОБОЕВ  
Хуршид ДАВРОН  
Баҳодир ЖАЛОЛ  
Нуриддин ЗАЙНИЕВ  
Азамат ЗИЁ  
Анвар ЙЎЛДОШЕВ  
Баҳодир ЗОКИР (маъсул котиб)  
Нажмиддин КОМИЛ  
Абдуманноб ОЛИМБОЕВ  
Хайриддин СЎЛТОН  
Убайдулла УВАТОВ  
Озод ШАРАФИДДИНОВ  
Муҳаммад ЮСУФ  
Тўлепберген ҚАЙИШБЕРГЕНОВ  
Муртазо ҚАРШИБОЙ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Иброҳим ҒАФУР  
Раҳима ҲАКИМОВА

Муассис — Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилиқ маркази

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.  
Журналдан кўчириб босилганда манба кайд этилиши шарт.

Манзилимиз: 700029, Тошкент шаҳри, Отатурк кўчаси, 24-уй.



56-86-79  
56-55-89

Журнал андозаси таҳририятнинг компютер бўлимида тайёрланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. 700029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.


1997 йил 17 октябрь куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100<sup>1/16</sup>, 6 босма тобоқ. 1716 - буюртма.  
Нашр адади 13 000 нусха.

Бадий муҳаррир  
Ольга ЖОЛДАСОВА

Техник муҳаррир  
Бойназар БОЙМУРОД

Ушбу сонда Рихситилла Нурибоев ва Андрей Караваев олган суратлардан фойдаланилди.

JURNAL SAHIFALARIDA • JURNAL SAHIFALARIDA



**Муқоваларда:**

1. Чексизликнинг чегараси.
2. Алишер Мирзо. "Багишлов".
3. Алишер Мирзо. "Қирмизи тераклар".
4. Самодаги мўъжиза.

**АҚЛ МУНОЗАРАСИ**

**Шавкат МАМАДАЛИЕВ.** Манфаат — тараққиёт асоси..... 6

**ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ**

**Кўчқор ХОНАЗАРОВ.** Ақл — одил йўлбошчи..... 10

**ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ**

Мўъжаз оролчада улкан фожа.  
**Саидмурод МАМАШОКИРОВ** билан суҳбат..... 14  
**Усеин КЕРИМОВ, Баҳодир УМАРОВ.** "Сунъий ақл" яратиш мумкинми?...22



## МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

**Кудрат ЭРНАЗАРОВ, Ёкут МАМАТОВА.**  
Реклама мўъжизалари.....26

## ТАРИХ – БУЮК МУРАББИЙ

**Доно ЗИЁЕВА.** “Босмачилик” қандай  
пайдо бўлди?.....32

## МОХИЯТ ЖИЛОЛАРИ

**Оқилхон ИБРОҲИМОВ.** Яссавий  
наволари.....40

## РУҲИЯТ САБОКЛАРИ

**Муслихиддин МУҲИДДИНОВ.**  
Сўфийлар ахлоқи .....45

## КҮНГИЛ САЛТАНАТИ

**ОЛЛОЁР.** Ёруғ деразалар.....50

## ХАЗИНА

**Фулом ҒАФУР, Худойкул ТЎРАЕВ.**  
Мозий бағридаги санъат.....60

## ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

**Наим КАРИМОВ.** Чўлпон ва Клеопатра.....70

## КУТЛУҒ ЁШГА ЕТГАНЛАР

**Нажмиддин КОМИЛ.** Бедор қалб.....78

## РУҲИЯТ САБОКЛАРИ

**Иброҳим ҒАФУР.** Ютмаган одамлар ...82

## ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

**Нормўмин ЎТАНОВ.** Маданият  
ва қатағон.....86

**Хуррам ҲАЙДАРОВ.** Орзудаги  
жамият.....87

**Аниса МАМАТОВА.** Сарбаст  
жилолари.....90

## МАЪНО ВА МОХИЯТ

Тасаввуф лугати.....92  
Журналнинг инглизча мухтасар маз-  
муни..... 95



# МАНФААТ

## ТАРАҚҚИЁТ

## АСОСИ

ёхуд профессор Иномжон Раҳимов четлаб ўтган бир жиҳат ҳақида

Фан тарихидан маълумки, табиат, жамият ва инсон тафаккурини ҳар қатга келтирувчи манба доимий равишда башариятни қизиқтириб келган. Баъзан, жамият тараққиётининг турли босқичларида ҳар хил омиллар — ташқи туртки, қарама-қаршилик, зиддият тараққиётнинг асоси сифатида эътироф этилади.

Бугунги кундаги сиёсий-ҳуқуқий муҳит совет даври илмий адабиётларида тинимсиз таъкидланган “Зиддият — тараққиёт манбаидир” деган қоидани қайтадан баҳс-мунозара сабабига айлантириб қўйди.

Хуш, зиддият чиндан ҳам тараққиёт манбаими? Биз ушбу масала муҳиятини ижтимоий ҳодисалар таҳлили негизида изоҳлаб беришга ҳарқат қиламиз. “Зиддият — тараққиёт манбаидир” қоидаси нуқтаи назардан бугунги замоннинг Яқин Шарқ, Болқон ярим ороли, Чеченистон, Афғонистон, Тожикистон сингари зиддият ўчоқларига назар ташласак, шак-шубҳасизки, тараққиёт аломатларини эмас, ижтимоий емирилиш ва инқироз белгиларини кузатамиз. Зиддият бу минтақалардан бирортасига ҳам том маънодаги (иқтисодий-иж-

тимоий, сиёсий ва ҳоказо) юксалтириш келтирмади. Агар зиддият ҳақиқатан ҳам тараққиёт манбаи бўлганида эди, бояги минтақа ва мамлакатлар дунёнинг энг илғор ўлкаларига айланган бўлур эди.

Собиқ СССР даврида зўр бериб тарғиб ва ташвиқ этилган синфий кураш назарияси ва амалиёти ҳам ижтимоий тараққиётнинг мезони бўла олмади. Аксинча, синфий кураш, мафкуравий кураш амалиёти буюк бир империяни дунё сиёсий харитасидан гумдон қилди.

Маълум бўлмоқдаки, ижтимоий ҳаётнинг ўзи зиддиятни ижтимоий тараққиёт манбаи сифатида рад этади. Бинобарин, инсоният бундан буён зиддиятларни янада кучайтириш, сунъий қарама-қаршиликлар уйлаб топиш, ёвлашиш йўлидан эмас, балки уларни бартараф этиш йўлидан бормоғи лозим. Албатта, бу дегани ижтимоий ҳаётда ҳеч қандай зиддиятлар бўлмаслиги керак, дегани эмас. Биз бу ўринда ижтимоий зиддиятлар ўз-ўзича (объектив ҳолда) мавжудлигини эътироф этган тарзда уларни бартараф этиш инсон иродасидаги нарса эканини таъкидла-



моқчимиз, холос. Зеро, бугунги замон амалиёти ижтимоий зиддиятларни бартараф этишнинг самарали йўли борлигини кўрсатмоқда. Бу йўл — манфаатлар уйғунлигидир.

Ижтимоий зиддиятлар моҳиятига теран назар ташланса, ҳар бирининг замирида манфаатлар тўқнашуви пинҳон экани аён бўлади. Чунончи, Россия — Чеченистон муносабатларидаги зиддият, Тожикистон расмий ҳукумати билан муҳолифат кучлари ўртасидаги зиддият, Афғонистондаги турли сиёсий кучлар ўртасидаги зиддиятнинг асл маъноси — сиёсий манфаатлар тўқнашувидир. Ушбу мамлакатларнинг бирортасида ҳам зиддиятларни куч ишлатиш воситасида ҳал этишга уриниш зарур натижани бергани йўқ.

Россиянинг Чеченистонга нисбатан юритган икки йиллик уруш сиёсатининг натижаси манфаатлар уйғунлигини таъминлаш объектив зарурият эканини таъкидловчи зўр бир сабоқ бўлди. Аммо бугунги маданиятли дунё бундай тарихий ҳодисалардан зарур хулоса чиқара оладими — ҳамма гап ана шунда.

Лўнда қилиб айтганда, жамият аъзоларидан бирининг эҳтиёжи иккинчисининг эҳтиёжи эвазига қондирилиши шахс, жамият ва давлат манфаатига зиддир. Ҳар қандай манфаат шахс, жамият, давлат эҳтиёжлари уйғунлигини ўзида акс эттириши лозим. Шундагина манфаат жамиятдаги барча субъектлар эҳтиёжининг қондирилишига хизмат қилади. Бу — манфаат қонунидир. Моддий олам ҳаракат қонунига бўйсундирилган бўлса, маънавий олам манфаат қонунига бўйсундирилгандир. Француз файласуфи Гельвеций: “Манфаат ер юзида шу қадар қудратли сеҳргарки, у барчанинг кўз ўнгидаги нарсаларнинг ҳаммасини ўзгартириб юбо-

ришга қодирдир”, деган эди. Ҳақиқатан ҳам, қайдаки инсоннинг саъй-ҳаракатлари сиёсат, ҳуқуқ, иқтисодиёт ва бошқа соҳалардаги манфаатларни теран англаган ҳолда ташкил этилган бўлса, жамият тараққий этади. Акс ҳолатларда жамият аъзолари ўртасида зиддият кучайиб, вайронагарчилик, тўқнашув, урушлар бошланиб кетади. Бу эса, табиийки, жамият ривожига салбий таъсир кўрсатади. Манфаат қонунлари устувор бўлган жамиятда қонунга, ҳокимиятга нисбатан ишонч мустаҳкамланиб боради. Халқ ишончи, эътиқоди эса ҳар бир давлатнинг сиёсий манфаатини ташкил этади.

Шарқ ижтимоий тафаккуридаги “Қўшнинг тинч — сен тинч”, “Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас” каби ҳикматлар халқ иродасига хос интилиш ва истакларни ифодалайди. Миллий қадриятларимиздан бўлган маҳалла каби муносабат шакли, Навруз каби байрамлар ҳам муросага эришиш воситаларидандир. Бинобарин, муроса муаммосини илмий таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Профессор Иномжон Раҳимовнинг “Тафаккур” журнали 1996 йил 2-сонида чоп этилган “Муроса мақоласи ва унга илова этилган сўнг-сўзда тараққиёт ва юксалиш негизи муроса эканини илмий асослашга ҳаракат қилинган Зеро, шарқ тафаккурининг азалий ғояларидан



бири тинчлик, тотувлик ва осойишталик экани шубҳасиздир.

Фикримизча, мақола муаллифи асосий эътиборни муросанинг ижтимоий тараққиётдаги урнига қаратган, “Муроса ўзи нима?” деган масала эса тўлиқ шарҳланмай қолгандек. Масалан, яхшилик ва қабоҳат, ўғрилик ва тўғрилик, ҳақиқат ва бўхтон, адолат ва фирромлик ўзаро қандай муросага киришиши мумкин? Балким ушбу ҳодисалар ўртасида муваққат келишув, вақтинча ён босувлар бўлмоғи, нисбий барқарорлик вужудга келиши мумкиндир, аммо кураш, зиддият барибир давом этади, батамом барҳам топмайди.

Табиатда ўзаро мос келмайдиган, ё моҳиятан, ё ҳаракат тарзига кўра бир-бирига зид нарса ва ҳодисаларнинг таъсири натижасида юзага келадиган портлашлар бўлиб туради. Буни барчамиз яхши биламиз. Бинобарин, табиатдаги муроса ҳам муайян қонуниятларга асосланади. Хўш, жамиятдаги уйғунликчи, у нимага асосланади? Жамиятдаги муроса манфаат қонунига бўйсунди. Киши ёрми, халқларни, давлатларни ўзаро яқинлаштирадиган, дўст-биродарлик ришталарини боғлайдиган куч ҳам манфаатдир. Қайдаки ўзаро манфаатдорлик бўлса, уша жойда муроса ҳукм суради ва аксинча. Демократизми, муросани шахсларнинг ҳоҳиш-иродаси эмас, балки манфаатдорлик белгилайди.

Халқимиз “Куруқ қоник қиз йиртар”, деб бежиз айтмаган. Манфаатсиз ширин гапдан кўра бирор наф келтирадиган аччиқ гап афзал. Инсоннинг манфаатига хилоф бўлса, рост сўз ҳам ёлгонга айланади.

Муроса билан манфаат ўртасидаги муносабатни моҳият ва ҳодиса категорияларига таққослаш мум-


кин. Манфаат моҳият бўлса, муроса — ҳодисадир. Муроса — манфаатнинг намоён бўлиш шакли.

Муроса ижтимоий тараққиёт шарти бўлса, манфаат унинг манбаидир. Шу ўринда “Бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи куч — рақобат” деган қоидага ҳам муносабат билдириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бозор иқтисодиёти — табиати нуқтаи назаридан — талаб ва эҳтиёж, манфаатдорлик асосига қурилган иқтисодиётдир. Рақобат — ишлаб чиқариш монополияси, савдо монополияси учун кураш эмас, аксинча, шахсларнинг манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган курашдир. Соғлом рақобат дейилганда ана шу нарса назарда тутилади. Демак, бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи манба ҳам — моҳият нуқтаи назаридан қаралганда — манфаатдир. Рақобат эса, моҳиятни ифода этувчи бозор иқтисодиётининг атрибутив белгисидир.

Бозор иқтисодиёти том маънода шахс, жамият, давлат манфаатларини ҳаракатга келтирувчи тизимдир. Бозор иқтисодиёти шароитида стихия (тартибсизлик), таваккалчилик эмас, балки манфаатдорлик қонуни устунлик қилади. Шунинг учун рақобатни сунъий йўл билан вужудга келтиришга интилиш, уни ҳодиса эмас, моҳият деб талқин этиш бозор иқтисодиётининг табиатига зиддир.

Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатини манфаат қонунлари асосида ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам у тараққиётда дадил олға бормоқда. Мамлакатимизда 1997 йил Инсон манфаатлари йили деб эълон қилингани ҳам ижтимоий тараққиёт манбаи манфаат эканидан далолат беради.





*Огюст РОДЕН. "Тафаккур".*

# АҚЛ – ОДИЛ ЙЎЛБОШЧИ

Инсоният тарихи бир-бирига мустаҳкам боғланган тараққий этиш, ривожланиш, такомиллашиш жараёнларидан иборат. Бу жараёнлар ниҳоятда кенг тармоқли ва мураккаб ўзгаришларни қамраб олади ва атрофимиздаги борлиқда турлича намён бўлади. Шу боис жамиятгина эмас, жонли ва жонсиз табиат, сайёралар, юлдузлар ва галактикалар ҳам доимий ҳаракатда.

Аmmo шу асосда инсоният жамияти тараққийоти билан унинг атрофидаги борлиқнинг ўзгариши ўртасида тенглик аломати қўя оламизми? Йўқ, албатта. Чунки жамиятнинг ўзгариши ва такомиллашуви табиатдаги силжишлардан суръати ҳамда унинг асрдан-асрга тезлашиб, жадаллашиб бориши билан тубдан фарқ қилади. Бундан бор-йўғи бир аср муқаддам кишилар ҳали телефон нима, авиация нима, кино нима, телевидение нима — билмас эдилар. Атомнинг мураккаб ички тузилиши

ва у чексиз энергия манбаи эканини, 60-йилларнинг бошида эса космонавтика пайдо бўлиб, Ер куррасининг “хасталик”ларини фалақдан туриб холисона аниқлашда кўп ёрдам бера олишини аждодларимиз, ҳатто асримизнинг биринчи чорагида ҳам, афсона деб тушунганлар.

XX асрнинг иккинчи ярмидан инсоният тараққийотида сифат жиҳатдан батамом янги давр бошланди дейишга барча асослар бор. Беш миллион йилдан зиёд давр мобайнида шаклланиб келаётган тириклик дунёсининг беш минг йилдан кўпроқ тамаддун жараёнини бошдан кечирган инсоният XX асрнинг биринчи ярмида икки жаҳон қирғинини, социализм ва фашизм каби зўравонлик тузумларининг ғайриинсоний моҳиятини кўриб, атом ва термоядро куролининг башарият учун хавф эканини англаб етгач, келажаги ҳақида жиддий ўйлай бошлади. Энди у синфий, миллий, ирқий, диний тафовут-




ларни эсдан чиқариб, авваламбор, умумжаҳон, умуминсоний манфаатлар ва глобал муаммоларни кўзлаб иш тутиш заруриятини англаб етгандай. Бунгача инсониятнинг таркибий қисмини ташкил қилувчи миллат ва элатлар, ижтимоий синф ва гуруҳлар, диний қавм ва мазҳаблар жузъий манфаатларинигина кўрар, шу манфаатлар учун жанги жадалдан тоймас эдилар. Улар учун умумжаҳон ва умуминсоний манфаатлар ва муаммолар ёт нарса эди. Юзлаб ва минглаб олиму фозилларнинг, жамоат арбоблари ва давлат намояндаларининг инсонпарварлик, халқлар дўстлиги ҳамда мамлакатлар ҳамкорлиги, инсон ўзлигини англаши зарурлиги тўғрисидаги даъват ва чақириқлари жавобсиз қолаверган эди. Инсоният ўзининг етуклик даврига, яъни тамаддун палласига бундан беш-олти минг йил муқаддам кирган бўлса ҳам, то ҳануз ўтмиш юкини, маънавий таъсирини ва руҳий тазйиқини елкасидан ва миясидан тўла-тўкис чиқариб ташлай олмади. Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, инсоният тамаддунининг беш ярим минг йиллик тараққиёти мобайнида ер юзида беш мингдан зиёд урушлар бўлиб ўтган.

Бугунги кунда ҳам ўтмишнинг инсон онги ва кўникмаларидаги салбий таъсири Афғонистон, собиқ Югославия, Фаластин – Исроил можароларида намоён бўлмоқда.

Инсоният тарихи — унинг ривожланиш ва такомиллашиш, ҳам моддий жиҳатдан, ҳам маънавий жиҳатдан кучайиб, юксалиб боришидан иборатдир. Аммо бу ўсиш, юксалиш жараёнида нима етакчи куч, руҳлантирувчи омил ва асос бўлиб хизмат

қилади? Бу куч нимадан ташкил топган? XIX асрнинг ўрталарига қадар яшаб ўтган барча олиму уламолар, жамиятшунослар, давлат арбоблари бу саволга бир хилда, бундай куч — тарихий шахслардир, деб жавоб берганлар.



XIX асрнинг ўртаси ва XX асрнинг охириги чораги орасидаги тарихий давр марксизмнинг жамият ва шахс тўғрисидаги таълимотининг кенг тарқалиши ва инсон тафаккурини эгаллаш йиллари бўлди. Тарихни болта урадиганлар ва ўроқ ўрадиганлар, моддий бойлик чиқарувчи меҳнаткашлар яратади, деган қоида миллионларнинг онгига сингди ва назарий дастуриламалига айланди. Масалага бундай қараш марксизмнинг жамиятни кескин инқилобий йўл билан ўзгартириш, капитализмни қулатиш, социализм қуриш тўғрисидаги стратегик режасига тўғри келарди. Ишчилар синфи ва унинг бошчилигида ҳаракат қилувчи бошқа эзилган синфлар ва табақалар тарихни, жамиятни ривожлантирувчи ягона кучдир, деб эълон қилинди. “Йўқолсин бойлар! Йўқолсин ўз фикрига эга зиёлилар!” деган шiorлар амалий кўрсатма сифатида қабул қилинди.

Деярли бир ярим аср давомидаги тарихий амалиёт марксизмнинг жамият ва шахс муносабати ҳақидаги таълимоти шаклан ва моҳиятан

хато эканини кўрсатди. Марксизм таълимоти жамиятдаги синфларни ўзаро чегаралаш билан чекланмасдан, эксплуататор ва эксплуатация қилинувчи синфларни бир-бирига қарши қўйди, уларнинг ўртасида зинҳор ҳамкорлик бўлиши мумкин эмас, деган фикрни тинимсиз таъкидлади. Бу масаладаги яна бир хато шундан иборат бўлдики, эзилувчи синфлар ўзаро тафовутланиб, ишчилар имтиёзли синфга айланди. Шу боис социализмнинг собиқ СССРдаги чораккам бир асрлик ҳукмронлиги даврида “иккинчи нав синф” бўлишни истамаган миллионлаб деҳқонлар қишлоқдан қочиб қутулдилар ва 1990 йилга келиб Россиянинг қоратупроқ ва ноқоратупроқ вилоятларида 139 минг 380 та қишлоқ бўшаб, хароба ҳолга келиб қолган эди. Сталиннинг мамлакат ривожлангани сари жамиятдаги синф ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида қарма-қаршилиқлар кучайиб бориши ҳақидаги асоссиз, телбанамо кўрсатмалари асосида қишлоқ аҳолисининг “қаймоғи” бўлмиш минг-минглаб деҳқонларни “муштумзўр, қулоқ” сифатида қатағон қилиш ётар эди. Бунинг оқибатида мамлакат қишлоқ хўжалиги вайрон бўлди, жамиятда тарихан ташкил топган ишлаб чиқариш алоқалари ва муносабатлари барбод этилди.

Марксизм таълимотининг жамият тараққиёти қонуниятлари ҳақидаги қарашлари бир томонлама ва зўравонлик билан сингдирилиши сабабли зиёлилар табақаси, ҳақиқий билим ва тафаккур эгалари бу “мутлақ ҳақиқат” ва “кўрсатмалар”ни

ҳазм қилиши қийин эди, чунки назария ва тафаккур фақат фикр юриштиш эркинлиги бор жойдагина ривожлана олади.

Совет ҳокимияти зиёлиларга умуман ёт унсур деб қараб, чин ақл эгаларини чет элларга ҳайдаб чиқарди, концлагерларга жўнатиб, фаол ижодий ҳаётдан узоқлаштирди, кўпини жисмонан йўқ қилиб, уларнинг ўрнига ишчи-деҳқонлар орасидан фақат марксизм руҳида таълим олган ва тарбияланган, бутун билими ва ижодини марксизмни улуғлашга бағишлаган илмий ходимлар авлодини шакллантирди. Аммо улар марксизм таълимотининг маддохлари бўлди, холос. Улар бутун илҳом ва ижодини марксизмни кўкларга кўтаришга бағишлади. Шу боис социализм ва совет тузуми жаҳон тафаккур хазинасига сезиларли ҳисса қўшган йирикроқ мутафаккирни етиштириб бера олмади.

Энди жамиятда қайси ижтимоий куч етакчи бўлади деган муҳим назарий ва амалий масалага аниқлик киритиш фурсати етди. Бу муаммони ёритишда марксизмнинг мавҳум қоидаларига ёки унга асосланган собиқ шўро тажрибасига таяна олмаимиз, чунки юзаки, бирёқлама хулосалар соғлом тафаккур учун замин бўлолмайди. Биз энди бугунги илғор мамлакатлар босиб ўтган иборатли йўл ва амалий тажрибага сунъимоғимиз даркор. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ярим аср мобайнида улар жамиятда ақл эгаларини, юксак техника ва технология мутахассисларини, илғор фан вакиллари ямлаб, уларнинг ақлий кучи-



дан, тафаккур салоҳиятидан, назарий қувватидан самарали фойдаланишга интилдилар.

Япония ўтмишдаги мустамлакачилик хомхаёлларидан, Олмония ўз халқини бошқа халқлардан устун қўйиш ғоясидан узил-кесил воз кечиб, бутун имконият ва диққат-эътиборини фан-техника ривожига қаратди, АҚШ эса энг зўр истеъдод эгаларини яхши ҳақ эвазига дунёнинг турли бурчакларидан илмий-техника муаммоларини ҳал этишга жалб этди. Агар Америкада тадқиқотлар қилиб Нобель мукофотига сазовор бўлган олимларни эсга оладиган бўлсак, уларнинг аксарияти бир вақтлар дунёнинг турли мамлакатларидан келиб бу ўлкани макон тутгани маълум бўлади. Фарбий Оврупо мамлакатлари эса имкониятлари, кучлари ва салоҳиятларини бирлаштириш йўлидан бориб, мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришдилар. Бу мамлакатларнинг техника, технология ва фан соҳасида эришган муваффақиятларига бутун дунё лол қолиб турибди. Нима учун? Чунки улар тараққиётда инсон ақлига, тафаккурига суяндилар, улардан фойдаланишнинг самарали йўллари излаб топдилар. Юксак техника, технология ва фан юксак малакали ижрочиларни тайёрлашни ҳам талаб қилди. Бу вазифани бажариш жараёнида ишчилар синфи аста-секин зиёлиларга, яъни юксак малакали муҳандис-техниклар табақасига айланди; энди уларда олдинги

қўли қадоқ, бармоқлари дағал ишчидан асар ҳам қолгани йўқ, деҳқонлар эса ўриндиги чиннидек тоза, совутгич ўрнатилган тракторларда “ишламоқда”.

Ҳақиқатан ҳам, буюк аждодларимиз мудом таъкидлаб келганидек, одамга инсоний қиёфа бахш этган, инсониятни маърифат ва маънавият чўққиларига кўтарган нарса — ақл, онг, тафаккур экан. Худди шу омиллар инсониятни ёввойилик ва ваҳшийлик домидан қутқариб, уни ўтмишдаги кўникма ва тушунчалардан халос этмоқда.

Янги демократик, инсонпарвар ва ҳуқуқий давлатда ақл, тафаккурга кенг имконият яратилади. Жамият, яхлит олганда, зиёлилар жамоасига айланади. XX асрнинг ўрталаригача ҳукмрон бўлган ибтидоий техника ва технологиядан, амалиётдан узоқ фандан асар ҳам қолмайди. XX асрнинг иккинчи ярми яна бир янги ижтимоий жараёнга йўл очди. У ҳам бўлса, жамиятнинг умумий техникавий, технологик ва илмий даражаси ўсгани сари синфлар, миллатлар ва бошқа ижтимоий гуруҳ орасидаги фарқлар ўрнига инсонга муносабатда ягона, муҳим мезон етакчи мақомга чиқмоқда. Бу — кишининг бозор иқтисодиёти талабларини билиши, унинг тадбиркорлиги, шижоати, ғайрати, ташаббускорлигидир. Бу хислатларнинг намён бўлиши ҳам ақлга, тафаккурга боғлиқ.

# МУЪЖАЗ ОРОЛЧАДА



## ФОЖИА

*Экология мутахассиси*  
Саидмурод МАМАШОКИРОВ  
билан суҳбат

— Саидмурод ака! Президенти-мизнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида экологик хавфсизлик муаммоси атрофлича таҳлил этилган. Сизнингча, бунинг зарурияти нимада?

— Агар мумкин бўлса, саволингизга батафсилроқ жавоб берсам. Мустақилликка эришганимиздан кейин Президентимизнинг нуфузли халқаро минбарлардан сўзлаган нутқларида, чоп этилган асарларида Ўзбекистондаги таҳликали экологик вазият мудом муҳим ўрин тутиб келмоқда. Олмон биолог олими Эрнест Геккель 1867 йилда “экология” тушунчасини илк бор илмий муомалага кирит-

ганида юз йиллардан кейин унинг атрофида бугунгидек шов-шув кўтарилиб, у ҳатто сиёсий муносабатларнинг мазмунини белгилаб берадиган даражада аҳамият касб этишини тасаввур ҳам қилмаган бўлса керак.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Жаҳон соғлиқни сақлаш халқаро ташкилотининг хулосасига кўра, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси, аҳамияти жиҳатдан, дунёда ядро уруши хавфининг олдини олиш масаласидан кейин иккинчи ўринда туради. Шукрки, ақл-заковат тантана қилиб, нисбатан майда уруш ўчоқларини ҳисобга олмаганда, жаҳонда сиёсий иқлим муътадиллашиб, ядро уруши жиловланиб турибди. Зеро,



бу уруш бошлангудек бўлса, ғолиб ҳам, мағлуб ҳам бўлмаслиги, сайёрамиз радиоактив саҳрога айланиши барчага аён. Бундай шароитда табиатни муҳофаза қилиш муаммоси энди ўз-ўзидан биринчи ўринга чиқмоқда. Негаки, оламшумул ҳисобланган энергетика ва хомашё захиралари, озик-овқат, демография, урбанизация ва бошқа муаммолар ҳам бевосита экология масалаларига боғлиқ.

Бундан ташқари, жаҳондаги иқтисодий, сиёсий, маънавий инқирозлар жамиятдаги муайян ижтимоий қатлам ва табақаларни четлаб ўтиши мумкин, лекин экологик хатар ҳаммага — ёшидан, жинсидан, динидан, иқтисодий ва сиёсий мавқеидан қатъий назар — бирдек хавф солади. Энг муҳими, у чегара билмайди, яъни бошқа мамлакатлардаги, ҳудудлардаги экологик фалокатни тиканли симлар, ҳарбий кучлар билан жиловлаб туриш амримаҳолдир.

Бугун инсоннинг табиатга “индустриал босими” шу қадар кучайиб кетдики, натижада башарият тақдири ҳамлетона характер (“ё ҳаёт, ё мамот!”) касб этди. Шу боис Президентимиз бу масалани умумий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида таҳлил этганлар ва уни ҳал қилишнинг концептуал асосларини олға сурганлар.

— Экологик хавфсизлик, китобда таъкидланганидек, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маъмурий чоратadbирларни бир бутун тарзда қўллашни тақозо қилади. Бугунги кунда бундай ҳаракат асослари яратилганми? Бу борада жаҳонда

қандай ижобий тажрибалар мавжуд?

— Умуман олганда, ҳозирча бундай асосларни яратиш эҳтиёжи сезилмоқда. Уларга зарурият вужудга келмоқда. Бошқача айтганда, улар эндигина англаниб, шаклланаётир. Маълумки, табиатни муҳофаза қилиш тadbирлари жуда кўп моддий-молиявий харажатларни талаб қилади. Мамлакатимизнинг (жумладан, бошқа Ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳам) бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш давридаги мураккаб муаммолари бу масалага етарлича молиявий эътибор бериш имконини чегаралаб қўймоқда. Ажратилаётган маблағлар, Президентимиз айтиб ўтганидек, бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди.

Халқаро экологик-сиёсий муносабатларни мувофиқлаштирувчи давлатлараро шартномалар, келишувлар тўлиқ амал қилаётгани йўқ, декларатив характер касб этиб, эзгу мақсадлар қоғозда қолиб кетмоқда. Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд. Хусусан, 1992 йил 9 декабрда, Конституциямиз амалга кирганидан бир кун кейин, “Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш ҳақида” махсус қонун қабул қилинди. Лекин, бу қонунни амалга ошириш борасидаги заиф жиҳатларни ўтган давр тажрибалари намоён қилди.

Жаҳон тажрибаларига келсак, бу масалада анчагина ишлар қилинган. Масалан, айрим ривожланган мамлакатларда ялпи ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг 7-10 фоизи табиатни муҳофаза қилиш тadbирларига сарф-

ланаётир ёки ишлаб чиқаришнинг асосий сармояси таркибида табиатни муҳофаза қилиш соҳасининг умумий салмоғи 10-20, баъзи корхоналарда ҳатто 40 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, уларда экологик фаолиятнинг қонуний назорати жуда самарали амал қилади. Бир ибратли мисол келтиришни ўринли деб ҳисоблайман. Сизга ўхшаган бир мухбир Япониядаги энг йирик кимё корхоналаридан бирининг раҳбаридан “Шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган бўлишига қарамай, корхонангиз атроф-муҳитга зиён етказмаётир. Бунга қандай эришмоқдасиз?” деб сўраганида ҳалиги жаноб журналистга корхонанинг экологик фаолиятини йўлга қўйишнинг давлат белгилаган мезонлари мавжудлигини ва унинг корхонаси уларга қатъий амал қилишини айтган. Мухбир эса, шу мезонларнинг бажарилишини ким назорат қилади, деб яна қизиқсинган. Шунда раҳбар жаноб ажабланиб: “Мезонлар ҳақида кўрсатма бор-ку, нега у назорат қилиниши керак?” деган. Мухбир ўжарлик билан: “Тўғри, шу кўрсатманинг бажарилишини кимдир ёки қайсидир ташкилот назорат қилса керак, ахир”, дея тихирлик қилганида у баттар ажабланиб: “Мана кўрсатма, нега у назорат қилиниши керак, кўрсатма бажариш учун чиқарилган”, деб изоҳ берган. Демак, Японияда давлат қонуни ёки ҳукумат қарори муқаддас, улар эътиқод янглиғ эъзозланади.

— Домла, Президентимизнинг китобида атроф-муҳитни ифлослантираётган корхона ва хўжаликларга солиқ солиш, иқтисодий

жазо чораларини қўллаш фикри ҳам ўртага ташланган. Сиз бунга нима дейсиз?

— Бу жуда тўғри фикр. Зеро, бозор иқтисодиёти “Фойдаландингми, ҳақини тўла!” деган қоидага асосланиши керак.

Ваҳоланки, бизда шўро даврида табиат бойликларига нисбатан эгасизлик кайфияти шаклланди, - «давлатники», «умумхалқники», «текин» деган мавҳум тасаввурлар пайдо бўлди. Боя айтиб ўтганимиздек, табиатни муҳофаза қилиш катта молиявий маблағларни талаб қилади. Бу маблағларни эса экологик солиқлар, табиатни ифлослантиргани учун солинадиган жарималар, турли хайриялар йўли билан тўплаш мумкин. Айниқса, мамлакатимизга чет эл сармоялари, технологияси, турли хом ашёлар, озиқ-овқат маҳсулотлари шиддат билан кириб келаётган бир пайтда қонуний, иқтисодий чораларни қўлласдан унинг экологик хавфсизлигини сақлашнинг имкони йўқ. Қолаверса, бу маблағлардан экологик жиҳатдан безарар бўлган ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу масала жаҳон миқёсида ҳам умумий мезонга айланиши керак, яъни айрим мамлакатларнинг аксилэкологик бебошликлари махсус халқаро ташкилотларнинг иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий жазо чоралари билан жиловланиши мақсадга мувофиқдир.

— Ҳамонки, экологик хавфсизлик муаммоси бошқа соҳалардаги хавфсизликларга нисбатан халқаро, давлатлараро муносабатларни кучайтиришни тақозо қилар экан, бугунги кунда бу борада



қандай тенденция кўзга ташланмоқда?

— Менимча, бу умумий тенденцияни шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин. Биринчиси — турли мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, миллий таркиби, диний эътиқоди, сиёсий партияларга мансублигидан қатъи назар, экологик ҳамкорлик қилиш эҳтиёжларини англаётгани. Иккинчиси — инсониятнинг экологик эҳтиёжларига, манфаатларига мос бўлган муқобил йўлларни, воситаларни қидириш, турли дастурлар, лойиҳалар ишлаб чиқиш. Учинчиси — ҳар қандай миллатчилик, маҳаллийчилик, “экологик худбинлик” кайфиятидан воз кечиш, амалий ишга ўтиш. Ҳозирча биз, менинг назаримда, иккинчи босқичга энди қадам қўймоқдамиз.

— Китоб муаллифининг фикрига кўра, жаҳондаги экологик хавфсизликни таъминлаш — давлатлараро сиёсий муносабатлар даражасида ҳал қилиниши мумкин бўлган ўта мураккаб вазифадир. Бу сиёсатни самарали амалга оширишга нима тўсқинлик қилмоқда? Ахир, тақдири, келажаги шу муаммони ҳал қилишга боғлиқ эканини ҳамма билади-ку?!

— Бунинг бир талай сабаблари бор. Биринчиси — биз ҳозиргача жамиятнинг тараққиёт даражасини иқтисодий ишлаб чиқаришнинг соф миқдор кўрсаткичлари билан боғлаб, уларни асосий мезон деб тушуниб келдик. Лекин энди экологик ишлаб чиқариш бош мезонга айланмоқдаки, буни барча ҳам англаб етгани йўқ. Иккинчиси — ривожланган мамлакатларда “Экология қорни тўқ, усти бутларнинг иши” деган ибора бор. Ҳақиқатан ҳам,



жуда кўп мамлакатларда қорин тўйдириш (тўғрироғи, тўлдириш) эҳтиёжи экологик манфаатларни, эҳтиёжларни иккинчи даражали қилиб қўймоқда. Учинчиси — ривожланган мамлакатларнинг тараққиёти кўп ҳолларда бошқа мамлакатларнинг, халқларнинг экологик манфаатлари ҳисобига бўлмоқда. Шунинг учун тилимизга “экологик тажовуз”, “экологик эксплуатация”, “экологик мафия”, “экологик коррупция”, “экологик контрабанда” каби тушунчаларнинг кириб келиши тасодиф эмас. Тўртинчиси — бугун ҳам халқаро сиёсатда “экологик миллий худбинлик” ҳодисаси устувор, яъни “ўзингни бил, ўзгани қўй” тамойилига амал қилинмоқда. Бу соҳада миллий худбинликнинг салбий оқибатлари тўғри тушунилаётгани йўқ. Бешинчиси — айрим мамлакатлар “экологик калтабинлик” натижасида ҳудудларига экологик жиҳатдан зарарли чет эл корхоналарини жойлаштириш ҳисобига “ҳаёт даражасини яхшилашга” эришмоқда.

Умуман, экологик сиёсатда халқаро, давлатлараро ҳамкорлик ва назоратнинг ҳуқуқий, сиёсий йўл-йўриқлари ҳозирча мукамаллашгани йўқ.

— “Экологик тажовуз” хавфи ҳақида гапирдингиз, республика-мизга ҳам шу хавф таҳдид қилияптими?

— Э-ҳа, таҳдид қилганда қандай! Мисол келтирайлик. Тожикистондаги Турсунзода шаҳрида 80-йилларда алюминий корхонаси иш бошлагани натижасида мамлакатимизнинг қарийб 30 минг гектар майдонида экологик вазият фоят кескинлашиб кетди. Сурхондарё ви-

лоятининг шу корхонага яқин Денов, Сарийосиё, Олтинсой, Узун туманларида экологик касалланиш даражаси республикадаги ўртача кўрсаткичдан 1,7 — 2 марта зиёддир. Дунёга машҳур Дашнобод анорлари йўқ бўлиб кетаётир.

Бошқа бир мисол. Президентимиз китобида Қирғизистоннинг Ўзбекистонга чегарадош Мойлисув деган ҳудудида 23 та радиоактив моддалар чиқиндилари “қабристон” мавжудлигини таъкидланади. Бундай иншоотларнинг кучли зилзилалар, сел келиш эҳтимоли жуда яқин бўлган минтақада пайдо бўлгани экологик тажовуз хавфидан дарак эмасми? Бунинг устига, мазкур иншоотлар, лойиҳада кўрсатилганидек (ҳамма эҳтимолликлар ҳисобга олинган деб ҳисоблаганимизда ҳам), мустаҳкам қурилганига ишониш қийин.

— Келинг, бу масалаларни янада ойдинлаштириб олайлик. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қийинчиликлари айрим долзарб муаммоларга бўлган эътиборни сусайтирмоқда. Президентимиз айтганидек, экологик муаммоларга ҳам етарлича эътибор берилмаётир. Чунки, мамлакатимизнинг бу борадаги иқтисодий, сиёсий, интеллектуал имкониятлари бир оз чекланган. Шундай экан, бугунги шароитда нисбатан арзон ва қулай, самарадор тадбирларни қай тартибда шошилиш амалга ошириш керак?

— Ҳар қандай халқнинг табиий яшаш шароитлари, уларни муҳофаза қилиш зарурияти билан боғлиқ экологик аънаналари, урф-одатлари, расм-русмлари шаклланиб, асрлар мобайнида сай-



қал топиб келган. Афсуски, бизнинг бундай қадриятларимиз мустамлакачилик сиёсати оқибатида йўқ бўлиб кетди. Энди уларни тиклаш, миллатимиз ҳаётининг мазмунига айлантириш имконияти ҳам, зарурияти ҳам пайдо бўлди. Шунинг учун мустақиллигимизни қўлга киритишимиз билан тарихий меросни ўрганиш, миллий қиёфани қайта шакллантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Халқ оммаси ҳаққоний экологик ахборотлардан қанча кўп хабардор бўлса, экологик фаоллиги ва масъулияти шу қадар кўп ортади. Советлар даврида ҳаққоний экологик ахборотлар “давлат сири” сифатида пинҳон тутилар, ҳақиқий аҳвол эса бузиб талқин қилинар ва сохталаштирилар эди. Алқисса, экологик маданиятни онгли ҳуқуқий маърифатни, таълим-тарбияни ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш воситасидагина ривожлантириш мумкин. Булар — сиз айтган нисбатан арзон ва қулай йўлларнинг айримлари, холос.

— Гапларингиздан бир оз ваҳима, таҳлика, ташвиш, ҳатто умидсизлик саси келиб турибди. Инсоннинг ақл-заковати бу хавфнинг олдини олишга наҳот қодир бўлмаса? Табиатнинг ўзини ўзи тиклаши ҳақидаги назариялар наҳотки бу борада қўл келмаса?..

— Тушуниб турибман, сиз: “Йўғ-э, унчалик эмасдиров”, демоқчисиз. Ваҳоланки, ортиқча умидворлик мавжуд вазиятни тўғри баҳолай олмасликка асосланади ва авантюризмга йўл очади. Инсониятнинг аксилэкологик авантюризми ҳақида минглаб мисоллар келтириш мумкин.

1968 йилда инсониятнинг келажagini ўрганиш, истиқболларини башорат қилиш мақсадида халқаро “Рим клуби” ташкил этилган эди. Унинг 100 нафар доимий аъзоси жаҳондаги 40 дан зиёд мамлакатнинг энг йирик сиёсатчилари, иқтисодчилари, давлат арбоблари ва олимларидан иборат. Уларнинг 34 нафари халқаро Нобель мукофоти соҳибидир. Улар ўтказган илмий тадқиқотлар натижалари жаҳонда умумий ривожланиш шу тариқа давом этгудек бўлса, ҳеч қандай оптимистик кайфиятга ўрин қолдирмайди. Дарҳақиқат, сайёрамиз биз ўйлагандек, қўшиқларда куйланганидек бепоён эмас. Бугунги фазовий кема Ер куррасини атиги 17 дақиқада айланиб чиқади. Мажозий қилиб айтсак, заминимиз денгиз деб аталадиган “шўр кўлмаклар” ўртасидаги кичкинагина оролча, холос. Экологик офат эса шу мўъжаз оролчадаги улкан фожиадир. Норвегиялик йирик саёҳатчи олим Тур Хейердал “Сайёрамиз уммонлардаги кичкина солдир” деганида шуни назарда тутган бўлса не ажаб. Ҳақиқатан ҳам унинг захиралари, имкониятлари чексиз-чегарасиз эмас. Бунинг устига, у фақат инсоннинг маҳрига тушмаган, бошқалар ҳам унга соҳиб. Яъни у Оллоҳ яратган барча тирик жонзотларнинг макони, ватани ҳисобланади.

Яратганнинг мантиғига кўра, инсонга ақл-заковат дунёни бузиш, ўз ҳаётига зомин бўлиш учун эмас, борлиқни обод этиш, келажак авлодларга мерос қолдириш учун берилган. Афсуски, ҳозиргача инсоният очкўзлик билан ду-

нени фақат бузиб, хўжасизларча ўзлаштириб келаётир. Бу ҳақда Эрнест Хемингуэй киноя аралаш “Одам пайдо бўлиши билан сайёранинг путури кета бошлади”, деб ёзган. Умуман, агар қиёмат муқаррар бўлса, унинг бош сабаби экологик вазиятнинг кескинлашуви бўлади. Шу боис ўзимизга ўзимиз ёлғон тасалли беришимиз, хомхаёллар билан кўнгилни овутишимиз калтабинликдир. Лекин “нима бўлса бўлар”, деб қўл қовуштириб ўтириш, Президентимиз айтганидек, ўз-ўзимизни ўлимга маҳкум қилиш билан баробар.

Ҳа, инсон ақли, заковати кўп нарсаларга қодир. У XX аср сўнгида ўзи бузган дунёни ўзидан бошқа ҳеч ким тиклаб бермаслигини ҳам англай бошлади.

— *Домла, экологик вазиятнинг кескинлашуви, энг аввало, оналар ва болалар саломатлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу — ҳаммага аён ҳақиқат. Уни бартараф этиш учун юртимизда қандай ишлар қилинмоқда? Бу борада халқаро ҳамкорликнинг истиқболлари қандай?*

— Ўзбекистонда, бозор муносабатларига ўтиш қийинчиликларига қарамай, экологик барқарорликни таъминлаш, оналар ва болалар саломатлигини асраш ҳукуватимизнинг доимий диққат-этиборида турган муаммолардан биридир. Президентимиз ташаббуси билан республикамизда биринчи ва иккинчи даражали “Соғлом авлод учун” орденининг таъсис этилгани бу масала биз учун нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этганидан далолат беради.

Бу муаммога жаҳон ҳамжами-

яти ҳам бефарқ қараётгани йўқ. Чунки, мутахассисларнинг фикрига кўра, республикамизда 20 фоздан зиёд касалланиш экологик вазиятнинг кескинлашуви билан бевосита боғлиқ. Ҳатто айрим ҳудудларда она сутини болага эмизиш ҳам мумкин бўлмай қолди. Шунинг учун БМТнинг ЮНИСЕФ ҳамда халқаро “ЭКОСАН” жамғармаси ташаббуси билан 1995 йилда Оролбўйи ҳудудидаги болалар ва оналар соғлигини муҳофаза қилишга доир “АСПЕРА” дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурни Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қўллаб-қувватлаб, 1995 йил 31 июлда “ЮНИСЕФ-ЭКОСАН АСПЕРА” дастурини амалга ошириш тадбирлари ҳақида” махсус қарор чиқарди. Дастур тўрт йилга мўлжалланган бўлиб, уни амалга ошириш учун 3,12 миллион АҚШ доллари харжлаш кўзда тутилган. Шу давр ичида Оролбўйи ҳудудидаги оналар ва болалар саломатлигини сақлашга беғараз инсонпарварлик ёрдами тариқасида 1,5 миллион АҚШ доллари сарфланди. Лекин кўрилаётган бу чоратадбирлар хотиржамликка асос бўлолмайди. Чунки Президент Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: “Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолда қабул қилиб олишлари учун, биз бугун аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорлик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорлик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир”.




зим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир”.

Бунинг учун биз бугундан бошлаб табиат устидан “ҳукмронлигимиз” ҳақидаги манманлигимизни йиғиштириб, табиатнинг фарзанди эканимизни англаб, бинобарин, фарзандлик масъулиятини чуқур ҳис этиб, ақл билан иш қилишимиз лозим. АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида Жаҳон болалар фонди қароргоҳи пештоқига катта ҳарфлар билан “Замин бизга аجدодлардан мерос қолмаган, балки келажак авлодларимиздан қарзга берилган” деб ёзиб қўйилган. Ана шу гапнинг маънисини англаб етсак, табиатга муносабатимиз ўзгарган бўлур эди.

**Муртазо ҚАРШИБОЙ**  
суҳбатлашди.



Усеин КЕРИМОВ, Баҳодир УМАРОВ



## “СУНЬИЙ АҚЛ”



### ЯРАТИШ

## МУМКИНМИ?

Башариятнинг неча минг йиллик тараққиёт тажрибаси давомида қизиқ бир қонуният мудом кўзга ташланиб келган. Яъни инсоният неники кўзлаган, режалаштирган бўлса, эрта-ми-кечми, унга эришган. Жамиятда инқилобий ўзгаришлар ясаган илк ихтиролардан тортиб, XIX-XX асрларда амалга оширилган ҳайратомуз кашфиётларгача — барча-барчаси инсон ақлу заковатининг, тафаккурининг маҳсулидир. Аммо ҳар қандай қонуниятда ҳам бир истисно бўлгани каби, бугунги мислсиз илмий-техникавий тараққиёт даврида ҳам ечими топилмаётган муаммолар талайгина.

Машҳур инглиз олими Арнольд Тьюрингнинг “Машина ҳам фикрлай оладими?” рисоласининг чоп этилганига ярим асрдан зиёдроқ вақт ўтган бўлса-да, дунёдаги ўнлаб илмий марказларнинг “сунъий ақл” яратиш борасидаги уринишлари ҳалигача арзигулик бир натижа бергани йўқ.

Бугун — инсон ирсиятини ўзгартириш борасида оламшумул ишлар қилинаётган (шотландиялик генетикларнинг клонлаштириш, яъни жинс-

сиз кўпайтириш воситасида минглаб ва миллионлаб бир-бирига ўхшаш жонзотларни яратиш йўлида яқиндагина амалга оширган кашфиёти жиддий шов-шув, ҳатто хавотирга сабаб бўлди), келажак кишиси — Киборг, яъни “кибернетик вужуд” шакллантирилаётган, ўзга сайёраларда минглаб ерликлар яшаши учун улкан космик станциялар лойиҳалаштирилаётган ва ниҳоят, термоядро синтезини бевосита амалга ошириш масаласи кун тартибига қўйилаётган — ҳуллас, инсон ҳар нарсага қодир бўлиб турган бир пайтда “сунъий ақл” яратиш йўлидаги тадқиқотлар самарасиз қолаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Аввало, “сунъий ақл”нинг ўзи нима? Уни яратишдан қандай мақсад-муддао кўзланган? Бу борада



муайян тасаввур ҳосил қилиш учун даставвал масаланинг тарихий, илмий-техникавий ҳамда фалсафий жиҳатлари ҳақида фикр юритмоқ даркор.

"Сунъий ақл" яратиш гоёси, жайдарироқ қилиб айтсак, инсон онги, тафаккурига хос айрим жараёнларни моделлаштириш Саноат инқилобидан кейинги даврда — XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг аввалида пайдо бўла бошлади. Дастлаб Раймунд Луллий ва Стэнли Жевонсларнинг мантикий машиналари, Блез Паскаль ва Лейбницнинг ҳисоблаш асбоблари яратилгач, кўпчилик инсон тафаккурига хос айрим жараёнларни бажарувчи (аникроғи, такрорловчи) бу "ақлли жонзот"ларга ҳайрат ва ҳатто қўрқув билан боққан ("ақлли" машиналар инсонни ўзига бўйсундириб, қулига айлантириб олиши эҳтимоли ҳақидаги ҳадик ўша замонларда пайдо бўлган бўлса ажаб эмас). Илк паровоз кишиларни нақадар даҳшатга солган бўлса, XIX асрнинг бошларида Чарльз Бэббей яратган дастурлаштирувчи автоматик ҳисоблаш машинасининг "ваҳима"си ҳам ундан асло кам бўлмаган.

XX асрнинг ўрталарида кибернетика ва унинг асосини ташкил этув-

чи, белгиланган дастурлар бўйича турли хил математик ҳисоб-китоб ҳамда мантикий таҳлилларни амалга оширувчи электрон-ҳисоблаш машиналарининг (ЭҲМ) пайдо бўлиши эса "сунъий ақл" яратиш борасидаги изланишларни янги бир поғонага кўтарди. Бу машиналар ўша даврдаёқ бежиз "сунъий мия" ёки "электрон мия" деб ном олмаган эди. Чунки бу даврда "сунъий ақл"нинг умумий муаммоларини таҳлил этиш

ҳамда унинг муайян назарий мо-

делла-

рини

ишлаб

чиқиш

билан

бир вақт-

да тирик

жонзотлар хатти-

ҳаракатини имита-

ция қилувчи (яъни так-

рорловчи) механик ускуналар

яратилганидан сўнг (К. Шен-

ноннинг "сичқони", Г. Уолтер-

нинг "тошбақа"си, У. Эшби-

нинг гомеостати шулар жум-

ласидандир) шу соҳа мутахас-

сислари энди "сунъий ақл" муам-



мосини

ҳал этиш

нақд бир

нарс

а деган ҳа-

ёлга борган

эдилар.

Айниқса, 60-йиллар-

нинг бошида шахмат-

шашка ўйнаш, математик

теоремаларни исботлаш, матнни

бир тилдан иккинчисига ўгириш каби жараёнлар компьютерларнинг "қундалик иши"га айлангач, олимлар инсон ақлий фаолиятини тўлдирувчи

ва ҳатто маълум маънода унинг ўрнини босиши мумкин бўлган “сунъий ақл” ёки “ақлли” машиналар эртаиндин пайдо бўлади, деган фикрга ҳам бориб қолган эди. А.Тьюринг тилга олинган рисоласида “...машиналар соф ақлий фаолиятнинг барча соҳаларида инсон билан бемалол баҳслаша олишига энди умид қилсак бўлади”, дея ишонч билан таъкидлайди. Кибернетиканинг “отаси” Норберт Винернинг фикри эса бундан ҳам ошиб тушди. “...Доктор Уильям Эшбининг ўз ихтирочисидан ҳам ақллироқ машина яратилиши мумкин, деган гапига тўлиқ қўшиламан”, дейди у (Н.Винер. “Кибернетика или управление и связь в животном и организме.” Иккинчи нашри, Москва, 1968 йил, 300-бет).

Эҳтимол шундай “ақлли” машина ҳам яратилар, аммо унинг, таъбир жоиз бўлса, “ички дунёси”, “онги”, “тафаккури” инсонники каби бетакрор хусусиятларга эга бўлиши мумкинми? Мавжуд маълумотлар бир сонияда ҳатто 100 миллион операцияни бажара оладиган энг замонавий компьютер ҳам инсон ақли, тафаккурининг таҳлил кучи олдида ожиз эканини кўрсатмоқда.

70-йилларнинг бошидан буён узлуксиз ўтказиб келинаётган компьютер ва шохмот устаси ўртасидаги “беллашув”ларда баъзан машинанинг “қўли” баланд келаётгани унинг “ақлли”лик даражаси билан эмас, балки тезкорлиги, яъни компьютер дастурида кўзда тутилган (улар ҳам инсон ақли, тафаккурининг маҳсули эканини эътиборга олиб қўяйлик!) юзлаб муқобиллардан бирини дарҳол танлай билиши билан изоҳланади. Энг мукаммал компьютер ёки техник ускуна ҳам қўйилган вазифанинг тайёр йўллари билан автоматик тарзда танлаш билан чега-

раланса, инсон уни пухта таҳлил асосида мутлақо янги усуллар воситасида ҳал этиш қобилиятига эга. Шу боис Л.Фогель, А.Оуэнс, М.Уолш каби олимлар машина ҳар қандай масалани тезкорлик эвазига эмас, янги усуллар воситасида еча бошлагандагина “сунъий ақл” ҳақида гапириш мумкин деганларида мутлақо ҳақ эдилар.

Замонавий руҳиятшуносликда “ақл” ва “тафаккур”га доир “муайян вазифани тўғри англаш ва ечиш қобилияти”, “абстракт (мавжу) фикрлаш қобилияти”, «ўқиш ва илм олиш қобилияти», «атроф-муҳитга мослаша олиш қобилияти», «ечими топилмаётган муаммоларни янгича ёндашув, янги усуллар асосида ҳал этиш қобилияти» сингари ўнлаб таъбир мавжуд.

Бироқ улар энг мукаммал техника ускунасига ҳам мос келмайди.

Изланишлар кутилганидек самара бермаётганига бош сабаб “сунъий ақл”га фақат физикавий-механикавий ва техникавий муаммо сифатида қаралаётгани, унинг фалсафий, руҳий жиҳатларига эътибор берилмаётгани эмасмикан?

Ҳар ҳолда, “сунъий ақл” яратиш борасидаги изланишлар фақат тафаккур жараёнининг моддий, физикавий жиҳатларини моделлаштиришга қаратилгани Сизифнинг улкан харсангни тоғ чўққисидан беҳуда юмалатишига ўхшаб кетади. Бизнингча, “сунъий ақл” тўғрисида гап кетганда инсон миясида рўй бераётган жараёнларнинг моҳиятини, тафаккурнинг асл табиатини, унинг нутқда акс этадиган моддийлашган инъикосини англамоқ лозим. Бошқача айтганда, “сунъий ақл” яратиш “пастдан – юқорига”, яъни физикавий, механикавий асосдан идеал — руҳий шаклларга қараб эмас, аксин-



ча, "юқоридан – пастга", яъни фикр, гоё шаклланиш механизмининг идеал–руҳий негизлари ҳамда яхлит, соф ҳолда олинган тафаккур жараёнидан унинг муайян моделларини яратиш сари бориши керак.

Шундай бир мукамал техник ускуна, процессор яратилсинки, у нафақат ҳиссий идрок оламида, балки ақлий идрок оламида ҳам инсон тафаккурига хос вазифаларни бемалол бажарсин. Бундай натижага эришиш учун тафаккурни кимёвий, физиологиявий, руҳий жараёнлар ҳосиласи деб эмас, аксинча, кимёвий, физиологиявий, руҳий жараёнларни тафаккур натижаси деб эътироф этмоқ керак. Мисол учун, сўзлашувда акс этадиган ақлий идрокни фонетика, лексика, морфология, сўз шаклланиши каби тилнинг грамматик унсурлари воситасида англамоқ мушкул, чунки тафаккур жараёни тил шаклланишининг натижаси бўлмай, аксинча, тил шакллари унинг ҳосиласидир. Албатта, инсон тафаккурига хос жараёнларнинг ҳали фанга маълум бўлмаган, очилмаган қирралари (жумладан, онгости қатламларининг тафаккур жараёнидаги ахамияти, тутган ўрни кўп жиҳатдан сирлигича қолмоқда) оз эмас. Аммо инсон тафаккури ҳамда нутқнинг табиати ҳақидаги мавжуд маълумотларга таяниб "сунъий ақл" яратиш борасидаги изланишларда муайян ютуқларга эришиш имконияти мавжуд. Бунинг учун тафаккур жараёнини замонавий компьютерлар фарқлай оладиган муайян рамзий белгиларда моддийлаштириш, акс эттириш воситасида инсон тилига мос бўлган ЭҲМнинг дастурлаштириш

тили ҳамда фикрни шакллантирувчи механизмнинг буйруқларини қабул қилувчи процессорни яратиш керак бўлади. Бугунги кунда инсон овозини фарқлай оладиган, маълум масофадан туриб унинг буйруқларини бажарадиган "ақлли" техник ускуналарнинг пайдо бўлаётгани (Ой ва Марсни тадқиқ этаётган ўзиюрар космик ускуналар, портловчи моддаларни хавфсизлантираётган ҳамда узоқдан бошқариладиган "ақлли" автоматлар ҳеч кимни ҳайратлантирмайдиган оддий бир ҳодисага айланиб бормоқда) бўлғуси мислизи илмий-техникавий тараққиётнинг дебочасидир, холос.

Бироқ шунга ўхшаш "ақлли" машиналарнинг пайдо бўлиши ва ҳаётимизнинг турли соҳаларида инсоннинг ўрнини эгаллаши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Инсон аввалгидек дунёнинг ҳукмдори бўлиб қолаверадими ёхуд "ақлли" машиналарнинг қулига айланадими? Бизнингча, бундай шубҳаларни ҳаёлдан чиқариб ташлаш керак, чунки Парвардигори олам яратган инсон Яратувчисидан мукамал бўлмагани каби, инсон ақли, тафаккури билан яратилган "сунъий ақл" ҳам ҳўжасидан ақллироқ, мукамалроқ бўлиши мумкин эмас. Инсон камолотнинг юсак чўққиларига интилгани сари унинг тафаккури маҳсули бўлмиш "ақлли" машиналар ҳам такомиллашиб бораверади ҳамда улар инсоннинг жисмоний ва ақлий меҳнатини енгиллаштирувчи, унга сўзсиз итоат этувчи энг яқин ёрдамчига айланади. Бунинг аксини эса, яхшиси, фақат саргузашт фильмларда кўрган маъқулроқ...



# РЕКЛАМА МУЪЖИЗАЛАРИ

— Қизик, Ўзбекистонда қанча мушук бор экан-а?

— Нима эди?

— Сенинг Мошингни билмадим-у, аммо меники “Вискас”ни ёқтириб қолди.

— Қўйсанг-чи бу гапларни, Мошинг эмас, ўзинг “Вискас”ни ёқтириб қолгандирсан?..

— Бировнинг устидан кулишдан олдин “Ширибом” чайнашни бас қилсанг бўлармиди?

— “Ширибом” эмас, ундан зўрини — “Орбит” чайнаяпман!

Кундалик ҳаётимизда учраб тура-

диган мана шу каби сахналар беихтиёр машҳур ёзувчилар И. Ильф ва Г. Петровнинг “Бир қаватли Америка” ҳамда В. Стрельников И. Шатуновский билан ҳамкорликда яратган “Ўнгда ҳам, сўлда ҳам Америка” китобларини ёдга солади. Хусусан, уларнинг кейингисида АҚШ реклама саноатининг “зафарли юриши” ҳикоя қилинади. “Биз, — деб ёзади муаллифлар, — кўзларимизни бир-биримиздан ўғринча олиб қочиб, бутун бошли теледастурдан айнан ўзимизни қизиқтирган фильмларни — мушаклари бўртиб турган забардаст



ва назокатли эркакни; мафтункор аёлни; инсон қилиши мумкин бўлган барча разиллик — садизмни (бировни азоблаб лаззатланиш); хиёнат, ҳасад, ёлғон акс этган фожиани танлаб томоша қилар эдик. Ора-чира фильм ўртасида реклама бериб туриларди”.

Муаллифлар, бизнинг назаримизда, инсон ва реклама ўртасидаги муносабатни аниқ белгилаб бергандек. Соддароқ қилиб айтганда, асарда инсон рекламага қарам бўлиб қолгани кўрсатиб берилган.

Ажабки, бизнинг бошимизга ҳам шу кўргулик тушди: кечагина телевизорга қараб кийинган бўлсак, энди унга қараб овқатланамиз, саёҳат қиламиз, дам оламиз, кир ювамиз, тишимизни тозалаймиз. Бўш пайтларимизда ҳам фикру хаёлимиз ўшанда — рекламаларни муҳокама қиламиз, умуман, бир-бирига зид хиссиётлар оғушида яшаймиз.

Ўзбекистон — Америка эмас. Биздаги рекламани у ердаги ва умуман, ривожланган мамлакатлардаги реклама бизнеси билан қиёслаб бўлмайди. Қайд этилган китобларнинг чоп этилганига анча бўлди. Гувоҳларнинг айтишича, бугун АҚШ рекламасида ҳам анча-мунча ўзгаришлар рўй бермоқда. Хусусан, бугунги кунда у ерда тамаки ва спиртли ичимликларни реклама қилиш тақиқланган, бадиий фильмлар намойиши пайтида реклама роликларини айлантиришдан ҳам воз кечилмоқда. Бизда-чи?

Реклама баъзи ўлкаларда Фарбнинг чириб бораётган аломатлари сифатида қабул қилинаётган бир пайтда у бизнинг маиший турмушимизга тобора кўпроқ сингиб бормоқда. Қаёққа қараманг — реклама. Бирон бир уйнинг девори ёки йўл тўсиши йўқки, реклама тахтачалари

осилмаган бўлсин. Реклама теле ва радио тўлқинларининг асосий вақтини эгаллаб олган. Улар ҳатто биноларнинг томида, метро ва транспорт воситаларида ҳам ҳукмрон. У ишонтирмоқда, қичқирмоқда ва чорламоқда: **«Сен, мен ва Ротманс», «ДЭУ — бахтиёрлик ва қувонч ҳисси», «Филипс — ҳаётингизни яхши томонга буриб юборамиз», «Несткафе — янги кун нафаси», «Баунти — жаннати роҳат», «Сейфгард — бактерияларга қарши мустаҳкам қалқон», «Гала — нега энди қимматини олишим керак?», «Тефаль — сен ҳаммиша биз ҳақимизда қайгурасан»...**

Реклама бизда ҳам ўз хусусиятига кўра, барча мамлакатлардагидек, бир соҳада — одамнинг жонига тегадиган хиралиги билан ўзгармас бўлиб қолмоқда. У бизнинг дидимизни тарбияламоқда, бизга эстетик меъёрларни тиқиштириб, ҳаёт андозаларини яратиш пайидан бўлмоқда.

Илгарилари, советлар даврида одамларни синфий ва партиявий хусусиятларига қараб ажратган бўлсак, энди уларга чекаётган сигаретининг тури, чўнтак телефони, хорижий машинаси ва ниҳоят, музлатгичдаги маҳсулотларига қараб баҳо бермоқдамиз. Бу яхшими ёки ёмонми — баҳсли масала. Лекин бу ҳол мавжуд ва биз уни жамиятнинг бозор муносабатларига ўтгани билан изоҳлаймиз. Бошқача айтганда, рекламани бозорсиз тасаввур этиб бўлмаганидек, рекламасиз бозор ҳам бўлмайди. Ёки, америкача фикрлайдиган бўлсак, рекламасиз гуллаб-яшнаш йўқ. Нима ҳам дердик, балки улар ҳақдир! Аммо, биз-чи? Америка Колумб учун янгилик бўлганидек, реклама ҳам биз учун янгилик-ку! Америкаликлардан фарқли ўларок,



бизда реклама санъатига бўлган муносабат анча айқашуйқаш.

Чиндан ҳам, рекламасиз бозорга кириб бўлмайди. У — бозор муҳарриги. Шу боис унга томон реал

ҳаракат қиялпмиз. Мақсад — рекламдан қочиш эмас, балки омма онгини унга оқилона тайёрлаб боришдан иборат. Бозор бизда ҳамisha демократия билан муқояса қилинади, бунда мулкчиликнинг кўп шакллиги назарда тутилади: хусусий, ҳиссадорлик, давлат, жамоа, ширкат ва ҳоказо. Бу — масаланинг бир жиҳати. Иккинчи жиҳати — бозор шафқатсиз, унда диктаторлик хусусиятлари ҳам йуқ эмас. Айнан ана шулар ҳақида кўпчилик дурустроқ ўйлаб кўрмай оғзига келганини гапираверади. Айнан демократия ва диктаторлик хусусиятлари бозорнинг табиий йўл-йўриқлари — механизми қонуниятларини ташкил этади. Бошқача айтганда, ўйин қондаси шундай: бозор ўша жараёнга мос ҳолда ривожланиб боради. Сиз уни тўлиқ эътироф этишга ва унга амал қилишга мажбурсиз. Акс ҳолда бозорнинг табиий қонуниятига қарши чиққан бўласиз.

Рекламага доим ҳам ишонч билан қараш керак эмас. Унга муайян маънода шубҳа билан муносабатда бўлиш лозим: нега энди бу товарни зўрлаб тиқиштирмоқда? Бу реклама кимларнинг манфаатини ҳимоя қилаётган экан-а? Сир эмас, реклама ижодкорлари — юксак даражадаги психологлардир ва улар инсоннинг нозик жиҳатларини яхши билади, унинг қитиқпатини топиб, сезгисига таъсир эта-

ди. Уларнинг мақсади — қандай қилиб бўлмасин пул ишлаш! Бунинг устига, хориждан келтирилган товарлар рекламасида бизнинг шарт-шароитимиз, миллий анъана ва удумларимиз мутлақо ҳисобга олинмайди.

Бу ҳол “Анкл-Бенс” рекламасида аниқ кўринади. Реклама кўзни яшнатадиган даражада жозибали. Аммо “Анкл-Бенс” гуручлари, сабзавотли зираворлари ва қайлалари ўзбекистонлик истеъмолчилар дастурхонидан жой ололмагани аниқ. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас: ушбу фирманинг сабзавотли зираворлари ва гуручларини ўзимизнинг маҳсулотлар билан таққослаб бўлмайди. Биз бирон бир савдо растасида “Анкл-Бенс”ни “Орбит” сақичлари каби харид қилаётганларини кўрмадик.

Сўнгги пайтларда Россия оммавий ахборот воситаларида Американинг “Жонсон ва Жонсон”, “Проктер энд Гембл” фирмалари маҳсулоти — аёллар тампонлари ва прокладкаларини (дока ва қистирма) реклама қилиш авж олди. Ҳар сафар экранда майин табассум билан шакаргуфторлик қиладиган малохатли хонимлардан беихтиёр бир нарсани сўрагимиз келади: шўрлик россиялик аёллар, қизлар 70 йилдан зиёд вақт мобайнида шундай рекламасиз ҳам кун кўриб юрган эдилар шекилли?..

Россияликлар мириқиб томоша қиладиган бу реклама роликларини ўзбекистонликларнинг дидига мос келади дейиш қийин. Ҳар қалай, бизнинг телевидениеда бундай рекламалар намойиш қилинмайди, шукр. Рекламаларни эълон қилишда миллий омиллар, маҳаллий шарт-шароит, анъана ва урф-одатларни ҳисобга олган маъқул.

Американинг реклама саноати кучли. Бу, энг аввало, “ўртача” америкаликлар психологияси пухта ўрганилгани билан изоҳланади. Зикр этилган “Ўнгда ҳам, сўлда ҳам Америка” китобида ғаройиб маълум-



мот келтирилган: “Реклама ижодкорларининг шарофати билан, — дейди асар муаллифлари, — америкаликларнинг кундалик мулоқот тили шундай бойиганки, Американинг бутун бошли шоирлари, инглизларнинг Шекспири ва Россиянинг Грибоедови уларнинг олдида ип эшолмай қолади”.

Америкалик реклама ижодкорлари устаси фаранг кишилардир. Аммо, афсуски, бизнинг оммавий ахборот воситалари ходимларида шундай ижодкорлик етишмаяпти.

Бу борада, аввало, пухта ўйланган, илмий асосланган ягона реклама сиёсати зарур. Токи у реклама саноатидаги барча қарама-қаршиликлару нозик жиҳатларни ва энг аввало, унинг матбуот билан ўзаро муносабатини тартибга солиб турсин.

Бугунги шароитда эса тахририят жамоалари эълон қилинган реклама учун жавобгарликни ҳис этмайди. Улар газета-журналларнинг сўнгги бетиде ёзиб қўйилган “Реклама ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама берувчилар масъулдир” деган расмий огоҳлантириш билан ўзларини муҳофаза қилиб олганлар. Қаламкаш дўстларимизнинг ҳақгўйлиги ва бартариблигига шубҳамиз йўқ. Аммо ҳамма иш қонун доирасида, ҳуқуқий меъёрларга асосланган ҳолда юритилса яхши. Эскидан маълум бир гап бор: ахлоқ ва пулдан бирини танлашга тўғри келиб қолса, кўпинча кейингиси танланади. Ўзбекистонда шундай реклама сиёсати зарурки, токи у ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасига танқидий ёндашиш имконини берсин. Шу билан бирга, бу сиёсатни, жаҳондаги барча демократия мамлакатларидаги сингари, ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаш жуда муҳим. Айтайлик, реклама бизнеси ҳақида қонун тайёрланса айни муддао бўлур эди. Реклама берувчилар ва оммавий ахборот восита-

лари ўрта-сидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган меъёрлар ана шу қонунда кўзда тутилса, реклама-ларни ёритиш борасидаги айрим тушунмовчиликлар барҳам топар эди.

АҚШ, Фарбий Оврупо ҳамда Японияда муайян матбуот идорасига реклама берувчилар ўтказадиган маблағнинг миқдори рекламага муҳтож матбуот нашрининг сиёсий қиёфасига боғлиқ. Журналистиканинг бозор билан боғлиқ жиҳатларини тадқиқ қилган таниқли фарб олими Ж. Кайзернинг фикрига асосланадиган бўлсак, бозор шароитида газета эгаси беихтиёр тарзда, реклама берувчилар манфаатининг ҳимоячисига айланиб қолар экан. Бу каби «тил бириктириш»ларнинг оқибати яхши бўлмайди. У кўпгина йирик газеталарни сиёсатдан йироқлашиш ва хароб бўлишга, фикрини баралла айтолмасликка мажбур этади. Реклама газеталарни молиявий тангликдан халос этади ёки аксинча. У қийин аҳволда қолганлардан юз ўгиради, иши юришиб турганларнинг эса этагини тутди. Ж. Кайзер матбуотни йирик молиявий гуруҳлар монополия (яккатасарруф) қилиб олишидан хавотирланган эди. Аммо, бизнингча, бунинг замирида унданда хавфлироқ ҳолат бор: бу — йирик реклама берувчилар ўз назорати — цензурасини йўлга қўйишидир.

Буларнинг барчаси матбуот соҳасидаги қонунчилик фаолиятимизни фаоллаштиришни талаб этади. Жаҳоннинг биронта давлатида, жумла-



дан, МДХ мамлакатларида ҳам, реклама берувчилар билан матбуот ўртасидаги муносабатни тартибга солиб турадиган юридик ҳужжат ҳали ишлаб чиқилмаган. Маълумки, Россияда "Менатеп", "МММ", "Тибет" ва бошқа бир талай шубҳали компаниялар орқасидан айрим оммавий ахборот воситалари ҳам бойиб олган эди...

Мана шу ўринда реклама бизнесининг хос (специфик) хусусиятлари мавжуд эканини таъкидлаб ўтиш лозим. Гап шундаки, муайян фирма моллини сотаётганда касодга учраса, у ишлаб чиқараётган маҳсулотининг сифатини яхшилаш хусусида мутлақо жон куйдирмайди, балки тарғибот компаниясини ўзгартириш ҳақида қайгуради. Қоидага кўра, фирма дарҳол реклама агентлигига кўмак сўраб мурожаат этади. Ушбу агентлик эса мудом битта стратегик қоидага амал қилади: товарнинг номини сақлаб, рекламани яхшилаш ёхуд унга янги ном қўйиб, янги рекламани татбиқ этиш... Аҳамият берган бўлсангиз, маҳсулот сифатини яхшилаш хусусида мутлақо гап йўқ.

Оддий истеъмолчи бу сир-синоатдан беҳабар бўлиши мумкин, аммо журналистлар, касби тақозосига кўра, рекламанинг бундай "мўъжиза"ларини билмоғи зарур.

Шу ўринда Президентимизнинг хорижда ишлаб чиқарилган сифатсиз товарлар ички бозоримизга кириб келаётганидан афсусланиб гапирганлари эсга тушади. Чиндан ҳам, бозорларимиз иккинчи навли, сифатсиз маҳсулотлар кўргазмасига айланиб қолди, у ерда нималар йўқ дейсиз: муддати ўтиб кетган дори-дармонлар; сотилмай туриб қолган озиқ-овқат маҳсулотлари; сифат жиҳатидан ўзимизда ишлаб чиқарилганларидан ҳам паст жиҳозлар... Албатта, чет эл маҳсуло-

ти ва хориж рекламасига ҳеч ким қарши эмас. Аммо уларнинг ногорасига ҳадеб ўйнайвериш ҳам инсофдан бўлмайди. Оммавий ахборот воситаларининг мустақил фикри бўлиши лозим. Бу мустақиллик, сўзсиз, реклама соҳасига ҳам тегишлидир.

Президентимиз журналистларга мурожаат этар экан, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш жараёнини тезлаштириш лозимлигига эътиборни қаратдилар ва, уни "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтаришда ташаббусни ўз қўлингизга олинг, деб даъват этдилар. Юртбошимиз матбуотда кескин таркибий ўзгаришларни амалга ошириш лозимлигини тинмай уқтирадилар, улар мустақил давлатимиз тараққиётига хизмат қилсин, дея таъкидладилар. Президентнинг ўзи Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасини ташкил этишнинг ташаббускори бўлгани ҳам бежиз эмас. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»-ги, «Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилинишида ҳам Ислом Қаримовнинг ўзлари бош-қош бўлдилар. Ва шу тариқа журналистларнинг янги даромад манбаларини излаб топишига кенг имкониятлар очиб берилди. Реклама эса, таъкидлаб ўтганимиздек, зўр бойлик манбаидир.

Очиқ жамият куриш сари дадил бораётган мустақил Ўзбекистон рекламачилик борасида АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатлар босиб ўтган йўлдан юриши шарт эмас. У ўзининг янги, мустақил йўлини топишга қодир. Ана шунда лоақал В. Стрельников ва И. Шатуновскийлар китобида ёзиб кетган океанорти афсоналари бизнинг жамиятимизда такрорланмайди.



**СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН  
СОҒЛОМ РЕКЛАМА КЕРАК!**

**СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН**

**Мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказишга қаратилган миллий сиёсат юритилаётган пайтда кўча ва хиёбонларимизда мана бундай реклама "асар"лари пайдо бўлиб қолаётгани ажабланарлидир. Ҳолбуки, соғлом авлодга соғлом реклама керак!**

# “БОСМАЧИЛИК” ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛДИ?

“Босмачилик” аслида ёлгон атама эканини бугун ҳамма билади. Уша тамга остида ҳаракат қилган зотлар биринчи галда Туркистон (Қўқон) Мухториятини ҳимоя қилиш ниятида қўлга қурол олиб, озодлик ва мустақиллик учун курашган эдилар. Мустақиллик шарофатидан эркин фикр юритиш, тарихимиз ҳамда кундалик ҳаётимиз ҳақида холисона мулоҳаза қилиш имкони туғилган дастлабки йиллардаёқ ижод аҳли “босмачилик” масаласини холисона ёритишга киришди.

1918 йил Туркистонда (Қўқон Мухторияти ағдарилгач) совет ҳокимиятига қарши бошланган миллий кураш 1919 йилдан бошлаб расмий ва норасмий манбаларда “босмачилик” деб атала бошланди. Бироқ миллий ҳаракатнинг моҳияти “босмачилик” сўзининг асл маъносига мутлақо зид эди. 1922-23 йилларга қадар чоп этилган турли манбалар — матбуот, расмий ёзишма, ахборотлар бунинг исботидир. Чунончи, ҳар хил манбаларда қайд этилган, турли тоифа, миллатга мансуб, маслак ва мақсади, хизмат вазифаси турлича бўлган эътиборли шахсларнинг бу ҳаракатга муносабати диққатга сазовор. Таъкидлаш лозимки, улар совет тарихшунослигида атайин илмий истеъмолга киритилмаган.

Аввало, “босмачилик” ҳаракатининг сабаблари ва моҳияти ҳақидаги қарашларга тўхталамиз. Бу ҳақда таъниқли давлат арбоби Турор Рискулов бундай деган эди: “Босмачилик ҳаракати вакиллари дастлабки йилларда Қўқон Мухторияти ҳукуматининг сиёсий шиорларини қўллаб-қувватладилар, аммо бу ҳукумат ағдариб ташланганидан кейин улар Туркистонни миллий жиҳатдан озод қилиш, ислом динини ҳимоя этиш тўғрисида ўзлари мустақил шиорлар билан майдонга чиқдилар”.

Туркистон Коммунистик фирқаси тарғибот-ташвиқот бўлими шарҳларида таъкидланишича, “1918 ва 1919 йилларда Фарғонадаги босмачилик, шубҳасиз, умуммиллий ҳаракат эди, уни маҳаллий аҳолининг аксарияти қўллаб-қувватлади... Совет ҳокимияти дастлабки йилларда, ўзининг расмий шиорларига қарамай, амалда

Доно ЗИЁЕВА. Тарих фанлари номзоди, ЎзФА Тарих институтининг докторанти.



мустамлакачилик ва эски зуравонлик сиёсатини давом эттирар эди. Айниқса, Қўқон Мухториятини яқсон қилишда очикдан-очик шундай талончилик йўлини тутди”.

Фаргона вилояти тарғибот бўлими шарҳларида эса бу ҳақда куйидагилар қайд этилган: “Босмачилик зўр иқтисодий силкинишлар заминида юзага келиб, минглаб кишиларнинг совет ҳокимиятига қарши оммавий ҳаракатига айланди. Босмачилик ҳаракатининг энг муҳим юксалиш палласи Қўқон Мухториятининг тор-мор этилиши ва дашноқлар хунрезлиги билан боғлиқ... Босмачилик дастлабки пайтларда совет ҳокимиятининг маҳаллий аҳолига нисбатан подшолик режимидан фарқ қилмайдиган муносабатда бўлгани туфайли қўллаб-қувватланди”.

“Босмачилик” мавзуси ўша давр матбуотида жуда долзарб бўлиб қолган эди.

Фаргона вилояти Ҳарбий - инқилобий кўмитаси раиси Ю. Киршнинг “Сиёсий ходим ҳафтанома” газетасидаги “Орзулар ва ҳақиқий аҳвол” мақоласининг куйидаги ўринлари ҳам эътиборга сазовордир: “Фаргона фуқаролар уруши алангасида ёнмоқда... Ҳар бир бой, уламо, рус қулоғининг уйи босмачилар қароргоҳига айланди. Қизил аскарлар Фаргонанинг барча мусулмонлари босмачи эканини таъкидламоқдалар... Аслида, бу аҳвол совет ҳокимияти нотўғри асосда қурилгани билан изоҳланиши лозим. Босмачилик — Фарғонадаги мустамлакачилик сиёсатининг натижасидир... Босмачилик ҳозир ҳам гоёвий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Ҳарбий қис-

мларнинг ўз-ўзича (аҳоли ҳисобига — Д. З.) “таъминланиши”, галла монополиясининг жинойий йўл билан амалга оширилиши, тақсимот эса садақа тусини олиши чарчаган босмачиларга қайтадан куч берапти...”



Совет ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати “босмачилик”нинг асосий сабаби экани бошқа манбаларда ҳам алоҳида таъкидланади. Ўзбекистон Республикаси Миллий давлат архиви фондларида сақланиб қолган куйидаги маълумотларга эътибор беринг: “Маҳаллий совет ҳокимияти дастлабки йилларданок меҳнаткаш халқни ўзидан узоқлаштирди...хусусий мулкни давлат мулкига айлантириш ўрнига талончилик билан шугулланди, мусулмон меҳнаткашларини бойлардан ҳимоя қилиш ўрнига уларни таҳқирлаб, хўрлади... “Босмачилик” деб аталаётган ҳаракат шу сабабли пайдо бўлди. Босмачилар оддий қароқчилар эмас, агар шундай бўлганда эди, биз уларни аллақачон яқсон этардик. Босмачиларнинг асосий қисмини совет ҳукуматидан ранжиган юзлаб, минглаб кишилар ташкил қилади...”

“Босмачилик”нинг келиб чиқиши ҳақидаги бундай қарашларни ҳатто совет ҳукуматининг раҳбарлари ҳам инкор этмаган. Гарчанд улар буни

ошкора тан олмасалар-да, ўзаро мулоқотларда қайд этиб ўтганлар. Чунончи, Иосиф Сталин 1920 йил 25 октябрида Владимир Ленинга ёзган мактубида бундай дейди: "Агар биз Туркистонда оқилона сиёсат юргизганимизда ўн минглаб босмачилар пайдо бўлмас эди".

"Босмачилик" ҳақидаги ҳақиқатни ошкора қайд этишга қарор қилган айрим шахслар ўз исми шарифларини маълум қилишга жазм этмай, яширганлар. Масалан, "Коммунистическая мысль" саҳифаларида чоп этилган мақола муаллифи ўзини таништиришни истамай "В. К." деб имзо чеккан. Чунки қуйидаги ҳаққоний фикрлари учун муаллиф жазосиз қолмасиги аниқ эди: "«Босмачи» сўзи туркий халқлар тилларида қароқчи маъносини англатади. Бироқ биз «босмачилик» деб атаётган воқеаларни оддий қароқчилик деб баҳолаш катта хато бўлур эди. Туркистонда совет ҳокимияти амалга оширган иқтисодий сиёсат айниқса Фарғонада мислсиз талончиликка сабаб бўлди. Зўравонлик билан амалга оширилган мусодаралар — савдо корхоналари, косибчилик устахоналари, ер эгаларининг мол-мулклари тортиб олиниши маҳаллий аҳолида совет ҳокимиятига нисбатан душманлик муносабатини юзага келтирди... Бу кураш давомида маҳаллий аҳоли қириб ташланганини сира оқлаб бўлмайди. Агар туркий халқларнинг ҳаққоний талаблари қондирилиб, уларга амалда мухторият берилганида бу миллий ҳаракат совет ҳокимиятига қарши курашга айланмаган бўлур эди, албатта. Фарғонадаги босмачиликни бутун-

лай тугатиш учун туркий халқларга тўлиқ мухторият бериш лозим. Фақат ана шундай шароитдагина ҳукумат сиёсатидаги Туркистон вилоятларининг турмуш ва ҳужалик хусусиятларини кўпол, бемаъниларча бузиш ҳолларига чек қўйилишига эришиш мумкин..."

Қайд этилган фикрлардан маълум бўладики, "босмачилик" мустамлакачилик асосига қурилган совет ҳокимиятининг ўлкада юритган талончилик, зўравонлик сиёсатида қарши маҳаллий аҳолининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиққан умуммиллий, умумхалқ ҳаракати эди. Бу ҳаракатнинг моҳияти ва мақсадлари унинг сардорлари — кўрбошилар ҳақида баён этилган маълумотларда янада аниқ намоён бўлади. Масалан, ислом қўшинларининг жанговар кўмондони Шермуҳаммад Бекнинг (Кўршермат) хитобномасида бундай дейилган эди: "Большевиклар! Сиз ўз дўстларингизни ашаддий душманларингизга айлантирдингиз! 1918 йилдан бери қанчадан-қанча вайронлик, қурбон — ўлим келтирдингиз, халққа адолатсизликлар қилдингиз! Нима яхшилик, каромат кўрсатдингиз! Аҳолини хонавайрон этиб, қирғин қилганингизми? Фарғонанинг кўп миллионли аҳолисини йигитларга (улар ўзларини шундай атаганлар — Д. З.) айлантирган сабаблар шунда. Бизни даҳлсиз қолдиринг, шунда тинчиймиз".

"Босмачилар" сардорларининг истак ва мақсадлари ҳақида матбуотда чоп этилган маълумотлар қуйидагича бўлган: "Босмачилар кўмондони Кўршермат совет ҳокимиятидан тўлиқ мустақилликни талаб қиляпти. Қароқ-



чи тўдалар сардорининг бу талаби РКПнинг миллий дастурига мос келади. Бироқ унинг чақириқларида миллий ҳаракат асослари яққол кўришиб турибди" (Қизил Фарғона"газетаси, 1921 йил). Матбуотдаги яна бир хабарда "Кўршермат Ишчи-деҳқон ҳукуматиға мурожаат қилиб, 15 кун ичида Туркистонға мухторият беришни талаб этмоқда", деб таъкидланади.

"Босмачилар" билан олиб борилган сулҳ музокараларида уларнинг мақсадлари айниқса аниқ намоён



*Ислом қўшинларининг жанговар кўмондони Шермуҳаммад Бек (1922 й.)*

бўлади. Чунончи, улар қуйидаги шартларни ўртага қўядилар:

1. Туркистонда миллий ва маданий мухторият.
2. Дин эркинлиги.
3. Халқ қозиларининг халқ томонидан сайланиши.
4. Вақф ерлари ва пулларни ерли халқ одатларича тақсимлаш.
5. Ер-сувни бурунги эгаларига қайтариш.
6. Молларни текшириш ва ҳукумат ихтиёрига мусодара этишни тўхтатиш.
7. Шаҳарлараро эркин товар юриши.
8. Эркин савдо.
9. Поездларда эркин юриш.
10. Солиқларни битириш.
11. Қизил кўшинлар талончилигини тўхтатиш.

Маълум бўладики, "босмачилар" совет тарихшунослигида таърифланганидек, ўзларининг "тор синфий манфаатлари" учун эмас, миллий мустақиллик, дин, урф-одатлар, хусусий мулк дахлсизлиги, савдо эркинлиги каби умуммиллий ва умумхалқ аҳамиятига молик муҳим сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатлар ҳимоясига отланган эдилар. Уларнинг ижтимоий таркиби ҳам, совет тарихшунослигида таъкидланганидек, "реакцион синф" — бойлар, уламолардан иборат бўлмай, жамиятнинг барча тоифа ва қатламларини қамраб олгани ҳамда маҳаллий аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватлангани замондошларининг қарашларида қайд этилади. Масалан, музофот ташвиқот шўъбасининг 1921 йил июлида чоп этилган шарҳларида бу ҳақда шундай дейилади:

“Пахта заводларининг ишсиз қолган минглаб хизматчилари, иқтисодий бўҳрон туфайли кўчада қолган чорикорлар, мардикорлар ҳам босмачи тўдаларини қувватлантирур”.

“Туркистон фронтининг ҳарбий – сиёсий аҳволи” ҳақидаги ҳисоботда “босмачилик”ни ҳаракатлантирувчи кучлар шундай таърифланади: “Биз уюшган, қуролланган душман билан эмас, совет ҳокимиятига душманлик муносабатида бўлган бутун аҳоли билан тўқнашяпмиз... Босмачилик — халқ курашидир”.

Туркистон МИҚнинг 1922 йил 18 июлда Тошкентда бўлган IV пленумининг 5-кенгашида маъруза қилган Халқ Комиссарлари Кенгаши Раиси Қ. Отабоев бу ҳақда қуйидагиларни қайд этади: “... дехқонлар ва меҳнаткаш-косиблар, бутун аҳоли совет режими ва совет тартиботига қарши бош кўтарди, босмачиларга қўшилиб, унга... сиёсий мазмун бердилар. Шуни айтиш керакки, 1919-1920 йилларда Фарғонада босмачилик, бандитизм эмас, халқ қўзғолони юз берди”.

Қайд этилган маълумотлардан маълум бўладики, “босмачилик” ҳақидаги дастлабки ижтимоий-сиёсий қарашлар ҳақиқатни акс эттирган бўлиб, кейинги йилларда сунъий равишда шакллантирилган сохта тарих, илмий қарашларга мутлақо зиддир. Матбуотда бундай маълумотлар 1922 йилларгача юз кўришга мушарраф бўлди, холос. Айнан шу йиллардан бошлаб совет ҳукуматининг мафқуравий ва сиёсий бўғинлари матбуот ва нашриётга эътиборни ниҳоятда кучайтирди. 1921 йилда РКП МҚ тарғибот

бўлими қошида матбуотни партия назорати ва раҳбарлиги остига олиш учун махсус идора тузилди. РКП МҚ котибияти матбуот нашри билан шуғулланувчи ташкилотларга барча китоблар, маҳаллий матбуот нашрларини зудлик билан РКП МҚ сиёсий аҳборот бўлимига етказиш ҳақида кўрсатма берди. Совет-партия нашриётлари таҳририяти таркибини текшириб, партия ишига содиқ кишилар билан алмаштириш ҳақида буйруқ чиқарилди.

Бундай кўрсатмалардан сўнг матбуотда ҳақиқатни эътироф этувчи маълумот ва фикр-мулоҳазалар минг чигириқдан ўтказиладиган бўлди. Айнан шу пайтдан бошлаб “босмачилик” ҳақидаги сохта, сунъий қарашлар шакллантирила бошланди. Синфий кураш таълимоти ҳаётнинг ҳар бир масаласига ўринсиз ва асоссиз татбиқ этиладиган бўлди. Албатта, бу жараён бир кун, бир соатда ҳал бўлмади, йиллар давомида, кескин тортишувлар, мунозаралар жараёнида, сиёсий, мафқуравий бўғинларнинг тинимсиз саъй-ҳаракати билан, оммавий тарғибот, ташвиқот, тазийқ ўтказиш, мажбурлаш йўллари билан амалга оширилди; бу жараёнга қарши турганлар “синфий душман”ликда, ундан оғишганлар эса “марксча-ленинча таълимотни етарли даражада эгаллай олмаганлик”да айбланди, кескин танқидларга учради. “Босмачилик” ҳаракатини 20-йилларда Октябрь инқилоби масалалари таркибида, 30-йиллардан бошлаб эса фуқаролар уруши мавзуси остида алоҳида тадқиқ этишга киришилди.




Бунда "пролетар ёзувчиси" сифатида улуғланган Максим Горькийнинг ташаббуси билан 1931 йил 4 июлда ВКП(б) МҚ томонидан фуқаролар уруши тарихини яратиш ҳақида қабул қилинган қарор муҳим ўрин тутди. Шу қарор қабул қилиниши билан ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси қошида партия-совет ходимларидан иборат махсус комиссия тузилди. Бу комиссия Фуқаролар уруши бош таҳририяти (СССР миқёсида тузилган) кўрсатмалари асосида ишга киришди. Комиссияга топширилган вазифалардан бири — "буржуа миллатчиларининг, Кўқон Мухторияти ва буржуазиянинг советлар ҳокимиятига қарши қуролли кучи бўлган босмачиликни тугатишга доир маълумотларни тўплаш" эди. Бу маълумотларни тўплаш, улар устида ишлаш бўйича "ташкилий ишлар, асосий манбалар, материалларнинг мундарижалари" бош таҳририят томонидан махсус ишлаб чиқилиб, белгилаб берилган эди.

"Босмачилик" ҳақидаги сохта қарашларни халқ онгига сингдириш учун адабиёт ҳам зўр қурол бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон ёзувчиларининг 1935 йилда бўлган II пленумида Қурбон Березиннинг "Гражданилар уруши тарихи тўғрисида" қилган маърузасида бу борада адабиёт соҳасида бажарилиши лозим бўлган аниқ вазифалар белгилаб берилди. Адабиёт аҳли зиммасига социализм гояларини, аниқроғи, пуч, хаёлий таълимотни халқ онгига сингдириш вазифаси юкланади. Шу тариқа жамоатчиликда, айниқса, ёш авлодда

"босмачилик" ҳақида сохта, салбий тасаввурлар уйғотиш учун ўнлаб бадиий асарлар — романлар, поэмалар, шеърлар битилди, фильмлар яратилди. Илмий тадқиқотлар ҳам йил сайин кўпайиб, йириклашиб борди; 30-йиллардан бошлаб 80-йилларга қадар "босмачилик" ҳаракати бойлар ва камбағаллар ўртасидаги синфий кураш — фуқаролар уруши сифатида талқин этилди. Ушбу муаммонинг турли масалалари бўйича бир талай асарлар ёзилди, илмий тадқиқотлар ҳимоя қилинди, илмий-тадқиқот институтларида бу муаммо юзасидан махсус бўлимлар иш юритди.

1980 йилларга келиб совет тарихшунослигида "босмачилик" масаласи яна қайта илмий истеъмолга кириб, йирик тадқиқотга мавзу бўлди. Совет тарихшунослигида аллақачон "тадқиқ этиб бўлинган" бу мавзуга қайтишдан мақсад Афғонистонда кечаётган кескин ўзгаришлар муносабати билан халқ онгини яна бир чалғитиш эди. Бу сафарги сохта ташвиқот совет ҳокимиятининг Туркистондаги эмас, Афғонистондаги зўравонлик сиёсати билан боғлиқ эди.

Совет ҳокимияти қўлида сиёсий, мафкуравий қурол бўлиб хизмат қилган бу сохта тарих империя инқирозга юз тутиши билан чилпарчин бўлди. Мустақиллик туфайли аждодларимизнинг 70 йил давомида топталган, таҳқирланган, қоралаб келинган хотираси ҳақидаги ҳақиқат қайта қад ростлаб, тиклана бошлади.



## ЗАНГИОТА —

## ҚУТЛУҒ ҚАДРАМЖО


Занги ота Ҳаким ота — Сулаймон Боқиргонийнинг шоғирди бўлганлар, устоз йўлини тутиб тасаввуфни туркий оҳангда янграганлар — сўфиёна газаллар битганлар.

Ривоят қилишларича, ул зот қорамғиз, барваста ва бақувват бўлганлари боис “Зангиота” лақабини олганлар. Тўртинчи боболари ҳазрат Яссавийга пирлик тариқини ўтаган Арслонбоб (Арслонхожа Тошкандий) эди.

Насли пок, зуваласи тоза бул зотни Аҳмад Яссавий бениҳоя қадрлаганлар ва, кимки маним зиёратимга келар бўлса, аввал Зангиотани тавоф қилсин, деганлар. Шу боис Соҳибқирон Амир Темури ҳазратлари дастлаб — 1396–97 йилларда Зангиота қабри устига мақбара қурдириб, кейин Яссавий ёдгорлигини бино қилдирганлар.

Ватанимиз тупроғи шу қадар муқаддаски, унинг қай буржига юз бурманг, муборак бир зиёратгоҳга кўзингиз тушади. Зангиота мақбараси ана шундай қутлуғ масканлардан биридир. Бу ерда яссавия тариқатининг буюк намояндаси, ислом оламида “қутбул-ақтоб” (шайхлар шайхи) деган номга сазовор бўлган Зангиота — Ойхожа бин Тошхожа ҳазратларининг хоки поклари ором топган.


Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, ул зот XII асрнинг охири ёки XIII аср бошларида туғилганлар. Мелодий 1258 йилда вафот этганлар.





Кажрафтори фалакнинг ишини кўрингки, аجدодларимиз асрлар мобайнида динимиз рамзи, иймонимиз тимсоли сифатида эъзозлаб келган бу маскан шўролар замонида "Атеизм уйи"га айлантирилди, буюк бобомизнинг шаънига номақбул гаплар айтилди.

Мана, Оллоҳ бузгунчи касларнинг юзини қора қилди. Юртимиздаги зиёратгоҳлар йўли очилди. Зангиота ёдгорлиги ҳам яна халқ талпинадиган жойга айланди. Айтишларича, Хожа Аҳрор Вали, Зангиотанинг қабридан мудом "Оллоҳ! Оллоҳ!" деган сас келиб туради, дея далолат берган эканлар. Бу сас халқнинг сўнмас иймонидан дарак бўлса не ажаб! Илоё, иймонимизнинг сўнмагани рост бўлсин!



# ЯССАВИЙ

## РАВОЛАРИ

Буюк аждодимиз Хожа Аҳмад Яссавий бадий-фалсафий меросининг анчагина қисми мусиқага оиддир, десак муболаға қилмаган бўламиз. Дарҳақиқат, мусиқага алоқадор “куй”, “наво”, “нола”, “гиръя”, “само” каби тушунчалар туркистонлик шайхул-машойих маънавиятида муҳим ўрин тутган ва улар назму наво муштараклигига асосланган ҳикматларда, яссавия тариқатидаги зикру само маросимларида ва билвосита мақом санъатининг ўзида намоён бўлади. Албатта, ушбу мавзуларнинг ҳар бири мустақил тадқиқот йўналиши сифатида урганишни тақозо этади. Биз эса мазкур мақолада шу масалаларга доир айрим жиҳатларни таъкидлаб ўтишни жоиз деб билдик.

Маълумки, ҳазрат Аҳмад Яссавий

ислом дини ва унинг аҳкомлари асосида шаклланган тасаввуф таълимоти ғояларини ҳикматларида халқона куйлаган. Ҳикматларга хос услуб шундан иборатки, улар халқ оғзаки ижоди намуналари — шеърӣ тўртликлар шаклида ва мазмунан уларга ҳамоҳанг руҳда битилган. Зеро, ҳикматлар айнан ана шундай оҳанги билан ўзгача тароват қасб этади ва шу тариқа инсон қалбига зўр таъсир кўрсатади. Айни чоғда ҳикматларнинг мусиқӣ асоси, таъбир жоиз бўлса, куйчанлиги ботиний маъноларга ҳам эгаки, уларни фақат тасаввуф тушунчалари негизида англаб етиш мумкин. Бу жиҳатдан, авваламбор, ақсарият ҳикматларнинг бош қаҳрамони бўлган ошиқ ва унинг руҳӣ ҳолати диққатга сазовордир. Ҳазрат

Оқилхон ИБРОҲИМОВ. Санъатшунослик номзоди, Санъатшунослик институтининг катта илмий ходими.



Яссавийнинг дил сўзлари ошиқлик туйғулари билан йўғрилган ва улар бизни ҳам ошиқ бўлишга даъват этади:

Зоҳид булма, обид бўлма,  
ошиқ бўлгил,  
Меҳнат тортиб ишқ йўлида  
содиқ бўлгил,  
Нафсни тепиб, даргоҳига  
лойиқ бўлгил,  
Ишқсизларнинг ҳам жони йўқ,  
иймони йўқ.

Ишқ — куйдиргувчи ўт кабидир. Ҳикматларда бу хусусда кўплаб жонли ва фавқуллода таъсирли таърифлар учрайди:

Ишққа тушдинг — утга тушдинг—  
куйиб ўлдинг,  
Парвонадек жондин кечиб  
аҳгар булдинг,  
Дардга тўлдинг, ғамга тўлдинг,  
телба булдинг,  
Ишқ дардини сўрсанг, ҳаргиз  
дармони йўқ.

Ёки:

Ишқ балоси бошқа тушса,  
нолон қилур,  
Ақлинг олиб, беҳуш қилиб  
хайрон қилур.  
Кунгил кўзи очилган сўнг  
гирён қилур,  
Ломаконда Ҳақдин сабоқ  
олдим мано.

Модомики, ишқ туйғуси ўзига хос жазабали (лаzzатли) дард экан, демак, унинг ифодаси нолаю навосиз, фигону гирёнсиз бўлмайди. Шу боис ишқ шиддати ошиқларни ҳар доим — хоҳ саҳарда, хоҳ тунда булсин — нолаю афгон чекишга мажбур қилади. Айти пайтда бу нолалар ҳазрат Яссавий таълимотининг яна бир муҳим кирраси — кичик ва катта оламларнинг ўзаро уйғун ифодаси — “кўкс-кўк” нисбатида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда “кўкс” атамаси кичик оламни ўзида мужассам этган инсон (ошиқ) қалби, унинг маънавий дунёси, руҳий олами

маъноларида келади:

Ошиқ бўлсанг, кеча-кундуз  
тинмай йигла,  
Пири мугон хизматиға  
белинг боғла,  
Куйиб-пишиб дарди била  
кўксинг доғла,  
Доғ-ла кеткан висолини  
кўрар эмиш.

Ёки:

Ошиқларни қиёмат кун  
ҳолин сўрғай,  
Чин ошиқнинг кўксин ёриб,  
доғин кўрғай.

Демак, “кўкс” сўзи кичик оламга, унинг акси бўлган “кўк” эса катта оламга (коинотга, мовий осмонга) тааллуқли тушунчалар экан. Уларнинг орасидаги (яъни “кўкс-кўк” нисбатидаги) узвий боғланиш жараёни ошиқ кўксигаги кучли дард ифодаси булган нолаю наво ила уйғун ҳолга келади:

Саҳар вақти қушиб йигла,  
нола айла,  
Нолишингдан еру кўклар  
наво қилсун.

Ёки:

Ошиқларнинг етти кўкка  
етар оҳи,  
Оллоҳ, деса яксон бўлур  
ҳар гуноҳи.

Шу ўринда яна бир муҳим нуқтага эътиборни қаратиш лозим кўринади — ҳазрат Яссавий ҳикматларида сўфиёна ишқнинг энг кучли, таъбир жоиз бўлса, энг завқли ифодаси тарзида “куй” атамаси қўлланган бўлиб, унинг ботиний маъносига пок қалбларнинг ишқ алангасида куйиши ва шу аснодаги нола-гирёнлари, фигон-наволари тушунилади. Жумладан, “Ишққа тушдинг — ўтга тушдинг — куйиб ўлдинг”, “Ошиқларга берди ишқни куйдурғали” ёки “Ошиқ куйса, хос маъшуқи бирла куйгай” каби мисралар билан бошланувчи ҳикматлар шундан далолат беради. Бинобарин, ҳикматлар матнида ишқ — куй —

наво — гирён каби тушунчалар кўп жиҳатдан ўзаро боғлиқ ва улар руҳият ифодасида маънодошдир. Ишқ қалб туйғуларининг, демакки, дил наволарининг зуҳурига сабаб бўлган энг муҳим ва зарур руҳий ҳолатдир. Шу боис ҳикматларнинг назмий услубини шартли равишда “нола услуби” ёки “куй услуби” тарзида тавсифлаб, унинг замиридаги ўзига хос дардни шу ҳолатнинг руҳий ифода тусланиши деб тушунсак хато бўлмайди.

Ҳазрат Аҳмад Яссавий ижодида юзага келган нола услуби мумтоз миллий мусиқа намуналарида ҳам ўз инъикосини топган бўлса ажаб эмас. Айниқса, Яссавий наволарининг мусиқий қомусимиз бўлган мақомларга дахлдорлиги ғоят қизиқарлидир. Бу борадаги дастлабки тадқиқотлар улуг шайхнинг ижодий мероси мақом санъатига ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир кўрсатганидан далолат бермоқда. Маълумки, мақомдек мураккаб ва серқатлам мусиқа тизимининг юзага келишида бир талай омиллар (устоз И. Ражабовнинг таъкидлашича, шаҳар маданияти, касбий мусиқа соҳаси, аниқ фанлар, фалсафий тафаккур кабилар) муҳим ўрин тутган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, яссавия тариқати ва фалсафий таълимоти (тасаввуфнинг бошқа тариқатлари сингари) мақомларнинг шаклланишига табиий равишда таъсир утказган ва бу жиҳатдан қаралганда мақомлар тасаввуф ҳикматларининг садолардаги ифодаси экан. Айни вақтда эътирофнинг мавридики, асли арабча бўлган “мақом” атамаси ва ундан англашиладиган мартаба, жой, манзилгоҳ, мавқе, даража каби маънолар Яссавий ҳикматлари орқали туркий халқлар орасида кенг ёйилган эди. Ҳар ҳолда, ҳикматлар мазмунида бу атама кўплаб тасаввуфий ибораларда (масалан, “ишқ мақоми”, “ажаб мақом”, “ул мақомда ошиқ

қуллар жавлон қилур” каби) қўллангани ҳам шундан далолат беради.

Лекин янада муҳимроғи, назаримизда, ҳазрат Яссавий ҳикматларида сайқал топган нола услубининг (дардчиллик услубининг) мақомлар мусиқасида ҳам ўз аксини топганидир. Гарчи мақомларда ислом динидан аввал шаклланган халқ мусиқа ижоди анъаналари ҳам ўрин олган бўлса-да, аммо бу намуналар бора-бора исломий дунёқараш, сўфиёна ғоялар таъсирида ўзгача мазмун ва тароват касб этган, муҳит — шароитга мувофиқ давом эттирилган ва ривож топган. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, мақомларнинг мазмун-моҳияти ҳикматларда садо берган ўтли нолаю гирёнлар ила сугорилган эди. Халқ ичида азал-азалдан мунтазам ўтказиб келинган яссавийхонликлар натижаси ўлароқ мақомлар шундай сифат касб этиб борган бўлса ажаб эмас.

Ҳазрат Яссавий наволари само масаласи билан ҳам узвий боғлиқдир. “Само” араб тилидан олинган бўлиб, тасаввуфда, “куй” атамасидан фарқли ўлароқ, қироатхонлик, зикр, ҳамду сано, муножот ва умуман, куй-мусиқага доир барча жараёнларни қалбанинг тинглаши англатади. Таъкидлаш жоизки, тасаввуфга кўра, маҳбубига руҳий важд (лаззатли жазаба) воситасида эришмоқлик талабида бўлган ошиқнинг қалби куй нағмаларидан озикланади ва мақсад сари қувватланади:

*Ошиқларнинг талаблари —  
жоми шароб,  
Маъшуқига етмак учун  
бағри кабоб.  
Рухларининг гизосидур —  
чангу рубоб,  
Оҳи чекса, етти иқлим  
вайрон қилур.*

Само жараёнида пок қалбларнинг Тангри таолога ишқ-муҳаббати ва руҳий таважжуҳи авжига етадики, бу ҳол гоҳо рақсу самога сабаб бўлади:



Муҳаббатнинг жомин ичиб  
                                           рақс айлаган  
 Девоналиғ мақомига  
                                           кирди, дўстлар,  
 Очу тўқлуқ, суду зиён —  
                                           ҳеч билмаган  
 Сармаст бўлуб рақсу само  
                                           урди, дўстлар.

Аммо рақсу само урмоқлик шунчаки ўйин-кулгию вақтичоғлик қилиш учун бўлмаслиги керак. Чунки рақсу само чин ошиқларнинг қалб интилишлари ила юзага келадиган бир ибодатдир. Бу ҳолатлар куйидаги ҳикматларда теран ифода этилган:

Рақсу само урганларга  
                                           дунё ҳаром —  
 Аҳли аёл, хонумондин  
                                           кечти тамом.  
 Саҳар вақтда Ҳаққа сифиниб  
                                           йиғлар мудом,  
 Андин сўнгра рақсу само  
                                           урди, дўстлар.  
 Рақсу само урган ошиқ  
                                           ўзин билмас,  
 Беҳуш юрар, дунё молин  
                                           қўлга олмас.  
 Юз минг одам тақсир деса  
                                           мағрур бўлмас,  
 Дунё тефиб, рақсу само  
                                           урди, дўстлар.

Таъкидлаш керакки, рақсу само ҳолати ҳазрат Яссавий асос солган “Зикр ал-жаҳрий” (овозли зикр) маросимида ҳам мавжуд. Ушбу маросимга кўра, яссавия тариқатининг аъзолари доира (ҳалқа, айлана) шаклида давра қуриб, пирнинг ҳикматларни ёки диний мазмундаги бошқа шеърларни оҳиста куйлашини қалбан тинглайдилар. Пирнинг ижро этиш суръати руҳий завқу шавқ ҳолатига монанд ҳолда ҳам тезлашади, ҳам кучланади. Бу жараёнга даврада ҳозир бўлганлар ҳам фаол қўшилиб боради: улар Оллоҳ номини дилу тил ила тез-тез зикр этиб, аста-секин жадаллашиб

борувчи айланма тарзли рақс ҳаракатларини бошлаб юборадилар. Рақс ниҳоятда жадаллашиб, авж нуқтасига етади ва шу тариқа маросим иштирокчилари руҳий ҳолатини зухур этиб, илоҳий борлиқдан баҳраманд ҳолда важд жараёнини бошдан кечирадилар.

Демак, рақсу само жараёнида ошиқларнинг Яратганга бўлган соф муҳаббати намоён бўлиб, уларнинг руҳияти завқу шавққа тўлган. Бу хусусда ҳазрати Шайхи Бузруквор бундай дейдилар:

“Бизларнинг рақсу самоларимиз Оллоҳ ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг зоти шарифига яқинлаштиради ва юракларимизни соф, мусаффо қилади. Бир-биримизга муҳаббат, бева-бечораларга раҳму шафқат пайдо қилади... Рақс вақтида қўлларни силкитиш — марди авлиёлар учун қанот қоқмоқликдир. Ва бу қанот қоқмоқлик — Оллоҳ ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг даргоҳига, Оллоҳнинг аршу курси, лавҳу қалам ва сиру асрорларига яқин бўлмоқликдир” (“Ҳазрат Башир тарихи” китоби, Тошкент, 1994 йил, 63-бет).

Шундай қилиб, Яссавий наволари мавзуини учта асосий йўналишда хулосалаб, уларни куйидаги номларда таснифлашни лозим топдик:

— Яссавий ҳикматларининг мусиқий асослари (ёки ҳикматлар услуби);

— Яссавий наволари ва мақом санъати;

— зикр ал-жаҳрий ёки яссавия тариқатида рақсу само маросими.

Мухтасар тавсиф этилган мазкур мавзуларнинг ҳар бири турли фан соҳалари учун тадқиқотларга асос бўла олади. Ушбу йўналишдаги изла-нишларнинг амалга оширилиши эса яссавийшуносликка, демакки, миллий қадриятларимизнинг қайта тикланишига қўшилган муҳим ҳисса бўлмоғи шубҳасиздир.

*Муҳаббатнинг жоминичи  
рақс айлаган  
Девоналиғ мақомига  
кирди, дўстлар...*





Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ

# СЎФИЙЛАР

# АХЛОҚИ



Амир Хусрав Дехлавийнинг “Матлаъ ул-анвор” ва Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” асарларида сўфийларнинг ахлоқий сифатларидан баҳс юритувчи боблар ҳам бор. Амир Хусравда бу боб асарнинг олтинчи мақолоти бўлиб, унга узундан-узоқ сарлавҳа қўйилган. Сарлавҳадаёқ бобда икки тоифа сўфийлар ҳақида сўз бориши маълум қилинган.

Алишер Навоийнинг дostonида ҳам шу усул қўлланган. “Ҳайрат ул-аброр”да бу масала тўртинчи мақолотда баён этилади.

Алишер Навоий фақат “риёи хирқапўшлар”, яъни сўфийликдан обрў-эътибор, шахсий манфаат кўзлайдиган шайхлар ҳақида эмас, балки чин сўфийлар ҳақида ҳам фикр баён этган. Бошқача айтганда, икки хил ахлоқдаги сўфийларни қиёслаган. Аммо Алишер Навоий, Амир Хусравдан фарқли ўлароқ, аввал «риёи шайхлар»нинг салбий сифатларини танқид қилиб, кейин ҳақиқий сўфийлик хислатларига тўхталади. Амир Хусрав эса, даставвал чин сўфийлар таърифини келтириб, кейин ёмон хулқ-атворли шайхлар, сўфийлар мазамматига ўтади.

Ҳақиқий сўфи, ҳазрат Навоий назарида, дунё ва унинг молига

эътибор қилмайдиган, аниқроғи, мол-мулкдан мосуво одамдир. У хирқасини обрў учун киймайди, аксинча, хирқани ҳам, масжиду хонақони ҳам тарк этиб, Оллоҳга ошиқ бўлади. Яхшию ёмонлик, бору йўқлик улар учун аҳамиятсиздир. Икки дунё бир хасчалик қимматга эга эмас. Уларнинг наздида, ҳақиқий борлиқ — Оллоҳ таоло олами, Тангрининг ўзи, унинг абдий нури. Қолган нарсалар эса фоний, ўткинчи. Уларнинг кўнгли шу қадар мусаффоки, олам ашёларида ҳам илоҳ қудратини кўрадилар.

*Ҳар сориқим назир ўлуб, Ҳақ кўруб,  
Қилғувчини фоили мутлақ кўруб.*

Хуллас, Алишер Навоий тўғридан-тўғри сўфийликнинг олий хислатини баён этиб, сўфий қандай одам бўлиши керак, деган саволга жавоб берган бўлса, Амир Хусрав сўфийлик шартлари — одоби ҳақида фикр юритади. Шоир наздида, сўфийлик йўлига кирган одам биринчи галда манманлиги, нафсоний ҳирсу ҳавасини енгиши, тупроксифат — хоксору камтарин бўлиши лозим. Улуғлик — хоксорлик воситасида қўлга киритиладиган ҳазина.

Сўфий мартабада Жаброилга тенг, Хизр — унинг йўлбошчиси, у — ориф, у — вали, у — мўъжизакор.

Хусрав Дехлавий сўфийлик сийрати хусусида гапирар экан, тақво ва майхўрлик хусусида анча фикр юритган. Амир Хусравнинг ёзишича, илоҳий майдан масту сархуш, “пашминапуш орифлар” бор, улар ваъзхон зоҳиддан кўра афзал. Зоҳидлар тақвода ўзларини ягона ҳисоблаб, даражаларини осмон-фалак қадар ҳисоблайдилар. Аммо улар янглишадилар, чунки Оллоҳ таоло олдида валийларнинг мартабаси улуғроқдир.

Кўринишда одамлар бир хилдек. Аммо зоҳиран ўхшаш бўлган нарсалар моҳиятан бир даражада эмас. Макка — дунёдаги шаҳарларга ўхшаш бир кент, лекин олам аҳлининг қибласи. Улуғ инсонларни таниш учун уларнинг суратига эмас, суҳбатига, сўзига, амалига эътибор бериш керак. Сўфийлар, гарчи чумолидай фақир бўлиб кўринсаларда, Сулаймон мартабасидаги фаришта табиатли одамлардир.

Маълум бўладики, сўфийлик мартабаси ва таърифида ҳар икки шоирнинг қарашлари ўхшаш. Сўфий Амир Хусрав асарларида ҳам, Алишер Навоий асарларида ҳам валий, кароматли инсон, беқиёс хислатларга эга эзгу киши. Хусрав Дехлавий асаридаги Низомиддин Авлиёга бағишланган, Алишер Навоий асаридаги Баҳоуддин Нақшбандга бағишланган боблардаги сўфийлар таърифида келтирилган сўзлар ғоят юксак сифатларни ифодалайди. Бу — тушунарли, зеро Шайх Низомиддин Авлиё билан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд улуғ мартабага эришган комил инсонлар эди.

Демак, сўфийлик — софлик, зоҳирий ва ботиний билимлар соҳиби бўлган орифлик ва ғайб сиридан бохабарлик ҳамда илоҳий муҳаббат ишқида ёниш экан.

Бироқ, “Матлаъ ул-анвор”даги

Низомиддин Авлиё боби ва “Ҳайрат ул-аброр”даги Баҳоуддин Нақшбанд боби — манқаба, яъни соф тавсифдир. Сўфийлар ҳақидаги боб эса фикр-муҳокамадан иборат. Шунинг учун бу боблар мақолот сифатида келтирилади, уларда сўфийлик ахлоқи муҳокама қилинади. Муҳокама оҳанги мазкур бобларнинг танқидий қисмида устунроқ, зеро танқидий руҳ воситасида сўфийлик сифатлари кўпроқ баён қилинган.

“Матлаъ ул-анвор”да сўфийларга хос бир талай сифатлар тилга олинади. Биринчи сифат — хоксорлик. Бу — сўфийликнинг муҳим белгиси. Солик ўзидаги башарий сифатларни тарк этмаса, мақсадга эриша олмайди. Мурид шайх танлаганида ҳам аввало ана шу жиҳатга эътибор қилиши лозим, чунки шайхнинг ўзи камтарлик ва хоксорлик намунаси бўлмаса, мурид унга эргаша олмайди.

Харобат — зоҳирий маънода ибодатхона, ботиний маънода — комил инсон хузур; пири харобат — комил инсон, шайхи ориф. Демак, шайхнинг ўзи камтару камсухан, вазмин, бағоят латиф табиатли, ўта ҳалол ва закий одам бўлмоғи лозим. Шундай хислатга эга бўлмаган шайх этагини муридлар тутмайди, унинг шайхлигига ҳам ишониб бўлмайди. Гурур, кеккайиш, бадбахтлик — бутпарастларнинг иши, дейди Хусрав Дехлавий, чунки мўминлик — итоат ва таслим; кофирлик — исён ва бўйсунмасликдир.

Асарда сўфийларга муносиб бўлмаган хислатлар танқид қилинади. Муслмон бўлиб кофирнинг ишини қилиш, зоҳиран сўфий бўлиб кўриниб, амалда тариқатга зид ишлар билан шуғулланиш — мунофиқликдир.

Яна бир нохуш қилиқ — сўфийларнинг шаробхўрлигидир. Агар сўфий шароб ичиб жазбага берилса,



кашфу кароматлар қилса, унга ишониш мумкин эмас.

Майхўрлик сўфийни одамгарчиликдан чиқаради, деб таъкидлайди шoir.

Сўфийда зоҳидларнинг таъмагирлиги бўлмаслиги лозим. Сўфий олтин, кумушни, мол-дунёни писанд қилмасин. Агар сўфий қўлига олтинкумуш тушиб қолса ҳам ундан дарҳол қутулиши шарт, яъни уни муҳтожларга ҳадя этмоғи жоиз.

Яна бир ёмон хислат — риёкорлик. Сўфийман деб одамларни алдаш, найрангбозлик қилиш — энг катта гуноҳ. Риёкор шайхнинг мақсади илоҳ жамоли эмас. У — динини дунёга сотган киши.

Бундай риёкордан кўра қиморбоз ринд афзал, дейди Амир Хусрав, чунки ринд покбоз кишидир. Олтин ошиғи илоҳий даргоҳ ошиғи бўлмайди, дунё ғамидан қутулган сўфий чин сўфийдир, дунё ғамига ўралганлар сўфийликдан чиқади. Олтинжавоҳирни севувчи шайхлар бутпараст браҳманга ўхшайдилар.

Хуллас, Амир Хусрав дунёпарастликни сўфийликка қарамақарши қўйиб, тасаввуфнинг таркидунёчилик ғоясини маъқуллайди. Бу ғоя мол-дунёга ҳирс туйғусини сўндириб, қаноат ҳиссини туғдирар, одамларни чин сўфийлар ҳаёт тарзи, эътиқодига ҳурмат билан қарашга ундар эди. Дунё шундай бир оғир юкки, у баландга парвоз қилғувчи руҳ қушининг оёғидан тортади, қанотини қайириб, ҳалок этади. Сўфий эса бунга йўл қўймаслиги керак.

Айни шу ғоя “Ҳайрат ул-аброр”нинг тўртинчи мақолотида ҳам ифодаланган. Аммо Алишер Навоий бу маъноларни бошқача тарзу ифода билан баён этади. Ўзбек шоирида риёни фош қилиш шиддатлироқ, танқид кучли ҳажв даражасига кўтарилган. Алишер Навоий риёкор шайхнинг ташқи қиёфаси ва ички

дунёси тасвирида китобхоннинг нафратини кўзгатадиган иборалар қўллайди.

Алишер Навоий “риёи шайх” тимсолини яратар экан, уч жиҳатни эътиборда тутати. Биринчиси шуки, шайх оммани алдайдиган даражадаги санъат билан ташқи қиёфасини сўфинамо қилиб олган. Унинг тўни сўфийларникидай олабула, қуроқ парчалардан тикилган, қўлида ҳамиша тасбеҳ, худонинг номи тилида, шому саҳар зикрдан бўшамайди. Ҳаракатлари, сўзи ҳам шайхларники каби виқорли, тариқат одоби қоидаларига мос. Ҳатто бирор бир оҳангни (масалан, най овозини) эшитганда, бирдан рақсу самога берилади. Албатта, бундай одамни кўрган киши, ҳа, у улўф кароматли шайх, авлиёи замон экан, дейиши муқаррар.

Иккинчиси шуки, “риёи шайх”нинг суҳбатдош муридлари ҳам ўзига ўхшаган. Ёлғон, ҳийла, макр уларнинг санъати, ҳунарига айланган. Ўз шайхларини “Хизр, пайғамбар” деб овоза тарқатганлар шайхларининг бемаъни, ботил хаёлларини “воқеа” (анбиёлар, атоқли шайхлар, пайғамбар алайҳис-саломни тушда кўриш каромати) деб таърифлайдилар. Хуллас, риё тегирмони туну кун айланишда.

Учинчи жиҳат шуки, бу худнамолик, зоҳирият, расм-русум аъмоли, шайхлик “каромат”лари тагида молдунё тўплаш мақсади ётади, яъни улар мансабдор кишилар назарига тушиб, улардан қимматбаҳо тўхфалар, ҳадялар олишни кўзлайдилар. Демак, тасаввуфда — сўфийликда бош масала дунё бойлигига муносабат. Дунё бойлигига меҳр қўйган одам салбий хислатларга маҳлиё бўлаверади, у ҳар қандай муқаддас ғояни ҳам ўзининг нопок ниятига хизмат қилдириши мумкин. Алишер Навоий тасвирлаган шайхда

шайтоний хислатлар мужассам, чунки унинг ихтиёри шайтон кўлида. Риёкорлик, ҳийлагарлик ҳам, макр-ёлғонни қурол қилиб олиш, ўзини турли кўйга солиш — ҳаммаси нафс талабини бажаришдир.

Амир Хусрав бу ғояни қиссалар воситасида таъсирли баён этиш йўлидан борган бўлса, Алишер Навоий риёкор кимса қиёфасини яратиш воситасида ифодалаган. Алишер Навоий тасвирига кўра, “риёи шайх”нинг тасбеҳи — ҳийла-найранг тузоғи; хирқаси — наҳс фалакининг сурати; эски салласининг ҳар бир ўрамида бир фириб; ҳассаси — “ҳийла уйига сутун”; тасбеҳининг ипи — “зуннор риштаси”; тиш тозалагич мисвоқи — нопок оғзининг сувидан нопок бўлган. Асарда шу зайлдаги ўқувчи нафратини кўзғатувчи сифатлаш, қарши кўйиш ва ўхшатиш-ташбеҳлардан моҳирона фойдаланилган.

Маълум бўладики, Алишер Навоий сохта ва ҳақиқий сўфийларни қиёслашда Хусрав Дехлавий йўлидан борган. Сўфийликни ниқоб этиб, тариқат амалиётини шайтоний нафс майлларига хизмат қилдириш ҳар икки шоирда ҳам қораланади, ахлоқий камчилик деб қаралади. Алишер Навоий ҳам, Хусрав Дехлавий ҳам дунё ва унинг бойлигига салбий муносабатда бўлган. Аммо бу ғоя Амир Хусравда ёрқинроқ ифодаланган. Амир Хусрав дунёни тарк этмай покланиш, ишқ йўлида жонбозлик қилиш мумкин эмас, деган фикрда, Алишер Навоий эса масалага инсон ахлоқи нуқтаи назаридан ёндашади. Инсон ахлоқи қанча покиза бўлса, у шунча илоҳиётга яқинлашиб боради, камолот касб этади. Шу сабаб Алишер Навоий риёкор шайхнинг ҳажвий қиёфасини қуюқ рангларда нафратли қилиб чизган, масхара

усулидан, жонли ташбеҳ-тимсоллардан унумли фойдаланган. Бадиий бўёқдорлик Алишер Навоий асарида яққолроқ кўзга ташланади. Шоир ғазабли оҳангда рад этган сифатлар наинки тариқат шайхлари, балки жамийки касб эгалари учун ҳам номақбулдир. Умуман, инсон ростлик, тўғрилиқ билан юксалади. Бунинг акси бўлган сифатлар одам зотини ерга уриб, тубанлаштиради. Афсуски, ҳаётда ҳамма вақт ҳам шундай эмас, кўпда фириб-найранг тантана қилади. Аммо эзгулик, тўғрилиқ барибир инсоннинг фазилати, илоҳийлигини акс эттиради ва охир-оқибатда ғолиб келади.

Қайд этиш лозимки, шайх-сўфий образи Низомий Ганжавийнинг “Махзан ул-асрор” асарида йўқ. Аммо унда дунё ва унинг бойлиги, дунё ва инсон умри, дин ва эътиқод масалалари устида шоирона фикрлар баён этилган. Чунончи, “Махзан ул-асрор”нинг тўққизинчи мақолоти “Дунё ишларининг тарки хусусида”, ўн биринчи мақолоти “Дунёнинг бевафолиги хусусида”, ўн иккинчи мақолоти “Тупроқ манзилени видоъ этиш”, ўн учинчи мақолоти “Дунёни мазаммат этиш” деб номланган. Ўн еттинчи мақолотида сифиниш ва руҳий тараққиёт ҳақида гап боради ҳамда “Пир ва мурид” ҳикояти келтирилади.

Гап Низомий Ганжавий хусусида борар экан, унинг ҳамд-наътлари ҳақида ҳам маълумот бериш фойдадан холи бўлмас, деб ўйлаймиз. Зеро, Амир Хусрав ҳақида гап кетса, Низомийни буткул четлаб ўтиб бўлмайди, чунки фалсафий-ахлоқий дoston ёзиш Абдулмажид Санойидан бошланган бўлса-да, бироқ ҳамсачилик анъанасини илк бор Низомий асослаган.

“Махзан ул-асрор” (сирлар хази-



наси) асарида иккита муножот, олтита наът (биттаси — меърожнома боби), Султонга бағишланган икки боб, дostonни ёзиш сабаби, “кўнгилни таниш” боби, иккита “хилват” ва иккита “хилватнинг самараси” боблари мавжуд бўлиб, шоир ана шу боблардан кейин 20 та мақолот ва 26 та ҳикоятни ёзишга киришади. Шу бобларда муаллифнинг дунёга ва одамзодга муносабати, фалсафий тушунчалари, диний эътиқоду иймони ойдинлашади, исломий аҳком асосидаги ўй-фикрлари, муҳаббати, дил изҳори ифодасини топади. Бу бобларни бирлаштирувчи хусусият — васф, таъриф ва ўзни изҳор этиш. Уларда кенг муҳокама, объектга танқидий муносабат деярли учрамайди.

Иккинчи қисм мақолотлар ва уларга тамсил тарзида келтирилган кичик ҳажмли ҳикоятлардан тuzилган. Мақолотлар асарнинг биринчи қисмида ифодаланган гоёларнинг бадиий тафсил-талқинидир, бунда муаллиф объект устида муҳокама юритади, танқидий қарашларни баён этади.

Амир Хусравнинг “Матлаъ ул-анвор” дostonида биринчи қисм боблари Низомийнинг “Махзан ул-асрор” асарига нисбатан камроқ — ўн уч бобдан иборат. Байтлар нисбати ҳам шунга мувофиқ.

Амир Хусрав асарида бобларнинг номланиши қисқача мана бундай: кириш (биринчи ҳамд), биринчи, иккинчи, учинчи муножот, биринчи наът (меърожнома), учинчи наът, Низомиддин авлиё мадҳи, Султон Алоуддин дуоси, яна Султон таърифи, дoston таркиби ҳақида,

биринчи хилват, иккинчи хилват, учинчи хилват. Шундан кейин мақолотлар келади.

Алишер Навоий асарида биринчи қисм бобларининг сони йигирма битта — Низомийникидан ҳам, Амир Хусравникидан ҳам кўпроқ. Чунки Алишер Навоий сўз таърифига икки боб ажратади. Низомий ва Хусрав таърифига алоҳида, Жомий таърифига алоҳида боб бағишлайди. Натижада биринчи қисм боблар нисбатига кўра ҳажман ортган.

“Ҳайрат ул-аброр”да Низомий сўзининг нури ҳам, Хусрав қаламининг сеҳри ҳам, Жомий кўнглининг нафаси ҳам из қолдирган ва боз устига, улуғ ўзбек шоирининг ўз қарашлари, буюк истеъдоди намоён бўлган. “Ҳайрат ул-аброр” — сўфиёна мазмундаги асар. Бу жиҳатдан у “Матлаъ ул-анвор” ва “Тухфат ул-аҳрор” (Абдурахмон Жомий) дostonларига яқин. Лекин Абдурахмон Жомий асарида тасаввуф назарияси, мақолотлар кенг ўрин олган. Алишер Навоий асарида эса, тасаввуф истилоҳлари — назарий масалалар эмас, балки бу таълимотга хос гоёлар ва улар асосида шаклланган шоирона фалсафа ҳукмрон. Ўзбек шоирини кўнгил ва қалб ҳолатлари, ахлоқ кўпроқ қизиқтиради. Хуллас, Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” дostonида сўфийлик ахлоқини яратиш, сўфийларнинг шахс сифатидаги фазилатларини ифодалаш борасида ўзигача бўлган анъаналарни эътиборга олган ҳолда даврига хос янги гоёларни ҳам асар мазмунига сингдирган ва бу борада биз авлодларга ноёб бир асар қолдирган.

ОЛЛОЁР

## ЁРҮФ Деразалар

Нега шундай бўлиб қолди? Ахир, илгари осонгина ишларга ҳам эриниб, уларни эртага қолдирганча унинг қошига чопардим-ку?! Тунларимни тонгга улардим-ку унинг ишқида?

Ё унга айтадиган гапим қолмадими? Илгари тезроқ кеч тушишини, иш ва шовқинга тўлиқ кундуз араваси қуёш етагида уфқ ортига ўтиб кетишини орзиқиб кутардим. Энди кеч тушиши билан мени таҳлика босади. Уйга киришга, унинг қошига боришга юрагим бетламайди. Уйга кириб-чиқарканман, гўё унинг бор-йўқлигини билмоқчидай, секин кўз қиримни ташлаб қўяман. У эса ҳануз ўша жойида, мени тинмай қошига имлайди. Мен эса унинг ёнига боришни кейинроққа суриб, ташқарига отиламан.

Илгари дилкаш суҳбатдошларимнинг суҳбати ҳам унинг ҳузурда сақлайдиган сукутимга арзимасди. Бош-кети йўқ бу суҳбатларнинг тезроқ тугагини, унинг қошига боришни истардим.

Энди эса “суҳбатин кўнглим писанд этмас” кишининг зерикарли мулоқотида соатлаб банд бўлишга тайёрман. Бу суҳбатни бўлиб, унинг қошига кириб кетиш одобдан эмас, дейман ўзимга ўзим.

Энди мен ҳар қандай оғир ишга ҳам розиман. Бу иш куни билан давом этишини истайман. Бекор юрганам йўқ-ку, мана, фойдали иш билан бандман, деб ўзимни-ўзим овутаман. Кеч тушганда эса уйку идрокимга тезроқ ҳоким бўлишини хоҳлай-

Оллоёр БЕГАЛИЕВ. *Шоир, республика радиосида хизмат қилади.*



ман. Негаки, бедорликда одам ўзини-ўзи бошқаради ва бу иш мендек аниқ бир мақсади йўқ одам учун кулли азоб. Уйқу эса кишини ўз тасарруфига олади: сенга на муаммо, на қайғу. Уйқу ҳатто жой ҳам танламайди. Оғир ишдан кейин мириқиб ухлаб олишга ҳар қандай одамнинг ҳам ҳаққи бор, ахир!

Аммо мен, ростини айтсам, қочиб юрибман. Унинг қошига элтадиган барча йўллардан четлаганча, тўғри келган иш билан машғул бўлиб юрибман.

Бундай ҳолат болалигимда ҳам кўп бўлган. Уйинга берилиб кетганимиздан ҳеч қайсимиз уйга қайтишни хаёлга келтирмасдик. Бизларни аввал оналаримизнинг таҳдид ва эркалаш тўлиқ хитоблари уй-уйимизга чақирарди. Қоронғилик қуюқлашаркан, уйларимизнинг сутдек ёруғ деразалари унсиз чорларди. Шунда ҳам уларга ўқтин-ўқтин қараб қўйганча уйнайверардик. Ёруғ деразалар эса: “Бўлди! Етар, уйга қайт!” дея чорлаб турарди.

Мен энди хонтахта устидаги оппоқ қоғоз ётган томонга олисдан қараб қўяман. Унинг қошига боргим йўқ... Наҳотки унга айтадиган гапим қолмади? Оппоқ варақ эса, болалиқдаги уйимизнинг ёруғ деразаси каби, қайтишимни сўраб, унсиз хитоб қилганча ўзига чорлагани чорлаган...

### МАҚОЛ

“Бузоқнинг югургани — сомонхонагача” деган мақол ижод дардига мубтало бўлган бандалар учун тўқиб чиқарилган. Ҳа, айнан шулар учун, зеро бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Жуда катта, дабдабали асарларни уйлаб, хаёлида уларни тезроқ битириш учун турли-туман режалар тузиб юрган ҳар бир қаламкашнинг йўли бориб-бориб оқ қоғоз қошида тугайди. Унинг кўзлаган, мўлжаллаган манзили, қаҳрамонлари, саробдек жи-мирлаб кўзини тиндирган шон-шўҳрат шундоқ қўл етгулик жойда, юпқагина қоғоз девор ортида турган бўлади. Шу нафис қоғоз девор ортида! Бу қоғоз деворлар балки битта эмас, ўнтадир, юзтадир, ба-рибир уларнинг қоғоздан иборатлиги аниқ. Бугунги кунда бирорта адиб асарини тош ёки темирга ўйиб ёзганини кўз кўриб, қулоқ эшитмаган. Аммо ана шу қоғоз девордан ошиб утиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бир шоир: “Ижодкорнинг довюраклиги унинг оқ қоғоз қошида кўрқувга тушишидир”, деган экан.

Афсуски, оқ қоғоз олдида ҳар қандай ижодкор ҳам кўрқувга тушавермайди. Бундай муқаддас кўрқув ҳиссидан кўра



кўпларда қоғозни алдаш нияти устун бўлади. Бу қоғоз деворни алдаш учун кўплар унга ўқ қадалган юрак, гул, қуёш шакллари-ни чизиш билан машгул. Бундай машгулот билан бу қоғоз девор-ни алдаб бўлмаслигини англагандан сўнг эса уни асабий гижим-лаб, отиб юборадилар. Аммо ўша аёвсиз гижимлаб ташланган қоғоз билан бирга унинг ортига яширинган, шундоқ қўл узатса етгулик манзаралару келажаги эҳтимол шон-шухрат ҳам кўздан гойиб бўлади.

Буларни дарров илғаш қийин, албатта. Шунинг учун кўплар навбатдаги оппоқ қоғоз уларнинг олдида қаёқдан ва нима учун пайдо бўлгани сирига ета олмай, каловланиб қоладилар. Гўё улар бегона бир девор олдига келиб қолиб, унинг ортида нима борлигини билолмай боши қотган болакай ҳолига тушадилар.

Бироқ, уларнинг айримлари йўқотиб қўйган мўлжал-мўъжи-заларини ўша гижимлаб ташланган қоғоз билан қўшиб ахлат қутисига иргитиб юборганларини англаб қоладилар ҳам. Сиз ахлат қутисидаги гижим қоғозларни олиб, шоша-пиша текислаб кўздан кечираётган кишини кўрганмисиз? Бу худди ана шу — қоғозга қўшиб ўз мўъжизасини гижимлаб ташлаган қаламкаш-дир.

### ҲАДИК ҚЎНҒИРОҒИ

У ҳар куни қўнғироқли соатнинг милини тонгги еттиларга тўғрилаб, ухлашга ётади. Соат жуда кўҳна. Шу қадар омонат соатки, унинг тик ҳолда ишлашидан умид қилмаса ҳам бўлади. Ўн беш дақиқалар чиқ-чиқлаб туради-ю, кейин ўз-ўзидан тўхтаб қолади. Шунинг учун ҳам уни юзтубан ётқизиб қўйиш лозим. Шунда у тўхтовсиз, то мурватларида жамланган қувват тамом бўлгунича, инқиллаб-синқиллаб дақиқаларни ўтмишга ўтказиб ётаверади. Ётиб ишлайди бу — эски соат.

Бироқ, соат эгасининг кўнглида уйқуга ётиши билан бир ҳадик бош кўтаради. Бу кўҳна соат тўхтаб қолса нима бўлади? Унда яна ишга кеч қолиши тайин. Қўнғироғи ишламай қолса та-гин бир бало. Уф-ф!

У ана шундай ҳадикларга тўлиқ хаёллар билан ухлаб қола-ди ҳам. Аммо тун ярмидан ошганида уни оғушига олган уйқу дўкон-дастгоҳини йиғиштиришга тушади. Уйқунинг урнини яна ҳадикли хаёллар эгаллайди. Соат неча бўлдийкан? Тўхтаб қол-мадимикан? "Тўхтаганимча йўқ, йўқ..." — дегандек эски соат базўр чиқиллашда давом этади.

"Худога шукр, тўхтаб қолмабди!" У соат неча бўлганини кура олмаса-да, бир оз таскин топади. Бироқ, таскин-тасаллиси янги ҳадик зарбидан тутдай тўкилади: "Қўнғироғи жиринглармикан?" Шу алфозда ўтган дақиқалар унинг тунги уйқу туфайли топган бор куч-қудратини елга совуради: "Қўнғироғи жиринглармикан?"



Кунгироги жиринглармикан? Кунгироги..."  
 Дафъатан жарангос солган соат кунгироги унга бир олам кувонч бағишлайди. Хайрият, дейди у, охири жиринглади-я! Шу кунгироқнинг янграш-янграмаслигини тахминлаб таранглашган асаблари бушашади. У туннинг тенг ярмини шу лаънати ҳадик таъсирида ухламай ўтказгани туфайли гувиллаётган бошини "остона ҳатламай қайтиб келган" уйку иродасига топширади.

У ухлаб қолади...

### ШУКРОНАЛИК

Ҳаётга миннатдорлик изҳор қилганмисиз ҳеч? Тириклик берган лаззатлар учун унга шукроналар ўқиганмисиз? Саволим сизни ўйлантириб қўйишига ишончим комил. Зеро, ҳаётга миннатдорлик билдириш эмас, унга маломат тошларини отишга тайёрмиз ҳар биримиз. Турли-туман норозиликлар ичра, минг хил муаммолар исканжасида яшаётган кимсага ҳаётдан миннатдормисан, деб сўраш сўкиш билан баробар бўлиб туюлиши мумкин-да!

Мен ҳам шу ёшгача ҳаётдан миннатдор бўлиш нималигини билмай яшаб келардим. Шундай гафлат босган ҳолда умримни яшаб ўтиб кетишим ҳам мумкин эди ҳатто.

... Бугун тўрт яшар ўғлимнинг ҳаракатларини кузата туриб... Тўғрироғи, унинг ажойиб ҳолатини кузата туриб, ҳаётдан миннатдор бўлишим кераклигини ҳис қилдим. Ўғлим оппоқ бўлиб очилган бодом гулларига тикилиб турарди. Бу гулларга парвона бўлаётган боларининг гўнғиллашидан бўлак товуш эшитилмасди. Қиш ўзининг аёзли исканжасини бўшаштирган. Оппоқ бодом гуллари бодрокдек очилган. Унга парвона бўлаётган болари ва ўғлимнинг ҳайрат тўла нигоҳи...

Мен ҳам ўғлим тенги пайтларим бодом гулларига, боларилар парвозига шундай ҳайрат билан тикилгандирман ва бу ҳолат отамга қанчалар завқ берган бўлса керак, деган фикр бошимдан ўтди. Агар ҳаёт бўлмаганимда бундай завқли манзараларнинг гувоҳи бўла олармидим? Шоирнинг "Ҳали ҳам бахт эрур ўлмайин юрмоқ" деган сатрларининг мағзи мана шунда эмасми?

Ва ўша кундан бошлаб ҳаётнинг бизга қилаётган ҳадялари олдида турмушнинг туганмас ташвишлари ўткинчилигини, фонилигини англаб қолдим.

### ИЛОВА

Миноранинг юксак ва улуғворлиги кишида ҳайрат уйғотарди!  
 — Ажойиб-а?! — Нақд қулогим остида янграган луқмадан чўчиб кетиб, ёнимда пайдо бўлган нотаниш кимсага ўгирилдим.

— Минорани айтаман. Узиям улугворликда Миср эҳромларини йўлда қолдиради!

— Мисрга бормаганман, — дедим бу минорани Миср эҳромларига таққослай олишдек имкониятга эришган бу кимсага ҳавасим келиб.

— Мен ҳам, — деди нотаниш кимса беписандлик билан ва унинг кимлигини билишга қизиқиб қолганимни фаҳмлади шекилли, ўзини каминага таништиришни лозим топди: — Бирдан гап қўшганимга ҳайрон бўлаётгандирсиз? Мен мана шу минорага илова сифатидаги штатман. Яъни минорага доир қандай маълумот керак бўлса — биз тайёр!

Мен “маъкул” деб бош ирғадим ва нигоҳимни булутларга ёндош минора кунгураларига қададим: жуда бала-а-анд!

Иловачи эса фикримни уққандай дарҳол аниқ маълумотларни келтирди:

— Баландлиги етмиш метру қирқ уч сантиметр!

“Бор-йўғи етмиш метр, холосми?” — Назаримда Иловачи миноранинг ҳайратангиз қаддидан уриб қолгандай туюларди.

Иловачи эса мен билишим зарур бўлган маълумотларни қаторлаштириб ташлайди: ёши, айланаси, огирлиги...

Мен минорани суратга олмоқ учун ундан олислашаман. Суратгирни ростлаётган пайтим Иловачи югуриб бориб миноранинг ёнига туриб олади.

— Биродар, нари турсангиз бўлмайдими? — деб қичқираман унга.

— Ахир, шундай тузукмасми?! — деб жавоб қилади Илова. — Одам билан миноранинг буй-бастини солиштирганда унинг улугворлиги янада яққол кўринади!

“Сенинг ўзингни бу ердан олиб ташлаганида унинг улугворлиги янада ошган бўларди!” дейман ичимда Иловага.

### КУТИБ ЯШАНГ

Кутиб яшанг — кутмаслик ёмон. Бола кутар она кўксини, минг йил келмаса ҳам онаси — кутаверар, чинқираверар, кутиш берар сутнинг таъмини...

Кутиб яшанг — кутмаслик ёмон: йигирмада кутмай қўйганлар руҳан ўлик кимсаким, фарқсиз — юз йил сўнгми ва ёки бугун кўзларини ёпар ўлими...

Кутиб яшанг — кутмаслик эса... Нени кутар етмишдагилар? “Етмиш” сўзи — етди дегандай бир гап ўлим дарвозасига...

Хуш, нимани кутар кексалар? Ўлимними?! Ўлимни!.. Зеро, кутилганлар бизнинг дунёга кечикмасдан келмаган асло.

Кутиб яшанг — сиз кутган пайти ўта мавҳум тушунча бўлган



“мангулик” ҳам жон топар ундан — у тирилар кутганингизда.  
Мангуликка ўз қонингиздан “кўнгиллилар” каби қон беринг —  
кутиб яшанг!  
Кутмаслик гуноҳ!!!

### ҚОРА ҲАЗАК

Боягина кўкка бўйлаган, шамолларни тутган бағрида — бир  
силкиниб қулади дарахт — ер бағрига кетди овози...

Ҳали совуб улгуролмаган, арра билан тортишган танни —  
силлиқ тўнка сатҳин силайман. “Неча ёшда бўлса?!” — уйлай-  
ман...

Мана ҳалқа, мана — бошқаси... Йигирма уч ҳалқа барчаси.  
Мен-ла тенгдош тўнкага боқиб лабим титрар, недан — билмай-  
ман...

Кузларимни қоплар парда — ёш. Худди денгиз тўлқинлари-  
дек ҳаракатга келар ҳалқалар ва барчаси интилар ўша — қора  
ўзак — илк баҳорига.

Қора ўзак — илк баҳор ёди...

Қора ўзак — илк қор нафаси...

Қора ўзак — дарахтнинг илк бор бу дунёга боққан қароғи...

Қора ўзак сари интилган тўлқинларга тушиб қолганча, қичқи-  
раман: Чўкяпма-а-ан, ёрдам! Ёрдам беринг, чўкя-апма-ан, чўкя-  
а-а...

### ЗУЛМАТ

Зулмат яшар ғорлар бағрида, шундан кўролмаимиз кунду-  
зи. Фақат баъзан олисдан боқсак, у ғорлардан мўралаб турар.

У баъзида чиқар ташқари, тулкичалар қароғи ичра ё бўлма-  
са, салга сакровчи қуёнларнинг юракчасида.

Болалар-чи, уни кўришиб, ўз уяси ичра қамагач, кирадилар  
қадам-бақадам ичкарига юрак ютишиб.

Зулмат эса ғорнинг энг олис пучмоқлари сари чекинар, бо-  
лаларга эргашиб кирган ёруғликдан кўзи қамашиб...

“Ўт ёқайлик!” — бало-баттарни тўплагани чопар болалар ва  
бир зумда йигишиб борни, ўт қўярлар ғорлар оғзига.

Ўт ёнаркан буруқсиб, тутаб, кута-кута сабр соб бўлгач, қай-  
тадилар: “Бўгилиб ўлди-и-и!”

Зулмат эса тутундан тутган йўтални босиб олар-да, қорай-  
ганда қирларнинг қоши қишлоқ томон кетади эниб.

Болаларни топиб уйқуда, ҳар бирини ўпиб чиқарқан, қолди-  
ради ғорлар ҳақида, тутаётган ўт ҳақида туш...

**БЕПАРВОЛИК**

Тўхтаб қолган соатга кўзим тушди. Нима бўпти, дерсиз. Албатта, ҳеч нарса эмас. Тўхтаб қолган соатнинг мангулик сафарига чиққан узун ва қисқа, илдам ва сустқадам миллари қандайдир ғайриоддий воқеага дуч келгану ҳайрат ёки кўрқувдан жой-жойида таққа тўхтаб қолгандай. Нима демоқчи уларнинг ўлик сукунати?

Тўхтаб қолган соатлар дунёда кўп. Хиросиманинг фожиа лаҳзасини ким билмайди дейсиз? Ўзимизнинг Тошкентда бундан ўттиз йиллар бурун зилзила забтидан қадами қирқилган соатга ҳайкал қўйилган.

Хўш, тўхтаб қолган бу соатнинг миллари қай фожиа, қай зилзила гувоҳи? Нима демоқчи, нимадан огоҳ этмоқчи уларнинг сукути?..

Ўйлаб ўйимга ета олмайман. Ахир, ўйланмай бўладими — бир пайтлар, бундан бир ой, балки бир йил, балки бир аср муқаддам бу соатга дақиқа сайин қараб турган бўлсангиз, энг муҳими, у сизнинг столингизда, шундоқ рўпарангизда турган бўлса — ўйланмай бўладими?!

**ЧАРЧОҚ ТОГИ**

Чарчоқ — юксакликдир аслида. Оёқ-қўлинг бекуч, бемадор, чарчоқ тогин забт этиб, мана — юлдузларнинг пойида беҳол...

Бутун дунё гўё пойингда — кўкиш туман ичра бурканиб, сени қутлар! Сен-чи, кўрмайсан: юксакликдан тинган кўзларинг...

... Фақат уйқу сени тушунар. Фақат уйқу сени туширар, куни билан кўтарилганинг — Чарчоқ отли юксак қоядан.

Тонгда яна боласан қайта! Оёқ-қўлинг кўпчийди кучдан. Фақат кечагидан кучлироқ — юксакликка янада учсан!

Тирмашасан, бошлайсан толиб. Шиддатингдан сапчиб чиқар тер! Жуда-жуда орқададир ер: сен — чарчоқдан, у сендан голиб...

Дунёнинг бор гўзалликлари ҳозир сенга бир пулга қиммат! Лек, ўкинма: чарчаган одам — бу дунёда энг гўзал хилқат.

Чарчоқ — гўзал юксаклик асли!

**ЮЛДУЗ**

Худбин эмасман, шунчаки юлдузли осмон остида яшаётган сон-саноксиз одамларнинг бириман. Шунинг учун сенга, осмондаги энг ёрқин юлдузга "Менинг юлдузим бўл!" деб қилган илтимосимда заррача манманлик йўқ.

Атрофимда бошқа юлдузлар ҳам бор-ку, дейсанми? Майли, улар ҳам эгасиз қолмас, бирор дўстимга совға қиларман улар-



ни, менга эса сен кераксан. Бошқа юлдузлар билан ишим йўқ, эшитяпсанми, эй Ёрқин юлдуз!

Сен жуда кўпларга юлдузлик қилдинг.

Широқ ҳам сени танлаган бир пайтлар. Жалолиддин Мангуберди сени танлади осмонга бир назар ташлашдаёқ. Уни чин дунёга кузатиб қўйгач, ўзингга қадалган ўткир нигоҳдан сесканиб тушдинг, бу — Темурнинг, бешиқда ётган Темурнинг нигоҳлари эди. Сенинг ўтли сийнангда барча жаҳонгирларнинг ўткир нигоҳлари бор. Сен уларни авайлаб асрайсан.

Сен жаҳонгирларнинггина эмас, шоирларнинг ҳам юлдузисан. Сенинг бир пайтлар, бундан беш юз йиллар бурун, Алишерга юлдузлик қилганингга шубҳам йўқ.

Машраб ҳам сени кўрган, сени танлаган.

Усмон Носир Сибирь ўрмонларида сенинг олис шуъланг тафтига исинган.

Бугун мен сенга тикилиб турибман.

Хатто ўртоғим билан сени талашиб қолдим ҳам.

Мен сени ундан тортиб олдим. Энди сен меникисан.

Фақат бир илтимосим: мен дунёдан ўтганда ўзингни ерга ташлама! Ахир, бундан кўра оғирроқ айрилиқларга дош бергансан-ку! Мен нима бўлибман улар олдида...

### КУЛГИ

Кулги умрни узайтиради.

Бу асрлар синовидан ўтган гап. Бироқ, кулги умрни қисқартиради ҳам. Яъни кулги кимнингдир умрини узайтираётган маҳал бошқа бировнинг умрини қисқартираётган бўлади. Ахир, биз моддий дунёда яшаймиз. Моддий дунёда эса “бордан йўқ бўлмайди, йўқдан бор бўлмайди”.

Мен қиқир-қиқир кулаётган, яъни умрини узайтираётган икки қизга ўгирилиб қарадим. Улар билан нигоҳим тўқнашган заҳоти кулгилари ўчди. “Демак, — деб ўйладим мен, — улар каминанинг устидан куляпти. Нимага куляпти ўзи улар?!” Қизлар бўлса кулгиларини қолган жойидан давом эттиришди. Нимага куляпти экан? Бу савол, бу кулгилар юрагимга ўрнашиб, уни тинмай эзгилар, умримни эговлар эди.

Ишхонанинг уз-у-у-н йўлагидан ўтиб борарканман, эшиги ланг очиқ хонада ўтирган ҳамкасблар билан бош ирғаганча саломлашиб ўтиб кетдим. Дақиқа ўтмай очиқ эшиқдан ишхона йўлагига қаҳқаҳа отилиб чиқди.

“Нимага кулишди экан?!” Хонадагиларнинг умрини бир-икки кунлик муддатга узайтирган бу қаҳқаҳа каминанинг умридан даярли шунча вақтни узиб ташлади.

Бир дўстим эса ҳар гал шу қадар истехзоли табассум би-

лан кўришадики, умрим тогидан кўчаётган катта-кичик тош булаклари пастга юмалай бошлайди ва бундан олган тезликлар уларни сертабассум дўстнинг умр тоғи тепасига чиқариб қўйишга бакор келади.

Қани ҳақиқат? Қани инсоф? Каминанинг умри эвазига ўз умрини узайтираётган бу кулги мухлисларини тергайдиган зот борми бу дунёда?

Ё гапим кулгилими?

Нега куляпсиз?

Кимнинг устидан куляпсиз?!

### “НОЗИК КҮНГИЛ”

Кўнгилни нозик дейдилар...

“Бировнинг кўнгилни синдира кўрма!” дейди отам ҳам.

Мен эса дўстларимдан бирининг кўнгилни беҳосдан синдириб қўйдим. Кўз олдимда дарз кетди унинг нозик кўнгли. Аввал унинг кўнгилни синдириб қўйганим учун ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Нега шу гапни айтдим, деб ўз-ўзимни яниб юрдим ҳам. Тезда бу дарзлардан шу қадар бадбўй зардоб силқий бошладики, унинг яқинига бора олмай қолдим. Энди узоқдан бир-биримизга қўл силкиб қўямиз, холос.

Фалокат босиб унга яқинлашиб қолсам, бита бошлаган дарзлардан яна ўша бадбўй зардоб силқий бошлайди. Дўстимнинг юзидан “Бунга ўзинг айбдорсан! Ўйлаб гапириш керак эди!” деган таъна балқиб туради.

Ҳа, кўнгилни синдиришдан олдин унинг ичида нима борлигини ҳисобга олиш керак экан.

### ЯНГИ КАЛЕНДАРЬ ҚОШИДАГИ ЎЙЛАР

Календарнинг энг яхшиси ёндафтар нусхалисидир. Унда бир йилнинг уч юз олтмиш беш кунига мўлжалланган саҳифалардан ортиқ бирорта ҳам варақ йўқ. Мен шунинг учун ҳам бирорта варақни ундан, ҳатто энг керакли пайтда ҳам йиртиб олмайман. Бу календарь “хазонрезги”ни мутлақо билмайди. Ўтган кунларни ундан йиртиб олиб ахлат қутисига ташлашнинг нима кераги бор?! Яхшиси, ўтган кунлар ҳам бугун ва эртанги, ўн кун, юз йигирма кундан кейин келадиган, ҳатто орқасига “Янги йил муборақ” деб ёзиб қўйилган 31 декабрь кунлари билан ҳамсоғияликда тураверсин. Шу ҳолатда у кўпроқ ям-яшил арчага ўхшайди.

Бу календарларнинг яна бир афзаллиги — унинг варақлари топ-тоза. Яъни бу варақларда куннинг номи ва саноқ сонидан булак ҳеч нарса бўлмайди. Кўпчиликка, нима учундир, варақларнинг олд ва орқаси ўша кунга доир суратлар, матнлар, маза-матраси йўқ шеър, топишмоқ, ҳикоялар билан тўлдирилган йиртма календарлар ёқади. Бундай календарларда ўзин-



гизга доир ҳеч нарса ёзилмаган бўлади. Ҳатто фақат сиз учунгина қадрли туғилган кунингиз саҳифасига қип-қизил қилиб, “Каламуштутарлар жамияти куни” ё бўлмаса шунга ўхшаш бир нарсалар ёзиб кўйилган бўлади.

Шунинг учун ҳам менга оппоқ варақли календарлар ёқади. Яп-янги календарларнинг оппоқ саҳифаларини муттасил варақлаб чиқар эканман, улар жуда ҳам кўпдек туюлади: ахир оз эмас, бутун бир йил-а!

Сўнгра ўзимни бу кунларнинг тўла ҳуқуқли эгаси сифатида билиб, уларнинг ҳар бирига орзуларимни, истакларимни, ўқилиши ва ёзилиши керак бўлган китобларимнинг номини ёзиб чиқаман. Мисол учун мана бундай:

Олисдаги ўртоғимникига бораман

Лола теришга чиқаман

Денгизни бир кўрсайдим

Шаҳарга тушиш керак

“Граф Монте-Кристо”ни қайта ўқисам ва ҳоказо.

Иш шу даражага бориб етадики, жуда ҳам кўп бўлиб туюлган янги календарнинг варақлари менинг орзуларимга, истакларимга, ёзмоқчи-ўқимоқчи бўлган китобларимга камлик қилиб қолади — бўлмаса, бутун бошли бир йил-а!

Бундан ташқари, ўша варақларнинг ҳар бирида сўз билан ҳам, қалам билан ҳам ифодалаб бўлмайдиган, фақат ўша фаслга, ўша кунга тааллуқли туйғулар ҳам мавжуддирки, ўша кунларга етиш тўғрисидаги барча истак-хоҳишингиз болалик хотираларига боғланади. Сиз ўша кунга — ёмғирлар шивалайдиган, қалин туманлар тушадиган, лайлакқор гупиллаб уриб берадиган, қуёшли кунларда ер ҳидини олиб учувчи илиқ шамоллар қўзғаладиган кунларга етишга, бу кунлар бахш этадиган болаликка хос эркатой туйғуларга қайтишга шошилиб турган бир пайтингизда беихтиёр болалигингиздан узоқлашиб борасиз. Календарнинг сизнинг орзуларингиз, истакларингиз, ўқийдиган ва ёзадиган китобларингиз белгиланган саҳифаларида кунлар ўтиши билан ўша кунларда ўтадиган йиғилишлар, мажлислар, қилиниши керак бўлган қўнғироқ рақамлари, маъракатуйлар, ташвишлар — қисқаси, сизга орзуларингиздан кўра шулар кўпроқ кераклигини таъкидлаган қисқа-қисқа жумлалар пайдо бўла бошлайди. Кутилган ёмғирлар шивалайди, туманлар оқ пардаларини табиат узра ташлайдилар, ойлар тўлинлашади, қуёш ва заминнинг нафасини олиб учувчи сарин шамоллар қўзғалади, лекин бир нарсани — болалик хотираларини олиб келмайди улар. Бу кунларнинг қуёши, ойи, ёмғири ва қорлари, туманлари ва шамоллари худди сиз каби, сиз билан баробар улғайиб қолгандек, ташвишлар домига тушгандек туюлади.

Буларга оппоқ календарь варақлари айбдор эмас. Барибир унинг варақларига орзуларимни, истакларимни, ёзадиган қўшиқларимни ва ўқийдиган китобларимни ёзавераман...

## МОЗИЙ

## БАҒРИДАГИ

## САНЪАТ

Гулом ҒАҒУР, Худойкул ТҮРАЕВ

Ватанимизнинг тасвирий санъат сарчашмалари тош асридан бошланган.

Айни ўша даврларда одамлар тошни силлиқлаб меҳнат — ов куроллари яшаш билан бирга, аёллар тақадиган тошмунчоқ тизимларини ҳам яратганки, қадимги тураржой, ғору камар, кўхна қабрларда уларнинг намуналари учрайди.

Бойсун тоғларидаги Тешиктош, Амир Темур ғори ёхуд Амударё воҳасидаги Ёнбошқалъа ва Калтаминор харобаларига у ерларда қазилган ишларини юритган профессор С. П. Толстов кўзи билан қарайлик.

“Қадимги Хоразм маданиятини излаб” асарида рус олими шу қазилмалар хусусида бундай ёзади: “Биз,

биринчидан, янги эрадан аввалги бир минг йилликнинг ўрталари ва иккинчи ярмида Қувондарё ҳавзасида ўтроқ яшаб деҳқончилик қилган аҳолининг ўзига хос яримёввойи маданиятидан; иккинчидан, эрамаздан аввалги мингинчи йилларда Орол денгизининг шарқий соҳилларида ўтроқ яшаб тирикчилик қилган халқларнинг ўзига хос маданиятидан хабардор бўлдик”.

Энди Сурхондарёдаги Зараутсой камари, Қайроққум ва Тошкентнинг Шойимкўприк мавзесида топилган рўзғор буюмларини тасаввур қилиб кўрайлик.

Дарвоқе, Зараутсойни санъатшунослар “санъат кошонаси”га қиёс қиладилар (зарауд — сўғдийча зар, нурга тўлиқ макон дегани). Зараутсой камарининг икки ёнидаги тошларга қизғиш-сарик бўёқлар билан ҳар хил расмлар солинган. Уларнинг бир қисми яхши сақланган. Хусусан, икки манзара диққатни тортади: биринчисида одамлар бошига ёпинғич ёпинган ҳолда тасвирланган бўлса, иккинчисида — қипяланғоч, тагин узун думлари бор ва кўлларида ўқ-ёй.

Маълум бўладики, ҳайвонларни ҳуркитмаслик учун ҳайвоннамо қиёфага кирар эканлар.



Камар деворларида ит ва ёввойи ҳўкизларнинг расми ҳам бор. Уларнинг баъзилари югуриб кетаётган ҳолда тасвирланган. Ҳўкизни итлар қуваётганига эътибор берсак, итлар ўша даврлардаёқ кўлга ўргатилгани, ҳўкиз эса ўлжа экани маълум бўлади. Худди шу мазмундаги расмлар Африка, Фарбий Оврупо ва бошқа минтақалардан ҳам топилгани гоъят хаяжонлидир.

Зараутсой расмларини таҳлил этиш воситасида ибтидоий одамларга хос бўлган бошқа бир жиҳатдан, яъни илк илоҳий, тўғрироғи, магик тасаввурлардан ҳам хабардор бўламиз. Модомики, Зараутсой камарининг деворларида (жами тасвирлар икки юзта) расмсиз жой кам қолган экан, демак, бу макон муқаддас саналган. Ҳа, Зараутсой одамлар сиғинадиган маскан бўлган, у ерда ҳар хил ўйинлар ўйналган. Ушбу ўйинларнинг барчасида кундалик ҳаёт лавҳалари акс этган. Умуман, Зараутсой ёдгорликлари ибтидоий аждодларимиз маънавий маданиятининг нодир манбаларидан бўлиб, ўша давр одамларининг фикрлаш тарзини ҳам, илк магик тасаввурларини ҳам ўзида намоён этади.

Фарғона водийсининг Хок қишлоғидан топилган бронза санчқининг дастасидаги тасвирда эса сигир бузоғини ялаб турибди, унинг ёнида бир аёл чўнқайиб сигир соғаяпти. Сўх қишлоғидан топилган балдоқда бирбирига чирмашиб кетган иккита илоннинг шакли акс этган. Л. Ремпель ва Галина Пугаченкова бу тасвирларни табиат ва одам ўртасидаги сирли алоқаларнинг магик кўринишлари, деб изоҳлайди. Тагин шуниси ажойибки, буларга ўхшаш тасвири ашёлар Месопотамия, Жанубий Озарбойжондан ҳам топилган, бу ҳол ўрта Осиё маданий ҳаётининг Яқин Шарқ маданий ҳаёти билан муштарак ва алоқадор эканини кўрсатади.

1967 йилда академик Яҳё Фуло-

мов раҳбарлигидаги Моҳандарё қадимшунослик тўпи Биронсой тасвирларини топди. Аждодларимиз от, ит, кўй, эчки, туя, архар, тоғ такасию ёввойи буқа, бўри ва тулки каби аллақанча ҳайвонларнинг расмларини тошларга нақш қилиб чизганлар. Айрим расмларнинг бўйи ҳам, эни ҳам бир-икки газдан кам эмас. Умумий сони мингларча... Тасвирлар бронза ёки темир чўкич билан ўйиб туширилган.

Биронсойда ҳайвонларгина эмас, расмона одамларнинг расмлари ҳам беҳисоб: от миниб кетаётган суворийлар, мол боқаётган чўпону ов манзаралари...

Биронсой тасвирлари ҳам мелоддан олдинги III-I минг йилликлар, яъни бронза ва темир даврига тааллуқли бўлиб, халқимизнинг олис ўтмиши, ижтимоий ҳаёти, ўзига хос маданияти ва диний эътиқодини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади.

Биламизки, Туронзаминда мелоддан олдинги III минг йиллик охирида, яъни бронза даврида деҳқончилик маданияти ўса бошлаган, одамлар энди меҳнат қуроллари — пичок, бигиз, игна ва зеб-зийнат буюмларини мисдан тайёрлашни ўрганиб олган. Овчилик ва балиқчилик эса мисга қалай кўшиб қаттиқ қотишма қилиш, яъни жез яратишни такозо қила бошлаган эди.

Тозабоғёб, Сувюрган, Амиробод, Қайроққум деҳқонлари денгиздан қолган шўрхок ерларни ўзлаштириш баробарида ўз манзилгоҳларини тепаликларга қура бошлади. Душман ва йиртқич ҳайвондан ҳимояланиш учун эса тепаликларни паҳса девор билан ўраб, қўрғон-истеҳком шаклига келтирдилар. Тагин атрофни маҳсус соқчилар қўлларида тош ва темир қуроллар билан қўриқлайдиган бўлди. Тепалиқдаги қўрғонлар айни пайтда олис-олислардан кўриниб турар, демак, узоқ-узоқларни кузатишга имкон берар эди.

Самарқанд яқинидаги Илонсой, Оқсой; Тошкент худудидаги Хўжакент; Фарғонадаги Сувратсой, Соёмалитош манзилгоҳларидаги турли топилдиқ ва қояларга чекилган расмлар ҳам аждодларимиз маданий ҳаётидан ҳикоя қилади. Соёмалидаги жуда кўп шакллар нуқталар ва чизиклар воситасида ишланган. Уларда уй ҳайвонлари — хўкиз билан эчки, хўкиз билан от ва бошқа бир жуфт ҳайвон тортиб кетаётган арава, чанғи, ҳатто аравада ўтирган келин-куёв тасвирини кўрамиз. Бу шакллар ҳам қадим Фарғона аҳолиси маданияти, ҳаёти, машғулотли ва дунёқарашининг ифодасидир.


Афросиёб топилдиқлари орасида чакмон, узун кўнжли этик, учли қалпоқ (кулоҳ) кийган, бўйнига қимматбаҳо тақинчоқ, безаклар тақиб олган ҳайкалчалар айниқса диққатимизни тартади. Олимлар бу шаклларни куёш худоси Митранинг рамзий тасвири деб тахмин қилади. Ўша замонларда зарб этилган танга, ясалган идиш-товоқ ва қурол-аслаҳаларда табиат манзараси, одам ва ҳайвон тасвири кўп. Масалан, Катта Фарғона канали қурилиши пайтида топилган уч оёқ, тўрт қулоқли бронза қозоннинг сиртига тўрт тоғ эчкисининг расми, Еттисув худудидан топилган тўрт оёқ ва қулоқли қозоннинг сиртига қанотли шерлар тасвири ўйиб ишланган.

Кўхна Айритомдан чиққан ёдгорликда (фризда) ҳозирги рубоб, дўмбира, арфа (чилтор) каби мусиқа асбобларига ўхшаб кетадиган қолғу чалиб ўтирган аёллар расми акс эттирилган. Тупроққалъадан чиққан чилтор чалиб турган қиз шакли кўхна Туронда мелоддан буруноқ тараққий этган мусиқа санъатидан гувоҳлик беради.

Туронзамин халқлари қадимда бетакрор меъморлик обидаларини ҳам бунёд этган. Бизгача етиб келган энг нодир ёдгорликлар — Қўйқирилганқалъа, Тупроққалъа, Айритом, Ёнбош-

қалъа, Далварзинқалъа, Далварзинтепа, Варахша, Холчаён ва бошқа ажойиб сарой, кўшк ва шахристонлардир.

Амалий санъатнинг бошқа турлари — ҳунармандлик, заргарлик, кулчилик, ёғочсозлик ҳам аждодларимизнинг кундалик ҳунарлари эди. На иложки, бугунги кунда ўша обидаларнинг вайрона қолдиқларига эгамиз, холос. Шуларнинг ҳам кўпини тупроқ остидан, тепалар бағридан қазиб оламиз. Чунки ўша пайтларда бу заминга кўз олайтирган






ёвлар кўп эди ва бирининг изидан бошқаси келиб вайрончилик қилиб кетарди. Масалан, Эрон аҳмонийларидан кейин келган Искандарнинг қилмишлари ҳақида унинг ёнида юрган тарихчиси Квинт Курций Руф, жумладан, бундай ёзади: “Тоғли қабиладан шикаст еган Искандар тўртинчи куни Мароқанд (Самарқанд) шаҳрига етди. Шаҳар девори етмиш стадий узунликда бўлиб, шаҳристон (ички қалъа) бошқа девор билан ўралган эди. У шаҳар мудофааси учун минг нафар жангчини

қолдириб, атроф-теваракдаги қишлоқларга ҳужум қилди: уларни таллади ва ёндирди. Сўнг у Танаис дарёси сари юрди ва тўрт кун ўтиб Мароқандга қайтди... У гўзал шаҳар бўлиб, атрофидан айланиб оқадиган дарё туфайли яхши муҳофаза этилган эди...”

Диадорнинг ёзишича, Искандар 120 минг сўғдиёналикни қатл этган. Бу ерда беҳисоб бойлик тўплаб, юртига жўнатиб турган. Масалан, бир галги таланган бойликни юклаш учун ўн минг жуфт кўтос ва уч минг туя керак бўлган. Сўғдийлар ибодатхонасидан бир олишда 50 минг таланти тиллани қўлга киритган...

Қадим шаҳарларимиз душманлар оёғи остида ҳарчанд топталаверма-син, яна қаддини тиклаб олар ва бу замин санъати, анъаналари янги-янги йўналишларда давом этар эди. Мелоднинг бошларида юртимизга ташриф буюрган хитой сайёҳи Хоразм, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари бозорларидаги хунармандлик расталарининг файзиёблигини қайд этган: Хоразм гиламқашлари, Бухоро зардўзлари, Самарқанд заргарларининг санъати...

Кўҳна Самарқанд — Афросиёбда сўғдийларнинг VII асрга оид деворий расмлари топилди; қалъа деворларидан бирида сақланиб қолган расмларда серҳашам либосдаги кишиларнинг фил, туя ва отда кетаётгани тасвирланган. Карвон олдидаги оқ фил устида, тахтиравонда малика. Фил ортидан отлиқ уч аёл бормоқда. Улардан кейин икки туяда икки киши. Булардан ўнгда тўртта куш тасвири. Кушлар ортида саман отлиқ шахзода, отлиқлар... Жанубий девордаги мазкур расмлар мазмунини ғарбий девор расмлари тўлдирди. Чунончи, олдинда кетаётган уч кишининг қўлида совғалар (тақинчоқлар, газламалар). Уларни икки киши бошлаб боряпти... Деворнинг бошқа бир бўлагида — гилам устида суҳбат куриб ўтирган бир гуруҳ одам



тасвири. Улардан бирининг қўлтиғида китоб, иккинчисининг чопони этагига эса сўғдийча сўзлар ёзилган бўлиб, унда Чағаниён шоҳининг Самарқанд шоҳига юборган элчиси ҳақида сўз боради. Демак, Сурхондарёда хукмронлик қилган Чағаниён (Шаканиён-Саканиён) подшолигининг элчилари Самарқанд подшосига совға олиб келяпти. Бу тасвирлар қадим анъанага эга бўлиб, феодал жамият ижтимоий ҳаётини, аслзодалар маиший турмушини ифода этади.

Қадимий Панжикентдан топилган хукмдорлар саройининг олтмишдан зиёд хонасидаги деворий тасвирларда муқаддас оловга қурбонлик келтириш; жанг, базм, ов, кураш, тўй маросими; наврўз, ҳовузда чўмилиш каби маиший-маънавий ҳаёт лавҳалари акс эттирилган.

Панжикентда VI-VII асрларга оид саккиз газлик девор панелида афсонавий ҳайвонларнинг ганч ва ёғочдан ишланган қабарик тасвирлари ҳамда ёғоч ҳайкаллар киши диққатини тортади. Улар ҳашамдор кийимдаги раққосалар ҳайкали бўлиб, бошқа манзилгоҳлардан ҳам топилди. Умуман, ёғоч ўймакорлиги, ҳайкалтарошлик қадим анъаналаримиздан далолат беради. Зеро, Ат-Табарий Кутайбанинг Самарқандда кўплаб ёғоч ҳайкалларни гулханларга ташлатгани, Наршаҳий эса Бухорода йилига икки бор ҳар хил ҳайкаллар сотиладиган маҳсус бозор ташкил қилиниб тургани ҳақида ёзиб қолдирган...

Панжикентдаги Муғ қалъаси топилдиқлари орасида V-VI асрларга оид сўғд газламалари бор. Пахтадан, жун ва ипақдан тўқилган бу буюмлар ранг-баранг гуллар билан безалган. Хуллас, ип ва ипақ газламалар тўқиш ҳам Сўғдиёна ҳунармандлик санъатида муҳим ўрин тутган.

Хитой манбаларида улуғ Ипак йўли — “Жанубий йўл” дейилади. Аммо “Шимолий йўл”ни ҳам тилга

оладилар. Бу йўл Қашқар орқали Фарғона, Шош, Сўғд ва Хоразмдан Ўрол бўйларигача борган. Буюк Ипак йўлининг Қорақурум тоғлари орқали ўтган жанубий тармоғидаги ҳаракат ҳақида Ҳинд дарёси юқори қисмидан топилган тағхат ва расмлар етарли маълумот беради. Бу тағхат ва расмлар I-VIII асрларга тааллуқли бўлиб, аксарияти I-II-III асрларга тегишлидир ва улар Ҳинд, Бохтар, Парфиёна ва Хитой имлоларида битилган. Сўғд ёзувлари ҳам талайгина. Табиий, бу тағхат ва расмларни кушон, сўғд жангчилари, хитой савдогарлари, Будда монахларию мусаввирлари чизган. Булар — Буюк Ипак йўлидан ўтган халқларнинг ўзаро алоқалари ва маданиятидан хабар беради.

Кушонлар салтанатининг пойтахти Шимолий Ҳиндистонга кўчирилиши муносабати билан Туронзаминда ҳам Будда дини давлат динига айлантиради. Археологик тадқиқотларга кўра, Туронда буддизм ўта ривожланган жой Термиз атрофлари бўлган. Масалан, Далварзинтепадан Буддага бағишланган бутун бошли мажмуа топилган.

Шундай қилиб, буддапарастлик Буюк ипак йўли билан аста-секин тарқалавериб, Хитойга етиб боради. Сўнг Япония ва Жануби-шарқий Осиёга, ундан Ҳинди-Хитой мамлакатларига ёйилади.

Бугунги Сурхондарё вилояти худудлари қадимда Шимолий Бохтар ерлари бўлган. Қадим Бохтар тупроғидаги Холчаён, Далварзинтепа, Зартепа, Қоратепа, Фаёзтепа, Айритомда олиб борилган қазув ишлари маълумотлари бақтрияликларнинг кушонлар салтанати давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маишати, диний эътиқоди ва урф-ода-тидан ҳикоя қилади.

Холчаёндан (Денов тумани) шаҳар соҳибининг саройи топилди. Сарой хом ғиштдан кунчиқар томонга қартиб қурилган. Галина Пугаченкованинг исботича, сарой айвони девор-



лари турли суратлар билан безатилган; кизил, қора, сариқ, хаворанг бўёқлардан фойдаланганлар. Саройга кираверишдаги қарама-қарши деворда шоҳ ва малика тахтга ўтирган ҳолатда тасвирланган. Шоҳ ва маликанинг икки томонида бир неча кишининг ҳайкаллари; улар шоҳнинг фарзандлари, қизи, куёви деб тахмин қилинади. Сарой деворларидан бирида камон тортаётган бир талай отлиқнинг тасвири ҳам бор. Отлар елдек учиб бормоқда.

Қабул залининг шимолий қисмида жойлашган юз тузилиши бири-бирига ўхшаш, соч ва мўйлаблари ҳам бир хил тарашланган ҳайкаллар, тадқиқотчиларнинг фикрича, Кушон ҳокимларининг ҳайкаллари дидир. Саҳнанинг бошида отлиқ маъбуда ҳайкали. У бош ҳоким Герай сари интилмоқда, гўё Герай уругини ғалаба билан қутламоқда.

Тадқиқотчилар Юнон-Бохтар шоҳлиги давридаги ҳайкалларга жўшқин ҳаёттилик хос бўлса, кушонлар даври ҳайкаллари вазминдорлиги, сиполиги билан фарқланишини таъкидлайдилар. Холчаён ҳайкалларида инсоннинг ботиний дунёси таъсирчан ифодаланган. Масалан, Герай ҳайкалида унинг иродаси мустаҳкамлиги, улуғворлиги, жангчи ҳайкалида эса унинг қаттиққўллиги, шафқатсизлиги юз қиёфаларида яққол акс этган. Холчаён ҳайкаллари ҳаётти, жозибадор.

Умуман, Холчаёнда топилган ҳайкалларда эллинизм, яъни маҳаллий бохтар, ҳинд, юнон ва кушон қабилалари маданий анъаналарининг ўзаро таъсири сезилади. Кейинчалик

(мелодий II-III асрлар) бохтар тасвирий санъатида эллинизм анъаналари таъсири сусайиб, ҳинд маданияти таъсири кучайиб борди. Бу қарийб 400 йил давомида Бохтар ва Ҳиндистон бир давлат — Кушонлар салтанати таркибида бўлгани, ўзаро маданий алоқалар кучайгани, қолаверса, Будда дини давлат дини сифатида ҳаракат қилгани билан изоҳланади. Табиий, худди шу даврда Будда ибодатхоналари кўплаб қурилиб, уларга Будда ҳайкаллари ўрнатилган, лавҳалар чизилган.

Қадимий Термиз шаҳри кушонлар даврида йирик маданий марказлардан бирига айланди ва энг катта Будда ибодатхоналаридан бири ҳам



шу ерда қурилди. Термиз ибодатхонаси коҳинлари Будданинг ватани — Ҳиндистон буддийлари билан рақобат қилиш даражасида бўлганлар. Ёзма манбаларнинг далолат беришича, термизлик Дхармамитра ва Гхошака деган коҳинлар Кушон шоҳи Канишка Пешоварда уюштирган бутпарастлар йиғилишида қатнашганлар.

Будда ибодатхоналари — ўша замон санъатининг масканларидир.

1933 йилда Термиз яқинидаги Айритомдан топилган ибодатхонанинг ташқи девори пештоқларига сарғиш-оқ тошлардан ҳайкаллар ўрнатилган экан. Башанг кийинган ва маржонлар таққан аёллар дўмбира, рубоб, чанг, най каби чолғу асбоблари чалмоқда. Пештоқнинг бир томонига қўлида гул, мева (ҳадялар) кўтарган одам ҳайкаллари ўрнатилган. Бино ичидан ганчдан ишланган Будда ҳайкали синиқлари чиққан. Ҳайкалларнинг ясалиш услубию мусиқа асбоблари бу заминда Ҳиндистон, Турон, Эрон, Юнонистон маданиятлари аралашмасидан иборат кучли бир маданий ҳаёт вужудга келганини ҳамда бу халқлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ривожидан маданий ҳаётда жуда равшан акс этганини кўрсатади. Бу ҳол Айритомдаги ҳайкалларгагина хос эмас: Хоразм, Фарғона, Сўғд, Парфия ерларида топилган сопол ҳайкалчалар, турли буюмларда ҳам ўша замон аъёнлари акс этганини кўраемиз.

Аммо Будданинг ҳайкалида маҳаллий аъёнлар таъсири бўртиб туради.

Буддапарастлар этиқодича, Будда чатра деган муқаддас дарахт соясида диннинг назарий асосларини ишлаб чиққан эмиш. Будданинг ўзига хос учта белгиси бўлган: пешонаси доғли, бошининг ўртаси дўнрок, қулоғининг солинчоғи узун. Қоратепа, Фаёзтепадан топилган Будда ҳайкаллари эса, бу уч белгидан ташқари, атрофи яна нимб —

аланга булути билан ўралган ҳолда тасвирланган. Будданинг боши атрофидаги ёғду тасвири муқаддаслик аломати бўлар экан, демак, бу ёғду маҳаллий халқнинг қадим зардўштийлик (ўтпарастилик) этиқодидан кўчгани шубҳасиздир. Зеро, зардўштар оловга сифинганлар. Бу хусусият Ҳиндистон Будда ҳайкалларида учрамайди. Тагин шуниси қизиқки, бундай ёғдули ҳайкаллар Хитой ва умуман, Узоқ Шарқдаги Будда ибодатхоналарида мавжуд бўлиб, Туронзамин таъсирини эслатиб туради.

Ўзбекистоннинг ҳозирги худудида қадимий ёдгорликлардан ҳисобланган учта Далварзинтепа қолдиқлари бор. Улар — Сурхондарё вилояти, Фарғона водийси ва Тошкент вилоятининг Бекобод туманидадир.

Археологлар Шўрчи тумани худудидаги Далварзинтепа харобаларини текшириб, кушонлар даврига доир ажойиб осори атиқаларга дуч келдилар. Бу ерда бутун бошли кулоллар маҳалласи уларнинг турмуш тарзи аниқланди. Сопол идишларни пиширадиган хумдонлар уйларнинг яқинида жойлашган экан. Ҳозиргача ўндан зиёд хумдон очиб ўрганилди: улар икки қаватли бўлиб, пасти — ўтхона, юқориси — идишларни пиширадиган тоқчалар экан.

Далварзинтепадан сопол идишлар, ҳайкаллар, тақинчоқлар, Кушон подшоларининг тангалари, шатранж доналари ва бошқа буюмлардан ташқари, 1972 йилда олтин буюмлар солинган 115 та кўза ҳам топилди; тилладан ясалган сирғалар, билагузуклар, узуклар, камарбандлар, олтин шодаси ва ёмбилар ниҳоятда нафис ишланган. Камарбандларга афсонавий ҳайвонлар тасвири туширилган. Бу хазина — кушонлар даврида заргарлик санъати нақадар юксак даражада тараққий этганини кўрсатади. Тадқиқотчилар дафина мелоднинг II-III асрларида кўмилганини айтидилар.

Қадимшунослар Бухоро яқинидан



Варахша шахрини излаб топдилар. У тахминан эрамизнинг бошида ёки ундан бир оз олдинроқ вужудга келган, кушонлар ва эфталийлар замонида Варахша Бухоро подшоҳлари — “бухорхудотлар”нинг қароргоҳига айланган (уларнинг саройи ҳам топилди). Кейин феодализм даврига оид бу муҳташам аркнинг лойиҳасини аниқлашга имкон туғилди.

Наршаҳийнинг маълумотига кўра, Варахша қасри бир неча марта бузилиб, қайта тикланган. Қасрни охириги марта араблар истилосидан кейин бухорхудот Бунниёт ибн Тоғшода тиклаган. Тоғшодани араблар шу ерда ўлдирганлар. Варахша харобасининг чўлга айланиб қолиши XII асрнинг ўрталарига тўғри келади.

Варахша деворий расмлари V-VII асрлардаги Ўзбекистон монументал санъатининг асосий ёдгорлиги ҳисобланади. Девордаги ҳар бир расмнинг ўзига хос тузилиши мусавирнинг муайян услубга эга эканидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан филга минган паҳлавон ва унинг хизматкори тасвири жозибалидир. Хизматкорнинг бели ингичка, кўкраги кенг, қомати бир оз эгилган... Жанубий девор ўртасида оёқлари орасига қилич қиштирган подшоҳ расми бор. Подшоҳ нафис мато қопланган ва қанотли туя тасвири туширилган олтин тахтда ўтирибди. Пастроқдаги расмда эса у хотини билан ибодат қилмоқда. Қўлларида идиш. Эркак қўлидаги узун ва ингичка қисқич билан оташкадага чўғ қўймоқда. Бу ўринда зардуштийлар анъанасига кўра ўт ёқиш маросими ўтказилаётгани акс эттирилган. Оташқаданинг бошқа томонида турган хушбичим йигитнинг кийимлари, камари ва калта қиличининг сопига ноёб тошлар қадалган. Расмларда ўша давр подшоҳлари ғуқароларнинг дунёвий ва диний ҳомийси экани акс эттирилган.

Фарбий деворда совут, дубулға кийган, қўлларида найза ва қалқон ушлаган суворийларнинг жанг ҳара-


катлари, шарқий деворда овчилик маскани — қамишзор тасвирланган... Хуллас, Варахша деворий расмлари даврининг ижтимоий ва маданий ҳаёти ҳақида муайян тасаввур беради.

Мелоднинг III асрида сосонийлар давлатидан Моний деган киши чиқиб, янги диний эътиқод йўлини асосламоқчи бўлади. Лекин унинг динида буддизм ва насронийлик унсурлари бор эди. Моний дини Эронда оммалашмади, Туронда эса кенг тарқалди. Бу диннинг ўзига хос хусусиятларидан бири — тасвирий санъатни диний маросимларга олиб кириш эди. У ўзи мусаввир эди. Тупроққалъа, Болаликтепа, Варахша, Панжикентдан топилган ёдгорликларда Моний дини таъсири сезиладди.

Мелодий III асрда Хоразм кушонлар давлатидан ажралиб чиққач, уни маҳаллий афригийлар сулоласи идора қила бошлади. Хоразмнинг III-V асрга оид маданияти бу даврда ҳукмронлик қилган афригийлар сулоласининг номи билан аталади. Афригийлар маданияти ёдгорликларини Бургутқалъа, Тешиққалъа ва Қумбосганқалъада (1937-40 йилларда) С. П. Толстов бошлиқ Хоразм экспедицияси ўрганган.

Жинариқ кўрғонидан чиққан жездан ясалган, ўртаси бўртиб турган дастали ойналар эса мелодий I-II асрдаги кўҳна Турон, Ҳиндистон, ҳатто Волгабўйларигача тарқалади. Шу кўрғондан топилган жез тўғноғичга (мелодий I-III асрлар) ўхшаган тўғноғичлар Югославия, Италия, Венгрия, Кичик Осиё, Фарбий Осиё, Фарбий Сибирь ва бошқа маконлардан ҳам топилган.

Хуллас, кўҳна Турон санъати гоят бой ва бебаҳо. Уларни топиш ва ўрганиш авлодларнинг муҳим ва шарафли ишидир. Зеро, бу топилмалар азиз аждодларимизнинг бетакрор маданияти ва эстетик тафаккури кўзгусидир.




1

# Данглар билан

2

Алишер Мирзо тасвирий санъат йулига 80- йилларда қадам қўйиб, илк асарлари биланоқ жамоатчилик эътиборини тортган мусаввирлар авлодига мансуб. Унинг лавҳалари майин муסיқаси, кучли лирикавийлиги билан ажралиб туради. Унинг тасвирларида тантанаворлик, ортиқча ҳашам ва жилвагарлик йўқ. Аксинча, маъюслик, ғамгинлик, хокисорлик бор. Унинг ранглари – оддийлик, самимият, некбинлик. Унинг асарлари – ранглар билан битилган шеъриятдир.






1. Гуллар натюрморти.
2. "Олча гуллади".
3. "Тоғдаги уйчалар".
4. "Баҳор шабадаси".
5. "Қирмиз тоғ этагидаги учрашув".



3



4

# битилган шеърини

5



Наим КАРИМОВ

# ЧЎЛПОН

## ВА

Эрамизга қадар кечган 69 йилда яшаган Клеопатрага ёхуд Чўлпон талаффузи ила айтсак, Клеопатрага кўплаб мусаввир, ҳайкалтарош, шоир ва драматурглар бетакрор асарлар бағишлаган. Улар орасида Тициан, Веронезе, Гвидо Рени, Уильям Шекспир, Жан Франсуа Мармонтель ва Бернард Шоу сингари донгдор санъаткорлар бор. Чўлпонни ҳам шу буюклар сирасига қўшиш адолатдан бўлур эди.

### Нил маликаси

“Гўзал Клеопатра! Отанг фиръавнинг заҳарлари қадар аччиқ заҳарларни унинг кўк япроқларидан истаганинг қадар ола биласан. Ўзингнинг юзларингдек юмшоқлик ва малоҳатни яна унинг қизил япроқларидан эма биласан.

Балки эсингда йўқдир.

Бир кун отанг билан чиққан овдан чарчаб, ўзинг ёлғиз қайтиб келдинг. Чарчаган бўлсанг-да, қарамасдан юғриб Нил бўйига тушдинг.

Ўтган тонгда бир ҳиндистонли ошиқни тимсоҳнинг оғзига ташлаб берган жойингдан бир тўплам нилуфар чечаги йиғдинг.

Харам уйингнинг айвонидаги супачага жой солдириб ётдинг-да, ҳалиги гул тўпламини қизил ипак билан бошингга осдириб қўйдинг.

Ўйчан, қайғули кўзларингни Нилнинг устида каби кўринган ойга тикиб олиб, тўймаслик билан гулни ҳидлаб-ҳидлаб ва шунга алданиб уйкуга кетдинг.

Тонгга ҳали йироқ эди...”

Ҳа, тонгга ҳали йироқ эди. Сирлар ва


яширинликлар уяси бўлмиш Миср фаллоҳ қишлоқлари, эҳромлари, ярим қуш, ярим одамсимон абулҳавлари бани Исроилга махсус ибодатхоналари билан бирга ухламоқда эди. Ҳатто илондек буралиб ётган Нил ҳам шу кечанинг шарпасиз қучоғида ором оларди.

Шу пайт фиръавнинг кизи уйғонади. Аммо уни эркалаб ухлатган нилуфар гули сўлган эди. Клеопатра нозик қўли билан сўлган гулни бир гижимлайди-да, иргитиб юборади.

Клеопатра гулни гижимлай бошлаган пайтда боғчада “оҳ” деган товуш эшитилади. Бу — эртага Нилнинг тимсоҳларга тўлиқ қучоғига киражак шахзоданинг оҳи эди. Гулнинг барвақт сўлганидан ранжиган Нил маликаси мунгли товушни эшитмайди. Унинг хаёли яна бир боғлам гулни узиб келишда эди. У даст туриб хизматчиларидан бирини уйғотмоқчи бўлади, у ёқ-бу ёққа қарагач, яна ётади. Шу пайт Чўлпон насрий шеърининг қаҳрамони секингина унинг қошига бориб, бағридаги гулни қизнинг бошига ташлайди. Малика буни сезмайди. Гулнинг хушбўй ҳиди Клеопатрани бўшаштириб, уйқу яна уни қучоғига тортади. Кун оташ тигларини унинг майин юзларига санчганида ҳам у уйғонмайди.

“Бош томонингда эндигина бош кўтариб келаётган ёппа-ёлғиз хурмо оғочига суянганим ҳолда мен сени кузатар эдим. Мен сени-да, ён-верингдагиларни-да эркин-эркин кўрганим ҳолда, бил-





# КЛЕОПАТРА

мадим, нима учундир сенинг кулларинг, жорияларинг, оқсоч ва чўриларинг мени кўрмадилар ёки кўрсалар-да: “Бу-да бир бечора ошиқдир, бу-да эрта-индин Нилнинг қурбони бўлур”, деб ўйлайлар эди...

... Ниҳоят, кўзингни очдинг. Бошингни галдиратиб туриб, эснаш-хидлаш сезгингнинг бутун кучи билан гул исини истадинг. Сенинг севгисиз бағрингга юмшоқлик сепиб турган гулим шул тинларда бутун борлиғи билан сенинг тегрангга севги ҳиди сочиб турур эди...”

Клеопатра бу гулнинг иси қаёқдан келаётганини қанчалик сўрамасин, жориялар тайинли жавоб беролмайдилар. Клеопатра бошидаги бир болишни олиб ташлаши билан орадан гул чиқади. Аммо бу гул Миср гули эмас эди:

— О-о-о... Бу гул — ёт гулдир. Миср гули эмас! — деб ғазабланади малика.

Клеопатранинг ён-веридагилар унинг “Қайдан келди бу? Ким келтирди?” деган саволларига жавоб беролмай, таҳликага тушадилар. Нил маликасининг жаҳли кўзғалса, жорияларнинг боши балога қолишини сезган қаҳрамон кўп тақаллуф қилмай, кўп тавозе этмай, бош ирғаб салом бериб, “Гулни мен келтирдим, у — менинг гулимдир”, дейди. Клеопатра дарҳол: “Сен кимсан?” деб, сўрайди. Қаҳрамон бамайлихотир жавоб бе-

ради: “Мен — бир адашиб келган кишиман”.

Клеопатра манзил тутган гўшага бегона кишининг кириши мумкин

эмас эди. Шунинг учун ҳам у жорияларга йўл кўрсатиб беришни, бизнинг қаҳрамонга эса кетишни буюради.

— Гулимни олайн-да, кетайин, хўп! — деб гулга қўл узатдим.

Амрлар товуши билан бақирдинг:

— Тегма, у гул менда қолади.

Тўхтадим.

Ўзинг кўзингни узмасдан менга қарар эдинг.

— Йигит, сен ёмон ният билан келмадингми?

— Йўк, тескарисидир: энг яхши ва тўғри тилаклар билан келдим.

— Айт, нима учун келдинг?

— Севганимга Миср нилуфаридан бир тўплам олиб кетмак учун келдим.

Бирдан уйғондинг.

— Севганимги бор?

— Бордир.

Шошиб-пишиб сўрадинг:

— Фиръавннинг қизи эмасми?

— Эмас.

— Қайдадир?

— Аму наҳри бўйида.

— Аму... Гул кимники?

— Боя ҳам айтдим: меники.

— Ким учундир?

— У учун.

— У кимдир?

— У... менинг Клеупатрамдир.

— Жим! Мендан бошқа Клеупатра йўқдир.

— Сен Миср, Нил бўйи Клеопатрасисан, у эса Ҳазар бўйи, Аму бўйи Клеопатрасидир...”

Шу тарзда биз мазмунини баён этаётган бадеада, бир томондан, йигит ёки қахрамон, аниқроғи, лирик қахрамон, иккинчи томондан эса, бошқа бир Клеопатра — Аму Клеопатраси образи майдонга чиқади. Чўлпон бу учала қахрамонни реал бадиий образлар тарзида тасвирлайди.

Одатда лиро-эпик асардаги лирик қахрамон образида шоирнинг ўзи ифода этилади. Мазкур асардаги лирик қахрамон ҳам шоирнинг, яъни Чўлпоннинг ўзидир. Энди ана шу ҳақиқатга асосланган ва ҳозирча Аму маликаси образини четлаб ўтган ҳолда асар сюжетининг кейинги ривожини кузатсак, бундай манзара ҳосил бўлади:

Клеопатра йигитнинг кўз ёшларида ўсгани учун гулнинг ўзгача тароватга эга эканини билгач, уни хосхонасига бошлаб боради ва олтин оёқчали юмшоқ супадада ўтириб, суҳбатни давом эттиради.

— Мен гулсиз қола билмайман, — дейди у.

— Сенинг учун мундоғ гуллар йўқ эмас, бор... Истасанг — Нилнинг бўйларида, истасанг — шаҳар кўчаларида... — жавоб беради йигит.

— Мен шундай гулни қандай қилиб топаман? — сўрайди яна у.

— Нилга ташланган, тимсоҳларга ем бўлган ошиқларингда бундай гуллар бор эди, — яна жавоб беради йигит.

— Йўқ, — дейди Клеопатра. — Яхши ишонгилким, улар менга гўзал бўлганим учун эмас, фиръавн қизи Клеопатра бўлганим учун ошиқ эдилар. Биргина киши бўлсун чин севиш билан севгани йўқдир. Агар сенга ўхшаган бўлсалар... мен уларни Нилда эмас, кўзимнинг қаролари орасида сақлар эдим... Мен уларни биламан: улар бир кўрқув олдида мени унутарлар. Шунинг учун мен уларни кўрқинч тимсоҳларга ем қилдим.

Шу чоғ Клеопатранинг кўзларида эҳтирос алангаси пайдо бўлади. Унинг ишорати билан хона кимсасиз қолиб, пардалар тушади, кўшни хонадан эса ингичка чолғу товуши аралаш қизлар кўшиғи мавжлана бошлайди. Чолғу ҳам, қизлар ҳам эҳтирос кўшиғини ижро этмоқда эдилар.

Чолғу бир даражага етганда йигит бўшашиб, секингина Клеопатра қошида ёнбошлайди. Клеопатра ҳам ўт-олов бўлиб йигит сари яқинлашади. Йигит ўз Клеопатрасини хаёлан кўз олдига келтиришга қанчалик уринмасин, хиёнат дамлари яқинлашаверади. Аммо шу лаҳзада яна ўша гул йигитга кўмакка келади.

“Сен мени ўзингнинг эҳтирос кучинг билан маст қилиб, гулимни ва ... йигитлигимни тортиб олмоқ истаган эдинг. Ишни шул даражага етказган эдингким, менда қаршилиқ қилмоқ учун куч қолмаган: мен бутун эҳтиросим билан хоин танларингга илондек ўралиб кетган эдим.

Бирдан гул ўлимлик ҳидини сочди. Мен уйғондим, эҳтирос ўз-ўзидан эриб, йўқ бўлди.

Сен юзларинг сўла бошлаб, бўшашиб йиқилдинг.

Мен гулимни қўлга олдим-да, тўғри Нил бўйига чиқдим. Ўзимнинг гулимни Нилнинг сувларига, кўкат, майсаларига кўст-кўстлаб юруб, ўз Клеопатрам учун бир тўплам нилуфар йиғдим-да, йўлимга кетдим.

Мен Аму бўйига етганимда орқамдан бир каптар учиб келди ва сенинг шу хатингни топширди”.

Хатда бундай сўзлар битилган эди: “Йигит!

Мен бутун дунёга машхур фиръавннинг қизи гўзал Клеопатра бўлганим ҳолда чин ва соф бир севги учратмадим. Чин муҳаббат эгаларининг кўз ёшларида етиша турган узоқ умрли вафо хидли нилуфарни сенинг қўлингда кўрганимдан бери кўрмадим.

Оҳ, унинг мен ухлай олмай ётган чо-





гимда сочган ҳидлари қандай эди! Сира англай олмайман. Сен “севги хиди” дединг, шекилли.

Ох, агар севгининг бир чечагидан чиққан хиди шундай бўлса, унинг ўзи қандай нарсадир?

Кошки сева билсам, ўзимнинг энг ҳақир қулимни бўлса-да, сева билсам!

Сени севдим, деб ўйлаган эдим, ўзинг кетгач, билдимки, у сенга, сенинг йигитлигинга бўлган шоҳона бир муҳаббатгина, бир ҳавасгина экан... Кел, менга соф муҳаббатдан бир оз сўзлаб бер!

Энди эҳтиросга берилмайман, кел.

Мен-да соф севиб, соф севилмак истаيمان...

Миср, Нил бўйи: Клеопатра”.

### Аму маликаси

Бу бадеада тилга олинган яна бир қаҳрамон Аму маликасидир. Йигит шу маликага бўлган севгиси туфайли Клеопатранинг “шоҳона муҳаббати”ни, у йўллаган эҳтирос алангасини рад этишга уринган. Севги ва муҳаббатнинг тирик маъбудаси ўлароқ машҳур бўлган Клеопатра Чўлпон бадеасида чин муҳаббат майини тотиб кўрмаган гўзал бир аёл сифатида тасвир этилган. Бу ўзига хос бир адабий усул бўлиб, шоир шу усул воситасида йигитнинг Аму маликасига бўлган севгиси олдида Цезару Антоний сингари саркардаларнинг Клеопатрага бўлган муҳаббати ҳеч вақо эмас, деган фикрни олға сурмоқчи бўлган.

Хўш, Аму маликаси ким? У шунчаки бадиий тамсилми (образ) ё реал ҳақиқатнинг бадиий инъикосими?

Анджоннинг Сулаймон баззоз оиласи турган Қатортерак мавзеида бир отин яшаган. Кейинчалик унинг қизи Флора ўзбек балет санъатининг ёрқин юлдузларидан бири сифатида зўр шўрат қозонган. Агар тақдир шамоли Фло-

ра Кайданини 60 – йилларда Новосибирск опера ва балет театрига олиб кетмаганида, унинг Тошкентдаги мафтункор ижоди давом этган ва бугунги балет санъати мухлислари бу номни яхши билган бўлардилар. Флора Кайданининг онаси Азҳаб Жамол турмуш ўртоғи билан бирга Ўзбекистонга илм-маърифат тарқатиш орзуси билан Эдил бўйларида келган эди. Сулаймон баззоз қизларини шу отинга ўқишга берган. Хусусан, Фоика ая Азҳаб Жамол кўлида тўрт йил таҳсил кўрган.

Чўлпон сингиллари баҳона Азҳаб Жамол отинлик қилган уйга тез-тез бориб, шу хонадонда яшовчи Обида исмли татар қиз билан танишган. Обида бошқа анджонлик тенгдошларидан очиклиги, кувноқлиги, зукколиги, мислсиз хусну жамоли, ҳамиша ораста ҳолати ва мағрурлиги билан фарқ қилган. Ёш шоир илк муҳаббати гулларини унинг пойига тўккан. Лекин ўта мағрур, хусни ва ақл-идрокининг кучига ҳаддан зиёд ишонган Обида Чўлпоннинг муҳаббатини рад этган.

Орадан бирмунча фурсат ўтгач, Чўлпон Обиданинг дугонаси Моҳирўя билан хилват-хилватларда учрашиб, унга бағишланган ишқий шеърлари алангасида аввалги муҳаббат кўшигини унутгандек бўлади. Моҳирўя ҳам Чўлпоннинг нафақат тагли-тугли оиладан чиққани, балки ўзига ҳар томонлама муносиб қайлик бўлгани учун навқирон шоирнинг севгисига мойиллик билдиради. 1917 йилнинг долғали кунларида бўлса керак, Чўлпон Моҳирўяга уйланади ва 1918 йилда Заки Валидий билан бирга Оренбургга йўл олганида Моҳирўяни ҳам олиб кетади.

Чамаси, Чўлпоннинг Моҳирўяга уйланиши, бир томондан, Сулаймон баззоз оиласининг миллий аъналарига мувофиқ бўлмагани учун муайян мураккаб-

ликларни келтириб чиқарган бўлса, иккинчи томондан, Обида учун ҳам катта зарба бўлиб тушган. Чўлпондек барно, истеъдодли ва келажаги порлоқ йигитнинг муҳаббатини рад этган Обида умрлик хатога йўл қўйганини сезиб, ўзини қўярга жой тополмай, ота-онаси бағрига — Чоржўйга кетган. Чўлпон ва Моҳирўя бўҳронли асрнинг турли-туман тўлқинларига тушсалар-да, дастлаб бахтли ҳаёт кечири бошлаганлар. Лекин кўп ўтмай, Чўлпон орзу қилган бахт символдай эрийди. Моҳирўя билан боғлиқ орзулар саробга айланади.

1920 йил августининг сўнгги кунларида Бокуга, Шарқ халқлари қурултойига борган Чўлпон Ҳазар бўйларидаги кезиндилари пайтида бундай туйғуларга берилган:

...Карашма денгизин кўрдим —  
на нозлик тўлқини бордир,

Ҳалокат бўлғусин билмай,  
қулочни катта отдим-ку?!

Ажаб дунё экан, бу ишқ дунёси,  
аё дўстлар,

Бу дунё деб у дунёни баҳосиз  
пулга сотдим-ку?!

Унинг гулзорида булбул ўқиб  
қон айлади бағрим,

Кўзимдан ёшни жў айлаб  
аламлар ичра ботдим-ку?!

Қаландардек юриб дунёни кездим,  
топмайин ёрни

Яна кулбамга қайғулар, аламлар  
бир-ла қайтдим-ку?!

Бу сатрлардан маълум бўлишича, Чўлпон ушбу шеърлар битилган вақтда, яъни 1920 йилнинг август-сентябрь ойларида Моҳирўядан ажралиб, яна қайғу ва алам гирдобида яшаган. Биринчи никоҳи бузилган шоир шахсий ҳаётининг издан чиққани туфайли бадбин ҳаёллар уммонига фарқ бўлган.

“Моҳирўя ўқитувчи эди, — дея ҳикоя қилган эди Фоика ая камина билан суҳ-

батда. — У чиройли, хушбичим, хушмуомалали қиз эди. Ота-онам уни яхши кўрарди. Аммо акам Моҳирўядан фарзанд кўрмади. Бу ҳам етмаганидек, Моҳирўя акамнинг дўст-ёрларига қўпол муносабатда бўлган...”

Моҳирўя билан Чўлпон ўртасига совуқчилик тушган кунларда Обида Чоржўйдан қайтиб, яна Андижонда яшай бошлайди. Чўлпон уни қайта кўриши билан юрагида эски муҳаббат чўғлари порлаб кетади. Моҳирўя билан яшашнинг истиқболсиз эканига амин бўлган шоир яна Обиданинг йўлига кўз тикади. Улар, ўртада гўё ҳеч нарса бўлмагандек, яна учраша бошлайдилар.

Чўлпоннинг 1921 йилда ёзган ва “Ўзбек ёш шоирлари” тўпламида чоп этилган “Суйган чоқларда” шеъриси ана шу висол соатлари тасвир этилган:

Гунафшалар қулоғимга мадҳингни  
Сўзлаб-сўзлаб чарчадилар, битмади...

Аламзада булбул йиғлаб кечалар  
Аламнинг сўнгин тамом этмади.

Кўзингдаги ҳикоянинг мазмунин  
Шоир бўлсам, айтиб-айтиб йиғлардим.

Ўшал эски жароҳатли қалбимни  
Сатрларнинг наштарила тилардим...


Обида вазиятнинг ўз фойдасига ҳал бўлаётганини кўрса-да, қизлик орномусини баланд тутишга уриниб, ёш шоирга эрк-ихтиёрини топширишга шошилмайди. У, Чўлпон айтганидек, нафақат “гўзаллар маликаси”, балки Клеопатра сингари тадбиркор, ақлли, мафтункор ҳам эди.

Шоир юқоридаги шеърини яқунлаб бундай ёзган:

Йўлларингда шеър айтса сўлган барг  
Қулоғимга мусиқалар келтирур.  
Қачон сенинг мусиқали овозинг  
Сенинг мени суйганингни билдирур?

Чўлпоннинг бу шеъри 1921 йилнинг





қайси палласида ёзилгани, афсуски, номаълум. Унинг “Жим тулинг, шовқин-ламанг, уйку ичинда ул пари” сатрлари билан бошланган шеъри эса 1921 йилнинг февралда Тошкентда ёзилган. Бу шеърдаги “Бу ётиш, бу уйку, бу қандай ширин, қандай гўзал, Жонланар, юз кўрсатар синган ва ясанган амал” сатрларини ўқиган китобхон уларда ухлаётган гўзалнинг — Обиданинг тасвирланганини сезиши қийин эмас. 1921 йил 16 августда ёзилган, “Клеопатра” шеъри каби сочма шаклида бўлган ва Обидага бағишланган шеърнинг “Клеопатра уйкуси” деб номланиши ҳам ана шу фикрни тасдиқлайди.

Шундай қилиб, Обида Чўлпоннинг 1921 йилда яратган шеърларида Клеопатра номи воситасида ўз тасвирини топади. Эрамиздан аввал яшаган Миср маликаси ҳақидаги тарихий ривоятлар нафақат Чўлпонга, балки Обидадек ўқимишли қизга ҳам маълум бўлиб, у ўз хатти-ҳаракатларида Клеопатрага ўхшашга, Нил маликасидек кийинишга, Нил маликасидек мафтункор бўлишга интилган. Чоржўйда, Аму бўйларида туғилган қиз, Чўлпон наздида, Клеопатранинг айни ўзи эди.

### Чўлпон ва Клеопатра

Чўлпоннинг Клеопатрага бағишланган ҳар иккала асари 1921 йилнинг 16-17 августда Бухорода ёзилган. Тахмин қилиш мумкинки, Чўлпон устози Фитратнинг таклифи билан Бухоро Халқ Жумҳуриятининг бош газетаси — “Бухоро ахбори”га муҳаррирлик қилиш учун борганида Обидани ҳам Бухорои шарифга олиб борган. Демак, бу вақтда улар эр-хотин бўлганлар. Аммо ушбу асарлар ёзилган чоғда Обида ота-онаси бағрида — Чоржўйда бўлган. Чўлпон ўз клеопатраномасини Обидага нисбатан

соғинч туйғуларини жўшурган кунларда ёзган.

Ёдингизда бўлса, йигит Аму бўйларида етиб олганида орқасидан бир каптар учиб келган ва унинг қанотларида Нил маликасининг йигитга йўллаган хати бор эди. Йигит хатни ўқиши билан Клеопатрага қуйидаги мактубни ёзган:

“Гўзал Клеопатра!!!

Хатингни олдим.

Аму кўпирмишдир, тошмишдир. Амининг тошқини ўзимнинг Клеопатрамга да, сенга да йўлни тўсди. Гулим ҳам ҳозир етим қолди...”

Одатда дарё баҳор ойларида тошади. Аммо ким билсин, эҳтимол, Обида Чоржўйга кетган пайтда ҳам Аму тошиб, у ваъда қилган кунлари етиб келолмаган, Чўлпон ҳам ўз Клеопатраси қошига муҳаббати гулини олиб боролмагандир.

Чўлпон 1922 йилнинг январь-февраль ойларида оғир хасталикка чалиниб, баланд ҳарорат остида ўлим билан курашган. Ёш жумҳуриятнинг масъул лавозимларидан бирини адо этгани учун уни дарҳол ҳарбий хастахонага ётқизганлар. Чўлпон касалхонада ўлим билан мардона курашган пайтларда Обида уни зиёрат этиб турган. Шоир, ҳатто хаста ҳолатида ҳам, рафикаси чеҳрасида рўй берган ўзгаришларни кузатиб, ўзининг эмас, унинг дардларига даво излаган:

...Нечун қизарди юзинг  
кип-қизил анор янглиғ!  
Дилингда ўйноқи бир шарпа  
ўтдими шошилиш?  
Кўзингда кучли ҳавасларнинг  
излари қолмиш..  
Қизармоғинг, йўқ эса,  
сирли эсгами боғлиқ?  
Лабингда биргина сўз бор,  
фақат дея олмайсан,  
Нечун уни демакка  
кечмишингми қўймайдир?

Нечун мени кўрганда  
энди сўзлай олмайсан?  
Нечун сенинг қарашинг  
ўйга ҳеч тўёлмайдир?  
Бир оз ... бир оз сўзла.  
Англадиб бер сен,  
Лабингда мангу ёпик  
қолмасун у биргина сўз.  
Гўзал чечакдек очилсун  
сўнук ва сўлгин юз  
Ва мен дардингга бир чора,  
бир шифо топайин...

Обида нимадан қизарган? У қандай сирли хотиралар туфайли хаёлот денгизига чўмишни севган? Чўлпон унинг чехрасидаги қандай ўзгаришлар туфайли изтироб чекмоқда? Булар бизга номаълум. Ҳар ҳолда, шу нарса аниқки, Аму маликаси билан, вужудида Клеопатра-нинг ақли ва макри яширинган аёл билан яшаш Чўлпон учун осон кечмаган.

Орадан бирмунча вақт ўтиб, Чўлпон ҳарбий хастахонани тарк этгач, 1922 йил февралнинг сўнгги кунларида нима учундир Чоржўйга борган. Унинг 29 февраль куни Чоржўйда таржима қилган "Қиш кечалари"дан бошқа бирор шеъри йўқки, биз Чоржўй сафари сирлари билан ошно бўлсак. Лекин орадан икки кун ўтгач, у Тошкентга қайтган ва "Шу кунда" деб номланган шеърини ёзган. Бу шеърнинг куйидаги айрим сатрлари Чўлпоннинг Обидага бўлган муҳаббат кемаси ҳам денгиз қояларига бориб урилганидан дарак беради:

Истагингга етар экан  
қанотларинг синдим,  
эй кўнглимнинг булбули?  
Сенга қарши кулиб турган  
гўзал чечак тиндим,  
ташладими бир йўли?  
Ҳаво ёрган кўкрагини  
севги ели тилдим,  
қон тўлами ҳар томон?  
Кўзларингга айрилиқнинг  
ипларини илдими?..  
шу қилиғи кўп ёмон.

Ё эркинлаб ҳидлагали  
бермайларми гулингни,  
тўсаларми йўлингни?  
Гул ўзими кўзларингдан  
кўзларини қочирди,  
йўқликларга ёширди?..

Демак, Обиданинг ҳарбий хастахонадаги қизариши ва Чўлпоннинг Чоржўйга бориши ўртасида ишқ савдоси билан боғлиқ нимадир бор. Ўзини Клеопатра ҳис этган Обида Чўлпон сиймосида на Юлий Цезарни, на Марк Антонийни кўрмаган. "Бухоро ахбори" газетасининг муҳаррири яшаган ижара ўй ҳам Обида орзу қилган сарой эмас эди. Шунинг учун ҳам унинг хаёли, эҳтимол, бошқа булбуллар сари талпингандир.

Орадан қарийб қирқ кун ўтгач, Обидани Чоржўйда қолдириб, Тошкентга кетган Чўлпон дафтарига куйидаги сатрларни битган:

Йироқлашдим, узоқлашдим  
бир неча кун сендан,  
ҳол сўраб кўр мендан,  
Нега мунча оғир келди  
бу йироқлик менга,  
англатайин сенга!  
Чунки сенинг қаршингда мен  
айрилиқни ўйламай,  
кўзларингга тикилдим,  
Ўзлимга, борлигимга  
баҳо қўймай, санламай,  
ерга қадар эгилдим.  
У кўзларинг тошқинида  
балиқ каби сузган мен,  
сенга қараб тўяйми?..

Ҳаёт Обида билан Чўлпонга ўз муҳаббатлари тақдирини ўйлаш ва оқилона ҳукмга келиш имконини берган эди. Лекин Обида бу имкониятдан фойдаланишни истамасди. Обида — Клеопатра учун севги баҳор булутидек ўткинчи эди.

У Чўлпон билан алоқани ўз ихтиёри билан узади.

Чўлпон ўша йилнинг 26 апрелида Тошкентда битган шеърда бу ҳақда бундай ёзади:





... Ортиқ сен мендан узоқда  
Кўзларни ўйнатасанми?  
Ортиқ сен бошқа булоқда  
Дилларни қайнатасанми?  
Ортиқ сен ундаги боғда,  
Ортиқ мен якками қолдим?  
Фарёд йўқ... Барча жаҳон жим,  
Ер ютса яхши шу чоқда!..  
Кетдингми сен мени ташлаб?  
Қолдимми қайғумни бошлаб?

“Кетганингда” деб номланган бу шеърда бағишлов сўзи ҳам бор. Чўлпон сарлавҳадан кейин “Клеопатрага” деб ёзган ва шеърнинг кимга бағишланганини очиқ-ойдин айтган.

Чўлпоннинг Обида – Клеопатрага бўлган муҳаббати тарихи шу тариқа шоир қалбининг садпора бўлиши билан тугади. Аммо бевафо ёр қолдирган жароҳат кўп вақт мобайнида битмай, шоир қалбидан аламли нолалар билан қон сачратиб турди.

Чўлпоннинг “Булоқлар” шеърий тўпламидаги талайгина тизмалардан ана шу қонли туйғулар ўқтин-ўқтин отилиб туради:

... Кўзимга кўринган саробми эди,  
Мен шунга алданиб тоғларми ошдим?  
Севгимни боғчаси харобми эди,  
Шу боғча ичида йўлми адашдим?  
Кўзимни ўраган киприкми эди,  
Ёки кўк тусида пардами эди?  
Кўнгил шу чоққача тирикми эди,  
Жоним кўклардами, тандами эди?  
Кўлимни тегиздим... Одам эди-ку,  
Кўзимда ўйнаган бир нур эди-ку,  
Бўйнимга қўл солган бир хур эди-ку?!  
Нега мен сезмадим? Ўт эмасмиди?  
Шул ўт ичидаги мен эмасмидим?  
Каъбамга осилган бут эмасмиди?

Бутни тангри деган мен эмасмидим?..

Чўлпон хатолардан изтироб чека-чека дўзахга дуч келади. Бутни тангри ўрнида кўрган боис ўзини кечирмайди. Усмонли турк тилида ёзган “Ишқ” шеърда эса ўша фожиали йилдаги ҳолатини тасвирлаб, “Ишқ дея айрилдим диндан, иймондан”, дейди.

Юқорида бир неча банди келтирилган “Алданиш” шеърда айтилишича, Чўлпон Обида – Клеопатра билан бир йил яшаган-у, аммо унинг васлига эришиш учун беш йил ёнган. Агар шоирнинг илк муҳаббати 1918 йилнинг март-апрель ойларидаёқ тугаганини инобатга олсак, у, “Беш йиллик ёнишим бир йил учунми?” деган сўзларига кўра, 1922 йилнинг тахминан ўша ойларида бошланган чиқади. Лекин Чўлпон ҳаётининг йилномаси бўлган шеърлар бу эътирофга у қадар жиддий эътибор бермасликни тақозо қилади.

Билмадим, орадан қанча ойлар ва кунлар ўтганидан сўнг Чўлпон “Кизларнинг дафтарига” деган уч сатрдан иборат шеър ёзган ва унда муҳаббати сабоқларидан келиб чиқиб, ўзига-ўзи бундай панд берган:

Кўнгил, тинмас кўнгил, энди етар,  
кўз тикма гулларга,  
Гўзалдир, ёшдир ул гуллар...

фақат алданма уларга  
Ки, қизғонмас, кўнгил қўймас  
сенингдек оқ кўнгилларга.

Афсуски, Чўлпоннинг оғир қисматида бошқа “Клеопатра” билан учрашиш бахти ва фожиаси бор эди.

# БЕДОР ҚАЛБ

Шарқ шоирларидан бири: “Агар мени билмоқчи бўлсангиз, сўзимга боқинг”, деган экан. Дарҳақиқат, сўз – кўнгил ойнаси. Одамнинг ботиний олами, ният ва омоли сўзда намоён бўлади. Сўз – буюк кудрат, Оллоҳ ато этган бебаҳо неъмат. Айниқса, қалби халқ ва миллат дарди билан ошино адибнинг сўзи ҳар қандай юракни ҳам ёндиради, маърифат, ҳақиқат жарчиси бўлиб янграб туради.

Ўзига хос ҳароратли сўзи билан эл-юрт орасида эътибор қозонган истеъдодли адибларимиздан бири Иброҳим Гафурдир. Иброҳим ака – мутафаккир мунаққид, моҳир таржимон, чабдаст журналист, шоир ва жамоат арбоби. Мана, салкам қирқ йилдирки, адабиёт йулида, демакки, маърифат ва маънавият йулида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келади. Салкам қирқ йилдирки, бу заковатли ва ориф инсон билан танишман, унинг сўзини тинглайман, оғир-вазмин, майин, аммо журъатли, хасталикка бегона, уқтам овозини эшитиб келаман. Бундан қувонаман ва қалбимга мадад оламан.

Бу овоз Иброҳим Гафурнинг адабий-танқидий мақолалари, бадеалари, публицистикаси ва ҳатто адабий таржималарида ҳам ҳукмрон. Оллоҳ таоло бу инсонга алоҳида завқ ва идрок ато этган. Бизда ҳеч бир танқидчи шеърини асарни Иброҳим Гафурдек қиёмига етказиб таҳлил қилган эмас. У ҳеч қачон асар муаллифига ақл ўргатиб, ҳукмфармолик этмаган. Аксинча, у шеърни гўзал санъат асари деб, санъат қонунияти асоси-

да ўрганар экан, муаллиф билан шеърини ҳақида суҳбат қуради ва шу орқали китобхоннинг ҳам дил торларини созлаб, гўзалликдан баҳра олиш сирларини талқин этади. Шунда асарнинг ютуғи ҳам, камчилиги ҳам намоён бўлиб бораверади. Мунаққид янги истеъдодларни кашф этар экан, ўзининг ҳам шавқ-завқи тошиб кетади. Зотан, Иброҳим Гафурнинг ҳар бир мақоласи – яхлит бир бадий асар, шоирона дил изҳори. Айни вақтда, унинг мақолалари бедор ва безовта руҳнинг, фалсафий мушоҳадалар, тоза фикрларнинг меваси ҳам. Мунаққиднинг бадий олами ва фикрий теранлиги бир-бирига шу қадар омухталашиб кетадики, баъзан уни бадийят файласуфи ёхуд фалсафанинг шоири дегингиз келади.

Иброҳим Гафур — жаҳон адабиётининг энг теран маъноли, сархил, сара намуналари мутолаасидан баҳра топган, шу руҳда тарбияланган адиб. У адабиётда инсоннинг дард-изтироблари, бахтиёр онлари тўқис акс этишини, ҳикмат ва маънига тўлиқ асарлар кўпайишини хоҳлайди. Сохта, саёз, сўз санъатидан йироқ “ижтимоий ғоя ташувчи” асарларнинг зарарини айтишга журъат топади.

Эҳтимол шунинг учундир, олтмишинчи ва етмишинчи йилларда адабиётимизга кириб келган шоирлар мунаққид Иброҳим Гафур назарига тушишни, унинг баҳосини олишни орзу қиларди. Ва бежиз эмаски, мунаққиднинг аксар китоблари, чунончи, “Гўзалликнинг олмос





*Шоир Эркин Воҳидов ва мунаққид Иброҳим Гафур гурунги*

қирралари” (1963 йил), “Жозиба” (1970 йил), “Ёнар сўз”, “Ям-яшил дарахт” (1976 йил), “Юрак – аланга” (1980 йил) ўша даврда қўлига қалам олган ижодкорларнинг асарлари таҳлилига бағишланган. Бу китобларнинг номлари ҳам муаллифнинг нияти, адабиётдан кутган мақсадини кўрсатиб туради. Мунаққид Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон ижоди ҳақида меҳр билан жўшиб ёзади, уларга хос ички драматизмни, халқ ва тарих тақдири, эрк-озодлик ғояларини таҳлил қилади, ҳаёт чорчўбасида эзилган инсонлар, бу чорчўбаларни синдириб, ёриб чиққан жасоратли одамлар тақдирини тадқиқ этади. 80-йилларда шеъриятимизда муҳим мавзуга айланган “халқ — инсон — тарих” муносабатини илк бор Иброҳим Гафур тўғри талқин

қилиб берди ва уни бадиий тафаккур таъмоилига айлантирди.

Иброҳим Гафур — нигоҳи қамровли, тафаккури теран инсон. У Зулфия, Саида Зуннунова, Миркарим Осим ҳақида фикр юритадими, қатагон йиллари жабрланган улуғ шоирларимиз Чулпон ва Усмон Носир ҳақида ёзадими — ҳар бирига хос сўзни топиб айта олади, ҳали ҳеч ким эътибор қилмаган нозик жиҳатларга диққатимизни қаратади. Асарлар замиридаги жозибани ботиний ҳаяжон билан тафсир ва талқин этади. Иброҳим Гафурга хос зукколик фақат ўзбек адабиёти гўзалликларини кашф этишда эмас, балки жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима ва тарғиб этишда ҳам намоён бўлди. “Таржима ва тарғиб” деб беҳуда таъкидлаётганим

йўқ. Таржимонларнинг ҳаммаси ҳам мунаққид эмас, мунаққидлар ичида таржима билан шуғуллангани кам. Иброҳим Гафурда бу икки жиҳат уйғунлашиб кетган. У “Азизим” (Мопассан), “Жиноят ва жазо”, “Телба”, “Қиморбоз” (Фёдор Достоевский), “Чол ва денгиз”, “Алвидо, қурол!” (Хемингуэй), “Қиёмат” (Чингиз Айтматов) романларини ва хорижий адибларнинг яна бир талай асарларини таржима қилди.

“Телба” романининг бош қахрамони князь Мишкин қалбида эзгуликнинг беқиёс нури бор. Ҳазрати Исо нури. Бу нур қабоҳат ва чиркинликларни ёриб, илоҳий олам шаффофлигини акс эттириб туради. Иброҳим Гафурнинг қалбида ҳам ана шундай муборак нур балқиб туради ва уни мудом бедорликка ундайди, безовта қилади, ёвузликка, жаҳолатга қарши жангга чорлайди. Шу боис таржимон буюк адибларнинг асарларини ўзбек тилида қайта яратиш билангина кифояланмай, туркум мақолалар ёзиб, китобхонларимизни Данте, Хемингуэй, Гёте, Достоевский ижоди билан таништирди.

Шу ўринда Иброҳим Гафурнинг ижодий фаолиятига хос яна бир жиҳат ҳақида тўхталмоқчиман. Бу — мунаққиднинг жаҳон адабиёти юксаклигидан туриб фикр юритиши. У айрим ижодкорлар ҳақида мақола ёзибгина қолмай, жаҳон адабиётининг тараққиёт йўллари, Шарқу Фарб адабий алоқалари, ўзаро таъсир, типология масалалари хусусида ҳам қимматли фикрлар баён этди. Бу борада ҳассос адиб сифатида ҳам, зукко олим мақомида ҳам намоён бўлди. Иброҳим Гафур қиёсий таҳлил воситасида, гарчи даҳо адибларнинг ҳар бири бир олам бўлса-да, уларни бирлаштириб турувчи жиҳатлар кўпроқ эканини таъкидлайди. Чунончи, ҳамма давр ва ҳамма халқларнинг буюк адиблари аввало буюк иродали гуманист бўлганлар,

улар илм-маърифатни — жаҳолатга, ростлик ва ҳақгўйликни — ёлғонга, нурни — зулматга, меҳр-шафқатни зўрликка қарши қўйганлар, инсонийликни улуглаганлар. Данте: “Билим — қалбимизнинг энг олий камолотидир ва энг юксак фароғат ҳам билимдандир”, деган. Иброҳим Гафур ушбу иқтибосни шарҳлаб бундай деган эди: “Данте гуманист сифатида инсоннинг маънавий камолотга эришувини асарларининг марказига қўяди — маънавий камолотга билим ҳамда жисмоний камолот билан эришмоқ мумкин, дейди”. Худди шу гоёни Рўдакий, Абу Аъло, Алишер Навоий, Гёте ижодида ҳам кўрамыз. Ҳар бир шоир — буюк бир маърифатпарвар, инсонларни зулм ва зулматдан огоҳ этувчи йўлбошчидир.

Иброҳим Гафур мана шу силсилада Алишер Навоий ижодини ҳам анча ўрганди. Навоийшуносликда кўп тадқиқотлар ёзилган, кўп фикрлар айтилган. Аммо Иброҳим Гафур бу борада ҳам ўз гапини айта олди. Кўп йиллар мобайнида Алишер Навоий ижодининг фалсафий асоси бўлган тасаввуф инкор қилиб келинган, “Хамса”дostonлари “синфийлик нуқтаи назаридан” таҳлил этилиб, ижтимоий гоё, сюжет-образ чизиғи таҳлилдандан нари ўтилмаган бир пайтда Иброҳим Гафур, тасаввуф таълимотини маҳсус ўрганмаган бўлса-да, аммо савқи табиий амри билан Алишер Навоий ижодини шўро навоийшунослари йўлидан бориб тушуниб етиш мумкин эмаслигини исботлади. Олимнинг “Ўттиз йил изҳори” китобига кирган “Ишқ шиддатининг поғоналари”, “Тафаккур ва ҳиссиётнинг олий нуқталари”, “Дунё кезувчиларнинг доноликлари” каби мақолалари шундан далолат. Шу тахлит Иброҳим Гафур Алишер Навоий ижодининг мислсиз аҳамияти, квадратини хиёла теран таҳлил этди ва сўфиёна талқинга ҳам яқинлашиб борди.



Мунаққид илмий-танқидий асарларида фаол, курашчан инсон дунёсини намён этишга интилиб келди, ўз-ўзини англаш гоёсини дадил тарғиб этди. “Инсон аввал ўзини, ўзлигини тугал англаб-тушуниб, билиб олиши керак. Ўзининг кимлиги, нималарга қодир эканини яхши тасаввур қила оладиган одамгина бошқалар қалбини, ички дунёсини тушуниши, ифодалаб бериши мумкин”, деб ёзган эди у киши мақолаларидан бирида. Назаримда, бу гап фақат таҳлил қилинган асарлар қахрамонларига эмас, Иброҳим Гафурнинг ўзига ҳам тааллуқлидай. Муаллиф бу сўзлар воситасида ўз эътиқоди, сажиясини ҳам баён этгандек. Зеро, Иброҳим Гафур ижодда ҳам, ҳаётий фаолиятда ҳам ўзлигини англаган ориф инсон сифатида миллати, элиюртини ҳам бедор этиб, ўзлигини билишга даъват қилиб келмоқда. Аслини олганда, адибнинг ижтимоий фаолиятини унинг ижодидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ижоднинг ўзи — ёзувчи учун зарур ижтимоий фаолиятдир. Фаол фикр, фаол сўз — буюк куч.

Иброҳим Гафур адабиётга, сўзга илос қуйгани боис қалбида чин шоир уйғониб, ажойиб мансуралар ёза бошлади. Бу жанрни у ижод қилди. Бу жанр тигиз фикрларнинг қайноқ ҳиссиётлар билан уйғунлигини тақозо этади. Фожиалар, фараҳлар, тақдирларнинг ихчам манзаралари — таъсирчан шеърӣ қиссачалар. Улар ҳақида махсус тадқиқот яратиш мумкин. Аммо шуниси аниқки, бу мансуралар шоирлик даъвосида ёзилган эмас. Улар — чинакам етук бадий асарлар. “Илтижо” китобидаги (мансуралар 1991 йилда шу ном билан китоб бўлиб чиққан) 42-мансурани эсга олайлик. У “Сония” деб номланади. Воқеа

даҳшатли: Қизилтепада шом қоронғисида пахта теримидан қайтаётган еттинчи синф ўқувчилари — еттита қизни йўл устида “Камаз” уриб мажақлаб кетади. Бирортаси ҳам тирик қолмайди.

*Етти қиз ялла айтиб улгурмай юртида,  
Алла айтиб улгурмай юртида,  
Боглардан узиб чиқмай бир қизил олма,  
Қирлардан термайин лола...  
Отасининг сарвари,  
Онасининг гавҳари,  
Бир зумда, бир зумда, бир зумда  
Гойиб бўлди Қизилтепа йўлида.*

Бу сатрларни ўқиб қалбингиз титраб кетади, инсонни бир ўйинчоққа айлантирган, пахтага қурбон этганларга нафратингиз ошади.

Тарихий мавзуларда ёзилган мансураларда ҳам бугунги ҳаётимизнинг мазмуни акс этган.

Айтмоқчиманки, Иброҳим Гафур бугунги кунда миллий маънавиятимизнинг ёниқ сўзли вакилларида бирига айланган, “Миллий тикланиш” партияси раиси ва шу номли газетанинг бош муҳаррири сифатида дадил фаолият кўрсатаётган экан, бу — халқининг дарди билан ҳамиша ёниб яшаб келаётгани, умрини шу эзгу мақсадга бағишлагани натижасидир.

Иброҳим Гафур ўзини истиқлолнинг фидойи аскарӣ деб билади. Бугун олтамиш ёшга кириб, мўсафид бўлиб қолганига қарамай, ўзини йигитлардай бардам сезмоқда ва ҳар қачонгидан ҳам самаралироқ меҳнат қилмоқда.

Биз сўзи, асарлари билан қалбларга маърифат нурини сочаётган Иброҳим Гафурга астойдил куч-қувват, бардамлик, мустаҳкам саломатлик тилаймиз.

Умрингиз узоқ бўлсин, Иброҳим ака!

## ЮТМАГАН ОДАМЛАР

*Дейсан:*

— Дунё — уйин,

Мен уйинда асло ютган эмасман,

Ютуқ гавҳарларин қўлларимда тутган эмасман...

Вафо қилган эмас ҳеч қачон уйин,

Уйинда ютмоқнинг роҳатин тотган эмасман.

Ё уйинларга термулиб,

гувоҳ бўлиб уйинларга

тунги шам каби эриб —

битган эмасман.

— Уттингизми ,яшулли? — деган саволга, қаранг, ҳеч қачон:

— Уттим! — деган эмасман.

Уйинда “утмовчи” одамлар, сизлар қандайсиз?

Ер юзининг омадсизлари,

сизлар қайдасиз?

Оғзи ошга етганда тош чайнаганлар,

сизлар қайдасиз?

Ютиш-юттиришга бегона,

маъсумлар, сизлар қайдасиз?

Сизлар кимларсиз?

### НУР ЁҒИЛАР

\*

— Мақбарлардан нур ёғилар. Нурларга тўлиб кетаман, — дейди аста шивирлаб ҳабибам. — Нур ёғади ернинг остидан...

— Нур ёғарми ернинг остидан!.. Билар эдик ёғишини нурнинг ернинг устидан... Ажаб сўйлайсиз...

Беҳабарга сир айтмоқдан не наф дегандай, ўз хаёлига берилади ҳабибам ва саждалардан топади саодатин...

Чор Бакирни фарқи хаёл кезсам агар вужудимни сезмай қўяман.

Похолча ҳам келмай қолар бошим-оёғим. Ҳавол вужуд... муаллақ тана.

— Нур ёғади, — дейди ҳабибам, — ернинг остидан...

— Ажаб тантана...



Қариб мункиллаган олимлар билан Исмоил Бухорий мақбарида бош эгиб турдик. Сукут ичра ҳазрат руҳин ҳис этмоққа уриниб кўрдик. Бугизларни тирнаб хирқирайди тиловат.

— Хартанг!

Сталинни ёддан ўқиб, сувдек шимириб, Сталин деб нафас олган, бугун қариб мункиллаган олимлар давра қуриб баҳс этарлар:

—Хартанг! Хартанг нима?! — деб!

Китоблардан унча-мунча ўқиб қулоқларига чалинганларни бир-бирига тушунтирарлар.

— Ленин мақбарига кунда- кунора сигинавериб, Хартанг борлигини унутиб қўйибмиз... — дейди бири. Овозида афсус сезилмас.

— Хартанг ўзи нима? Нимани билдирар? — луқма ташлайди бошқаси.

— Рост, саксон йил яшаб Хартанг нималигини билмай ўтибмиз. Атанг!

— Мен эшитганман. Хартанг — эшак ботган жой экан, — дейди яна учинчи бир олимроғи. — Утмиш феодализм замонларида бу ерлар ботқоқлик бўлган. Хонлар қарамай ўтган. Бухородан келаётган эшаклар шу ерларда ботиб қолаверган, э-ҳа...

— Менимча... — дейди тўртинчи олим, улардан ёшроғи ва жанговарроғи. — Бу ерда тонг олдинроқ отган, офтоб вақтлироқ чиққан. Шунинг учун “ҳар тонг!” деганлар...

— Ўлманг, азамат! — қулишади сталинчи олимлар.

— Назаримда, бу сўз тош билан боғлиқ. Тошни боболаримиз санг деганлар. Бу ерда унда-бунда йирик дўнгалак тошлар сочилиб ётган. Дўнгалак тошларни харсанг деймиз. Тўғрими, домла? — сўрайди энг ақлли кексароқ олимдан. — Ўзбеклар доим “с”ни “т”га айлантириб сўйлайди. Бу ерда катта баҳайбат тош ётган.

Олимлар бир-бирига бош силкишар. Ҳаммаси бир-биридан олимроқ. “Бу ерда баҳайбат тош ётган...” Шу гап уларга маъқул.

— Лоақал битта, кўп эмас, биттагина ҳадис айтсанглар-чи, бобонгларнинг меросидан... — дейман ўзимча четроқда туриб. Хаёлимни улуғвор, жуда кекса олимнинг навқирон овози чўчитади:

— Айтинглар-чи, — дейди олим аста салмоқлаб. — Исмоил Бухорий мутасаввуф бўлганми?

Олимлар анчагача жим қолишар. Сўнг бирови ишонқирамаган каби дер:

— Афтидан, ул зот ҳадис ёзганлар...

Баҳслар давом этар шу тарзда.

Уч миллиондан зиёд ҳадис билган, ҳадис йиққан Исмоил бобо жимгина ётар. Пири зол. Океанларча хотира. Океанларча замзама.

Хартангда исломнинг хотираси ётар.

Афсонавий мухаллил.

Хартангда ётар Исмоил. Ҳадис каъбаси.

— Нур ёгилар бу ердан, нурга тўлиб кетдим, — дер ҳабибам. Ҳижжа-  
лаб уқиймиз кўҳна хатларни. Уч-тўрт сўз уқиймиз. Чарчаб қоламиз. Кўз  
чидамас нақшларга. Мақбар садо бермас. Садо бермас Исмоил бобо.  
Толиб сўри четига аста ўтирдим. Кеч куз. Кеч куз. Офтоб майин, ша-  
мол сарин нақадар. Кўксим қизир.

Мақбар пойида, арча тагида бинафшалар гуллайди. Жавдирашар кеч  
кузнинг ажиб бинафшалари.

Кўзларимга ишонмай ўрнимдан тураман. Энгашиб қарайман. Қўлимни  
чўзиб оҳиста нафармон гулларни тутдим. Силадим. Димоғимга урил-  
ди бинафша иси.

Эллиқнинг оёғида кеч кузда бинафша очилганини энди кўрдим.

Бу менга мўъжиза бўлиб туюлди.

Бухорий атри. Исмоил бинафшаси.

Ҳодисотларнинг ҳодисоти. Ҳадислар ҳадиси — бинафша.

Минг йилларча гуллаб ётур Исмоилнинг бинафшалари.

— Салом, эй зебо! Мен билан сўйлашмайсанми? Сирларингни атир  
мисол димоғимга пуркамайсанми?

Хартангда бинафша жим ётар эди безавол...

## *РУҲНИНГ ҲАЁТИ*

Нега улганлар тушда ўлмайди?

Руҳинг ичра учрашар руҳлар,

Қари тоғолчалар шоҳларида ҳаёт қурашарлар.

Одам кетиб руҳи кетмасми,

руҳи ўлмасми,

ўлмагандай юрмасми —

тушларингда?..

Қанча нарсалар қўлингдан келади,

Қаерга узатсанг қўлинг етади.

Кимни янчаман десанг, янчасан

Ўзингча, ўз наздингда анча-анчасан...



Лекин нечук руҳинг қилиқларин қилолмассан назорат?  
Нечун кучинг етмас тушларингда ҳаросон чопган руҳларга?  
Нега уларга буюролмайсан,  
амр этолмайсан нега?  
Нега бўйсунмас улар сенга, кирмас изминга?  
Ажаб, руҳинг ўз ҳаёти,  
ўз мантиқи,  
дунёси, қилиқлари,  
турфа тарзлари,  
муомалалари билан яшайди.  
Тушларингга макон қурган улар.  
Тушларингда Асқад Мухтор сенга айтади:  
— Сен руҳингга ҳоким эмассан!  
Тушлар — руҳингнинг сенга тобе бўлмаган ҳаёти.  
Одамни Худо жуда эҳтиёткор яратган,  
оҳиста яратган.  
Минг эҳтиёт билан талаб қил ундан.  
Ҳеч нарса сурама  
ва ғоят эҳтиёт бўл сўрамоғингда.  
Олмайсанми табиатдан ибрат,  
Қари чинорлардан олсанг-чи ибрат:  
Баргларин оҳиста шивирлаб тукиб,  
Яна оҳиста куртаклар улар.  
Соясиди ўтирсанг, оҳиста эгилган бошингни силайди.  
Тушингга ўлган дўстлар киради.  
Ҳамкасблар, ўтиб кетганлар — киради тушингга:  
Гуё ўлмагандай юрарлар,  
Тушуниб бўлмас ҳаракат қиларлар.  
Нечук тушда ўлганлар — ўлмайди?  
Руҳлар учрашади руҳлар билан қари тоғолчалар устида.  
Демак, руҳлар ўлмайди!  
Ўлмагандай юради!  
Балки, одам ҳеч қачон улмас?..  
Уни эҳтиёт билан яратди Худо.  
Фақат сен,  
фақат сен  
руҳингга ҳоким эмассан,  
Кучинг етмас руҳингга!

# МАДАНИЯТ ВА ҚАТАҒОН

Совет даври тарих фани воқеликни бир-ёклама ўрганар ва шунинг оқибати ўлароқ аксаран юзаки хулосалар чиқарар эди. Бу фан СССРда фуқаролар уруши бор-йўғи икки йил — 1918 йилдан 1920 йилгача давом этди, дея таълим берарди. Энди аён бўлмоқдаки, аслида СССР салтанатининг бутун тарихи ўзаро ёвлашиш ва курашишдан — фуқаролар урушидан иборат бўлган экан. Ўз ичидан душман қидириш психологияси халқ онига шу қадар синдириб юборилган эканки, СССР таркибидаги республикалар мустақил давлат мақомини олгач ҳам аксариятининг худудиди ўзаро ёвлашиш, ҳокимият таллашиш — хуллас, 18-йилда (эҳтимол 17-йилдадир?) бошланган фуқаролар уруши давом этаверди.

Ушбу фаннинг янгича маданият ҳақидаги қарашлари ҳам ўта хом эди. У советлар замонида батамом янгича мазмундаги маданият яратилди, дея жар соларди. Айниқса, қатағон, зулм ва таҳқирлашлар авж олган йилларда бундай шовқин-сурон чандон юқори пардага чиқарди. Хўш, аслида маданият ноҳақлик ҳукмрон бўлган муҳитда ривожлана оладими? Шу нуқтаи назардан асримизнинг 30-йилларида юртимизда маданият ва маърифатнинг аҳволи қандай бўлганига эътибор берайлик.

Сир эмас, 30-йиллар собиқ СССРда “синфий кураш” авж олган давр ҳисобланади. Большевиклар доҳийси Владимир Ленин таъбирига кўра, адабиёт иши (маданият иши ҳам) умумпролетар ишининг бир қисмига айланмоғи лозим эди. Ўша йиллари айнан шундай бўлди — маданият умумпролетар ишига — синфий курашга тортилди. У азалий тамойили — инсоний тамаддун ютуқлари, умумбашарий қадриятлар, тараққиёт янгилликларига асосланган ҳолда инсон қадриқимматини юксалтириш қоидасидан воз кечди, сохта мафкуранинг қуролига айланиб

қолди. Маданият ғайриинсонийлашиш (дегуманизация) жараёнини бошдан кечира бошлади. Охир-оқибат унинг мақсади инсонни улуғлаш, унга янги руҳий қувват бахш этиш эмас, балки инсон устидан тажриба ўтказаятган тузумни мадҳ этишдан иборат бўлиб қолди.

Албатта, большевиклар бундай натижага эришишдан аввал обдон тайёргарлик кўрдилар. Чунончи, 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошида ВКП(б)нинг адабиёт соҳасидаги сиёсатга доир чиқарган қарорлари; 1932 йилда совет маданиятининг дастуриламали — социалистик реализм методининг қабул қилиниши; маданий мероснинг рад этилиши; миллатпарвар, ватанпарвар зиёлиларнинг қатл этилиши шулар жумласидандир.

Аслида, комфирқа раҳбарлари “маданият” деган тушунчанинг моҳиятини дурустроқ тушунмасди ҳам. Йўқса, инсон олий омонлардан, худо билан руҳий мулоқотдан, гўзаллик ва комиллик туйғусидан маҳрум этилган муҳитда маданиятни шакллантириб бўладими? Мақсад — инсонга, инсониятга зўравонлик қилиш эди. Шу боис совет даври маданияти зўравонлик маданияти бўлиб қолди. 30-йилларда яратилган аксари асарлардан муштум-зўрлик ҳиди, дағдаға саси келади. Бу даврда одамларнинг онги, тушунчалари ҳам примитивлашди. Улар ҳар нарсага ишонадиган гўл оломонга айланди. Камчилик излашу фош этиш — ҳаётнинг мазмуни бўлиб қолди. Маданият партия фаолиятининг бир йўналиши — мафкуравий кураш майдони тусини олди.

Ана шундай шароитда — маданиятнинг ғайриинсонийлашув жараёнидаги умумий офат (кўпга келган тўй), афсуски, ўзбек зиёлиларини ҳам четлаб ўтмади. Маданиятимизнинг энг фидойи намояндалари бало домига ташланди.



Ўзбек миллий маданияти социалистик-лаштириш ниқоби остида русчалаштирилди. Русча ўнсурлар янгилик белгиси, муваффақият гарови сифатида қабул қилинадиган бўлди. Аслида бу русча “янгилик”лар ҳам соф рус маданиятининг ифодаси бўлмай, улар “социалистик мазмун” билан “сўғорилган”, яъни бузилган эди.

30-йилларда Ўзбекистонда маданият борасида бир талай “ислохот”лар ўтказилди. 1929 йилда лотин ёзуви асосидаги янги алифбо жорий этилди. Мактаб-маориф соҳасида “халқнинг саводсизлигини тугатиш” учун жадал чора-тадбирлар кўрилди. Жадид усули ва диний асосдаги мактаблар бутунлай барҳам топди. Социализм ғоялари ва социалистик реализм усули “талаблари”га жавоб берадиган асарлар яратишга зўр берилди.

Таъкидлаш жоизки, миллий руҳ, миллий кайфият адабий асарларда, санъатнинг мусиқа, рақс, кўшиқ жанрларида барибир сақланиб қолди. Бунинг сабаби, биринчидан, адабиёт ва ушбу санъат турлари азал-азалдан қатъий анъаналар асосида ривожланиб келганида бўлса, иккинчидан, улар бевосита халқнинг тили ва руҳи билан боғлиқ маданият шакллари эди. Совет тузуми халққа нақадар зулм ўтказмасин, тили ва руҳини хўрламасин, улар-

ни тамоман йўқ қилиб ташлай олмаган эди. Деформацияга (бузилишга) учраган тил, руҳ адабиёт бағрида, санъатнинг мусиқа, рақс, кўшиқ сингари жанрлари оғушида қаддини тиклаб олишга интилар эди. Адабиёт тилидан айрилоётган халқни тили билан қайта ошино этар эди. Учинчидан, истеъдод ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам беқиёс жозиба билан намоён бўлади. Шу боис Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Тавалло, Фафур Гулом, Ҳамид Олимжоннинг асарлари, Ҳалима Носирова ва Муҳиддин Қориёқубов ашуллари, Тамарахонимнинг лапару рақслари гарчи 30-йиллардаги сиёсат ҳавосини симирган бўлса-да, бугунги кунда ҳам муайян эстетик қимматга эгадир. Худди ана шундай маданият намояндалари мисолида хулоса қилиш мумкинки, қатағон, зўрлик авж олган йилларда ҳам халқнинг закоси бутунлай завоқ топмади. Унинг кўнглида ҳақиқий маданиятга бўлган иштиёқ, эҳтиёж яшаб қолаверди. Инсоний қадр-қиммат туйғуси кўрқув, ваҳшат, талваса ҳиссидан ғолиб келди — заиф сас билан бўлса-да, маданият намуналари яратилаверди, халқ одамлик шаънини сақлаб қолаверди.

**Нормўмин ЎТАНОВ,**

*Тошкент Иқтисодий университетининг аспиранти*

## ОРЗУДАГИ ЖАМИЯТ

Дунё донишмандлари азал-азалдан адолатли, зулм ва зўравонликдан холи ижтимоий тузум яратишни орзу қилиб келганлар. Аммо орзу орзулигича қолиб кетаверган. Инсоний тамаддуннинг айрим босқичларида (масалан, дунё иқтисодий ва сиёсий танглик домида қолган Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари даврида, икки сиёсий тизим — социализм ва капитализм ўртасида мафкуравий кураш авж олган замонларда) одамзод умидсизликка тушган — адолатли жамият барпо этиш ҳаёли кўнглини тарк этган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб башарият асрий омоли — адолатли тузум-

ни шакллантириш борасида муайян натижаларга эришди. Файласуф ва давлат арбобларининг кўп йиллик уринишлари бу даврга келиб инсонни қониқтирадиган яшаш тамойиллари сифатида юз кўрсата бошладди. Фанда “фуқаролик жамияти” деган тушунча пайдо бўлди.

Хўш, “фуқаролик жамияти” ўзи нима? Унинг таркиби қандай тизимлардан ташкил топган? Фуқаролик жамияти дегани халқ оммасининг ҳақ-ҳуқуқини англаган ҳолда ўз-ўзини бошқариб яшашидир. Бундай тузумда жамият давлат ва халқ (фуқаро) ўртасидаги ҳуқуқий, демократик муносабатларнинг натижаси ўлароқ муҳим аҳамият

касб этади. У халқни давлат бошқаруви, давлатни эса халқ хоҳиш-иродасининг ифодаси воситасига айлантиради.

Хуллас, давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар уйғунлигини таъминлашда жамиятнинг ўрни бекиёс ортади. Жамиятнинг ўзи эса турли ижтимоий-сиёсий тузилмалар, партиялар, ўз-ўзини бошқариш идоралари, маҳаллалар, нодавлат ташкилотлар каби таркибий қисмлардан ташкил топади. Ушбу таркибий қисмлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, улар ҳар бирининг фуқаролар билан алоқаси ҳуқуқий асосда йўлга қўйилади. Бинобарин, фуқаролик жамиятида халқнинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий маърифати унинг қай даражада адолатли ё адолатсиз, демократик ё недемократик бўлишини белгилайди.

Тарихий тажрибалар ҳуқуқий жамиятнинг ҳам кўпдан-кўп шакллари (моделлари) мавжудлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон худди бозор муносабатларига ўтиш масаласида бўлгани каби, ҳуқуқий жамият қуриш борасида ҳам умуминсоний тамойилларни эътиборда тутди. Шу билан бирга, у ўз давлатчилик таърибаси, халқнинг зеҳнияти, миллий анъаналарини ҳам ҳисобга олади. Биз ана шу жиҳатларнинг барчасига асосланиб, ҳуқуқий жамиятга бундай таъриф берамиз: фуқаролар ва ижтимоий бирликлар (шаҳар, қишлоқ, меҳнат жамоаси, оила каби), ижтимоий ташкилотлар (сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар; диний, касбий, миллий тузилмалар), ижтимоий институтлар (таълим тизими, дин, сиёсат) ўртасидаги турли хил характердаги алоқа, боғлиқлик ҳамда муносабатлар қонун ва ҳуқуқий меъёрлар асосида амалга оширилса, бошқарилса, тартибга солинса ёки ривожлантирилса, бундай жамият ҳуқуқий жамият ҳисобланади.

Хўш, ҳуқуқий жамият қандай вужудга келади? Унинг вужудга келиш ва шаклланишининг дастлабки шарты шу жамият аъзолари ўзлари яшаётган ижтимоий муҳитнинг асосий социал меъёрлари ва қонунларини мукамал билишини, ўрганишини тақозо этади. Бу жараён — ҳуқуқий онгнинг шаклланиш

жараёни дейилади. У кўпга чўзиладиган ҳодисадир.

Шу ўринда ҳуқуқий онг нима, деган савол туғилиши мумкин. Бизнингча, ҳуқуқий онг — алоҳида бир фуқаро ёки барча жамият аъзоларининг, ижтимоий гуруҳларнинг ўзлари яшаётган жамият қабул қилган, ўрнатган ҳуқуқий меъёрларнинг ва улар асосида шаклланидиган ижтимоий муносабатларнинг, ҳокимият идоралари тўғрисидаги билимларнинг, қарашларнинг қонунларда, шу қонун ва муносабатларнинг амал қилинишини назорат этувчи ташкилотларда бир тизимга солинган назарий ифодасидир. Демак, ҳуқуқий онг, биринчидан — ҳуқуқий меъёрларни билиш ва уларнинг мазмунини англашдир; иккинчидан — муайян жамият аъзоларининг маърифат ва маънавият даражасидир (чунки жамият аъзолари нақадар илмли, билимли бўлса, уларнинг ҳуқуқий онги ҳам шу қадар юксак бўлади).

Президентимиз Ислом Каримов 1997 йил 20 май куни республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар билан бўлган учрашувда халқнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътиборни қаратди. Юртбошимиз эндиги вазифа давлат, жамият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш эканини таъкидлади. Бу вазифани ҳуқуқий онгни шакллантириш билангина амалга ошириб бўлмайди, уни рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий маданият ҳам талаб этилади.

Ўз-ўзидан, ҳуқуқий маданият нима, деган савол туғилади. Ҳуқуқий маданият — фуқароларнинг, ижтимоий ва сиёсий гуруҳларнинг, қатламларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини жамиятдаги ҳуқуқий меъёрлар доирасида онгли, зарурий, манфаатли ва ўзгалар манфаатига зид келмайдиган тарзда амалга ошириши, ҳал қилиши демакдир. Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг шартлари, омиллари қуйидагилардан иборат. Биринчидан, фуқаро жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий тизимини теран тушуниб етиши; ҳаётий муаммоларни ҳал қилишнинг йўллари, восита ва усулларини қидириб топиш ҳамда улардан фойдаланиш



да, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда ишлатадиган ҳуқуқий билим-малакасини муттасил ошириб бориши лозим. Иккинчидан, фуқаро Президент имзолайдиган фармонлар, Олий Мажлис қабул қиладиган қонунлар ва ҳукумат, вазирликлар, идоралар, маҳаллий идоралар чиқарадиган қарорлардан вақтида хабардор бўлиб бориши керак. Учинчидан, ана шу фармон, қонун ва қарорларни амалга ошириш ишига имкони борича барчани жалб қилиш даркор. Тўртинчидан, қонун ва қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнида аждодларимиздан мерос бўлиб келган ижтимоий меъёрларни кўпроқ эътиборда тутишимиз керак. Бешинчидан, демократик институтлар, сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг фаолиятини кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш зарур. Олтинчидан, демократик жараёнларни жадаллаштириш орқали турли ҳокимият бўғинлари — парламент, ижро ҳокимияти идоралари, суд ва матбуот ўртасидаги муносабатлар мувозанатини шакллантириш зарур. Еттинчидан, бутун таълим тизимида — боқча, мактаб, ўрта ва олий ўқув юртларида ҳуқуқий таълимни мувофиқлаштириш талаб этилади. Саккизинчидан, ҳуқуқ-тартибот соҳасига оид ўқув юртларида касб маданиятини шакллантириш масаласига жуда зўр аҳамият бериш даркор.

Ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида турлича намоён бўлади, чунки ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият жамиятнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ бўлади. Жамиятнинг иқтисодий қудрати ошгани сайин кишилар ўртасидаги муносабатлар моҳият эътибори билан мураккаблаша боради. Негаки, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар кўп қиррали хусусият касб эта бошлайди. Шу боис ҳуқуқий маданият ҳам тўхтовсиз такомиллашиб бормоғи лозим.

Ҳуқуқий маданият фуқаронинг ҳуқуқий онгини шакллантиради, бинобарин, унинг ҳаётий мақсадларини, вазифа ва бурчларини ҳуқуқий меъёрлар асосида пухта белгилаб олишга хизмат қилади. Иккинчидан, шу

мақсад ва режаларни амалга оширишнинг қонуний йўлларини қидириб топишга, яъни амалий, мақсадли фаолиятни қонунийлаштиришга кўмаклашади. Учинчидан, бозор муносабатлари давридаги иқтисодий шароитга тез ва муваффақиятли мослашишга ёрдам беради. Тўртинчидан, ҳар бир фуқаро ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши жамият ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига сабаб бўлади. Бешинчидан, ҳуқуқий маданият ҳуқуқий қонунларнинг фуқаролар ўртасидаги бевосита амал қилиш даражаси ҳам ҳисобланади.

Биз ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан дадил бормоқдамиз. Бу ҳол ижтимоий ҳаётимиздаги ҳар бир ҳодиса, жараён, ислоҳот фақат қонунга бўйсунishi, қонун доирасида амал қилишини аниглайди. Ҳар қандай жамият бутун бир вужуд тарзида фаолият кўрсатади. Бу яхлит тизим ҳар бири алоҳида-алоҳида ҳаракат қиладиган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, маданий-маърифий тизимлардан ташкил топади. Аммо уларнинг мустақиллиги ва алоҳидалиги нисбий бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир, яъни бир-бирисиз яшай олмайди. Шу боис бир тизимдаги ўзгаришлар, бугунги кун таъбири билан айтадиган бўлсак, ислоҳотлар иккинчи тизимдаги ўзгаришларнинг (ислоҳотларнинг) юзага келишига сабаб бўлади. Хусусан, мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотлар оқибат-натияжада ижтимоий-сиёсий ислоҳотларга туртки бўлди, сиёсий ислоҳотлар эса энди ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, иқтисодий ислоҳотлар сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишга туртки бўлган бўлса ҳам, ҳуқуқий ислоҳотларсиз келгусида иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш мумкин эмас. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда халқнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бугунги куннинг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда.

**Хуррам ХАЙДАРОВ,**

*фалсафа фанлари номзоди,  
Тошкент Педиатрия  
институтининг доценти*

# САРБАСТ ЖИЛОЛАРИ

XX аср ўзбек адабиётида ўзгаришларга бой давр бўлди. Миллий адабиётимиз шакл ва мазмун жиҳатдан бойиди; янги тур, янги жанрларга асос солинди. Хусусан, ўзбек адабиётида тамоман янги тур саналган драма майдонга келди. Илк ўзбек романи ҳам шу асрда яратилди. Қадимий шеърят, кўҳна наср тубдан янгиланди. Драматургия, адабиётшунослик, адабий танқидчилик янги йўналиш сифатида шаклланди ва тараққиёт йўлига кирди.

Бу давр, айниқса, ўзбек шеърятинида ўзига хос босқич вазифасини ўтади. Янги пайдо бўлган эркин, оқ, сарбаст шеър, баллада, поэма, шеърин роман, шеърин драма, шеърин драматик дoston сингари жанрлар ҳаёт ҳодисаларини реал ҳақиқатга мос, мувофиқ тарзда осон, содда баён этиш имконини берди. Ўқувчини инсоннинг мураккаб қалб оламига олиб кирди.

Шеърятнинг реал воқеликка яқинлашгани, айниқса, эркин, оқ ва сарбаст шеърларда аниқ кўринади. Улар ғазал, рубоий, туюқ, чистон, мураббаъ, мухаммас, мусаддас каби қатъий тартибга бўйсунадиган аънавий шеърин жанрлардан фарқланади. Эркин, оқ, сарбаст шеър ҳаёт ҳодисаларини, инсон кечинмаларини, туйғулар тўлкинини мумтоз адабиётдаги шеърин жанрларга нисбатан бирмунча соддароқ, табиийроқ ифода этади.

Бармоқ вазнидаги шеърин жанрларнинг тартиби аруздагидан бирмунча содда. Мисралардаги бўғинларнинг бир миқдорда, тuroқларнинг бир текисда такрорланишига асосланган бармоқ шеър тизимидаги соддалик, айниқса, эркин ҳамда оқ шеърда янада яққолроқ кўринади. Эркин шеърда қофия, банд қурилиши бирмунча мустақил, мисралар ва улар ҳосил қилган зинапоялардаги бўғинлар миқдори турлича бўлади. Эркин шеърда қайси сўзни ажратиб, алоҳида таъ-

кидлаш зарур бўлса, шу сўз алоҳида сатрга тизилади. Ғафур Ғулом "Сен етим эмасан" шеъринда ҳис-ҳаяжонларини акслантирувчи сўзларни қуйидагича тартиблаштирган:

*Чўғина, жигарим, ўз қўлимдасан.*

*Бу ерда*

*на қурбам,*

*на ораб,*

*на гам.*

*Бунда бор:*

*дароғам,*

*муҳаббат,*

*шарфат.*

*Ва меҳнат нонини кўрагимиз бизди.*

*Сен етим эмасан.*

*Ўма, жигарим.*

Зинапоя ҳосил қилиб тизилган сўзлар замиридаги маъно моҳиятини эркин шеър тартиби ана шу шаклда содда, аниқ манзаралантиради.

Оқ шеърнинг "қиёфаси" эркин шеърни кига нисбатан бошқача бўлади. Максуд Шайхзода "Мирзо Улўғбек" фожиасида Улўғбекнинг қалбидаги зиддиятли кечинмаларни унинг ўз тилидан оқ шеър воситасида қуйидагича ифода этади:

*Қим билмади, бўлмасайдики*

*шу замонада*

*Бу давлатнинг бошида мен,*

*келар бўларди!*

*Балки диёр зўлматларга*

*қўшиб қуларди?..*

*Алло билми, ганим хоним,*

*Нири Зулғоний,*

*Фарқат тоғнинг меҳри эмас*

*шу андишалар,*

*Мен шохини наърифатга*

*қиздири дастёр.*



Ушбу сатрлар гарчи қофияланмаган бўлса-да, сўзларнинг муайян тарзда тартиблаштирилиши воситасида таъсирчан ички оҳанг яратади, улар маълум бир ритмик асосда бўгин, туроқлар уйғунлигини ҳосил қилади.

Эркин, оқ, сарбаст шеър шакли, ритмик тизими, ўзига хос тузилиш тарзи жиҳатдан бир-биридан фарқланади. Хусусан, сарбаст эркин ва оқ шеърдан кескин ажралиб турувчи ўзига хос мустақил шеърый тизимдир. У қофия, вазн тартибига қатъий бўйсунмайдиган эркин ва оқ шеърдан ўз тарзу тизимига кўра аниқ тафовут қилади. Сарбаст шеър учун оҳанг, шеър қурилиши — синтаксиси таянч, асос бўлади. У синтактик параллелизм, шеърый қайтаришлар (анафора, эпифора, аллитерация, ассонанс заминда вужудга келади. Ритмик оҳангдорлик уйғунлиги сарбаст сатрларини мустақкам тутиб туради. Улар яхлитлашиб, кўнгил кечинмаларини, дилнинг дард, ташвиш, қувончларини бўрттириб ифодалайди. Бундай шеър мазмунан, моҳиятан таъсирчан бўлади. Масалан, шоир Рауф Парфи ўз ўйчанлигини сарбастда шу тарзда манзаралантиради:

*Вақт ўтмоқда,  
Ананиятаси йўқ,  
Тушлиги йўқдир қилин,  
У — давомли ҳаракат ўйқусида.  
Вақт ўтмоқда,  
Соғларини юлар Вақт  
Совуқдан қўрилиш устида.  
Деразани оғини,  
Шамоллар кирсин,  
Хонанинг нафасга тўйсин,  
Мусаффо нафаси...*

*Ўтган вақтлар,  
Бекор вақтлар  
Кўришиб тўрсин  
Кўкрак қафасидан...*

Бу шеърда инсон ўмири вақт дарёсида фаний дунё сари тўхтовсиз оқиб ўтаётгани ҳақидаги ташвишли мушоҳада бошқа шеър тизимларига ўхшаб қофия, вазнга солинмасдан содда ифода қилинган. Соддаликда эса табиийлик бўлади.

Маълумки, вазн, қофия сингари унсурлар шеърда муайян мусиқийликни ҳосил қилади. Аруз, бармоқ шеър тизимида улар фикр, ғояни ўз измида тутиб туради. Улар ҳатто фикрлар жўнлигини пардалаб, сездирмай ҳам кўяди. Рауф Парфининг юқоридаги шеърида эса бундай восита йўқ. “Вақт” сатрларида оғриқли кечинма аниқ метафоралар воситасида жонлантирилади. Шеърнинг асосий объекти — Вақт инсонга менгзалади: унинг нонуштаси йўқ, тушлиги йўқ; у юрмоқда, сочларини юлмоқда. Бесамар ўтаётган вақт кўкрак қафасидан худди юрак янглиғ билиниб туради. “У — давомли ҳаракат ўйқусида” сатрида эса Вақт тамсил сифатида ўз-ўзига қаршиланттирилади. Бу билан у инсон ҳаётидаги энг мураккаб ҳодиса экани таъкидланади.

Кўриниб турибдики, сарбаст барча шеър тизимлари орасида табиийлик ва таъсирчанликни алоҳида бўрттириб туриш хусусияти билан фарқланади. Табиийлик эса шеърда ҳамиша бош мезон бўлиб келган. Шу боис ҳам сарбаст ўзбек шеърини тарққиётида ўзига хос жанр бўлиб қолди.

**Аниса МАМАТОВА,**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия  
университетининг ўқитувчиси

## ТАСАВВУФ ЛУҒАТИ

### **ДАРВЕШ**

Бенаво, қашшоқ, камбағал, фақир, художўй; тасаввуф тариқатига мансуб киши. “Ғиёс ул-луғат”да изоҳланишича, дарвеш сўзининг асл маъноси эшиклардан нарса тиловчи бўлиб, дарвез демак. Дарвешнинг қадимий шакли даровез — эшикларга осилувчидирки, кейинчалик у дарвеш шаклини олган. Дарвеш учун муршиднинг эшиги бамисоли Каъбадир. У — ана шу эшикка осилувчи ва ундан нажот тиловчидир.

“Нур ал-улум”да бундай дейилади: “Сўрадиларки, “Дарвешлик недур?” Айтди: “Уч чашмадан иборат бир дарёдур. Бу чашмаларнинг бири — парҳез; иккинчиси — саховат; учинчиси — Тангри таоло бандаларидан ниёзманд бўлмаслик эрур”. Шайх розияуллоҳ анҳу бир сўфидан сўрадики, “Сизлар кимни дарвеш деб атайсизлар?” Деди: “Дунёдан хабари бўлмаганни”. Шайх деди: “Бундай эмас, юрагида дунё андишаси бўлмаганга дарвеш дейилур. Сўзлашади-ю, сўзи йўқ, кўради-ю, кўзи йўқ, эшитади-ю, қулоғи йўқ, овқатланади-ю, лаззати йўқ, ҳаракат ва хотиржамлик, қайғу ва қувончдан фориг киши дарвеш эрур”.

Жалолиддин Румий эса самода эркин ва яйраб парвоз этадиган қуш билан дарвеш ўртасида ўхшашлик кўрган: “... қушки ердан юқори учқай, агарчи осмонга етмағай, аммо домдан йироқ бўлғай. Ҳамул навъ агар киши дарвеш бўлса, агар дарвешликка етмаса, аммо мунча бўлғайки, зумраи халқдин ва бозор аҳлидин мумтоз бўлғай ва дунёнинг заҳматларидан сабубкор бўлғай...”

Дарвеш ҳамма нарсага Оллоҳ нури ила назар ташлаган. Шунинг учун дарвешларда кўриш, билиш, бошқаларнинг кўнглидагини англаб олиш салоҳияти ниҳоятда юксак бўлган.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларидан “Дарвешлар



хузуздан (лаззат) бутунлай воз кечганлар, улар яна нечун “Эй Худовандо, мени кечиргил” дуосини ўқийдилар?” деб сўраганларида ул зот: “Улар (яъни дарвешлар — И.Ч.) ўзларининг вужудини поклаш билан ўзгаларнинг вужудини поклашни истайдилар”, деб жавоб қайтарганлар. Бу ҳақиқат Сулаймон Боқирғонийнинг қуйидаги мисраларида ҳам ифодаланган:

*Омий келса — хос бўлур, юлдуз келса — ой бўлур,  
Мис келса — олтун бўлур дарвешларнинг суҳбатинда.*

**ЗОҲИД** Зухд йўлига кирган, таркидунё этган киши. Ҳожи Бектоши Валининг таърифига кўра, “зоҳидларнинг асли оташдандур ва улар тариқатга мансубдурлар”. Шу сабабли ҳақиқий зоҳид ўзини “ёндириши”, яъни ёниб яшамоғи лозим. Зоҳидларнинг мақомлари ибодат, қўрқув, умид ва “Илмаъл яқин” эрур.

**ЗУҲД** Парҳез қилмоқ, яъни дунёга илтифот этмасдан тоат-ибодат ила кун кечирмоқ. Асл зухд — Оллоҳга маъқул нарсаларни севмоқ, Тангри тақиблаган нарсалардан ҳазар этмоқ. Расулulloҳ демишлар: “Дунёда зухдни таржих этки, Мавло сени севсин ва носнинг (инсонларнинг) қулидагиларга илтифот этмагилки, нос ҳам сени севсин”.

Аҳмад ибн Ҳанбал зухднинг уч мартабаси борлигини айтган. Биринчиси — авом зухди. Бу — ҳаромни тарк этмоқ. Иккинчиси — хаввос зухди. Бу — ҳалолнинг ҳам заруриятдан ортигини тарк айлаш. Учинчиси — Оллоҳдан бошқа ҳаммасини тарк қилмоқ, яъни аъхос зухди.

**МОСУВО** Оллоҳдан бошқа ҳамма нарса касрат демак. Ваҳдати вужуд маслагидаги ошиқлар, умуман, Ҳақ қуллари Худодан бошқа бир борлиқ мавжудлигини тан олмайдилар. Зеро, дунёдаги ҳамма нарса ягона борлиқ — Оллоҳ борлигининг тасдиғи ва далиллариридир. Тариқатчи шоирлар “ғайр”, “сиво”, “даъво”, “ёлғон”, “ағёр” каби атамаларни ҳам мосуво маъносида татбиқ қилганлар.

**МУҲИБ** Ҳақиқат, маъно, яъни ботин аҳлига мансуб шахс. Муҳибларнинг “асли тупроқдандир. Тупроқ таслимият ва ризони тамсил этар”. Шунга кўра, муҳиб таслимият шавқи ва ризо шукуҳи ичида кун кечирган. Муҳиб “Ҳаққаъл яқин” босқичида Оллоҳ висолига восил бўлган.

**ОБИД** Ибодат қилувчи. Ибн Синога кўра, “дунёнинг завқ ва неъматларидан йироқлашган кимсага зоҳид; нафила ибодат

датлар, турли дуо ва бошқа ибодатларга ўзини бағишлаган кишига обид”, дерлар. Обидларнинг ибодатлари: намоз ўқимоқ, рўза тутмоқ, ҳажга бормоқ, нафсга дахлдор орзу-ҳавасларни енгиб, таркидунё қилиш орқали охиратни севмоқдир. Обидлар бир-бирини ранжитиб, бир-бирига озор етказгани учун улар авом тоифасига нисбат берилган. Шунингдек, уларнинг табиатида кибр, ҳасад, хусумат, фишқ ва ғанимлиқ сингари иллатлар ҳам тез-тез кўзга ташланиб турган. Зеро, обид шубҳа ва даъво одами эрур. Ибн Ҳанбал: “Олимнинг обиддан устунлиги оининг юлдузлардан устунлиги кабидир”, демиш.

**ЭРАН**

Қуръони каримда “авлиёуллоҳ” дея аталган Оллоҳ дўстларининг туркий номи. Эран — тасаввуф адабиётида муршиди комил ва инсони комил мазмунида қўлланган. Эранларнинг кўнгли — илоҳий завқ ва маърифат хазинаси. Улар — ваҳдат майидан қонган ва илоҳий сир-асрорлардан тўла воқиф зотлар.

*Эранлар юрурлар туну кун зор,*

*Зор бўлгон қулга Ҳақнинг назари бор.*

*Эранлар талаб бирла бўлди бедор,*

*Ул эранлар этогини тутмасмусан?*

(Сулаймон Боқирғоний)

**ОРИФ**

Ирфон соҳиби, англаган ва таниган. Сўфийларнинг нуқтаи назарида, ирфон Оллоҳ тўхфаси бўлгани учун илмдан устун эрур. Ориф — Оллоҳнинг шухуд, асмо ва сифотларини идрок этган, мавҳум борлигидан кечиб, Ҳақ борлиги ила бор бўлган кишидир. Махдуми Аъзам Косонийга кўра, зоҳид бирла ориф орасидаги фарқ қуйидагичадир: “Зоҳид Ҳақ таолонинг сўзига машғул бўлғай, ориф Ҳақ таолонинг ўзига машғул бўлғай. Зоҳид халқни илми зоҳир бирла даъват қилғай, ориф халқни илми ботин бирла даъват қилғай... Зоҳиднинг кўзи беғам бўлғай, орифнинг кўзи пурнам бўлғай. Зоҳиднинг кўнгли қаттиқ, орифнинг қалби юмшоқ бўлғай. Зоҳид пулга боқғай, ориф Ҳаққа боқғай... Зоҳиднинг кўзи хушёр, кўнгли ғафлатда, орифнинг кўнгли бедор, кўзи ғафлатда бўлғай. Зоҳиднинг тили зикрда бўлғай, орифнинг дили зикрда бўлғай. Зоҳид элнинг айбини очқай, ориф элнинг айбини ёпғай”.

**ОГОҲ**

Воқиф, ориф, ошно, хабардор, уйғоқлик. Тасаввуфда ҳолдон, англаган, тўғри йўлга тушган Ҳақ одами. Қалб кўзи очиқ валий. “Ҳақ тажаллийси ногоҳ келур, аммо дили огоҳга келур” (Нажмиддин Розий).

**Иброҳим ЧОРИ**

*тайёрлади.*



# SUMMARY

J

n their article "Reklama mo'jizalari" (Wonders of Advertising"), Kudrat Irnazarov and Ekut Mamatova discuss problems concerning presentation of advertising in Uzbekistan's mass media. The authors express their views that advertising must also correspond to folk habits, traditions and values, and that it is necessary to regulate advertising activities on the basis of a social law.

H

istorian Shavkat Mamadaliev disputes the question "On what thing progress is based?" In this opinion, any progress is based on benefit. The author tries to prove his thought.

" A modern cosmic ship rounds the Earth within about 17 minutes. Figuratively speaking, our Earth is only a little isle in the midst of small "solt puddles" called seas and oceans. And an ecological disaster on this tiny isle is the huge tragedgy. It is not surprising that the well-known Norwegian traveler and scientist Tur Haierdal shares the same opinion, having said : " Our planet is tiny raft in the ocean". Indeed, its stocks, possibilities are not unlimited." (From the conversation of ecologist Saidmurad Mamashakurov with a Taffakur's contributor. He ponders on problems wich threaten humanity with danger and ways of solving them.)

n a report about "A military-political situtation in the Turkestan front" forces of the "Basmachi" movement are characterized like this: "We are fighting not some united, armed enemy, but with the whole population, which are in hostile relations to the Soviet power... Basmachi movement — is struggle of the people.s" /From historian Dono Zieeva's article "Bosmachilik qanday paido buldi?" (How did the Basmachi appear?). The author reflects on the national liberation movement of the 20- called in the Soviet historic scince "basmachestvo" ./

**P**

hilosophers Usein Kerimov and Bakhodir Umarov talk in their article about experiments for creation of an “Artificial intellect”. The authors come to the conclusion that this “artificial intellect” will never be able to replace a human being, for it thinks only within the limits of certain program. Like man cannot become God, the “artificial intellect”, being a product of man’s brain, will not be to rule man.

**P**

hilosopher Kuchkar Honazarov in this article “Aql — odil u’lboshchi” (Reason Is a Just Leader) muses on the national ideology in the Uzbekistan and issues connected with forming of a new outlook.

**W**

ysticism in an important trend in the Islamic philosophy. It this teaching that Sufis put into effect. Well, and what is a spiritual image, ethics they had? Literary critic Muhiddinov in his article “Su’fiylar ahloqi” (“Sufi Ethics”) reflects on these very questions.

**R**

zbekistan in extremely rich in archeological excavations. Here were found a lot of monuments and rare works telling about ancient civilizations. Art critics Gulom Gafur and Khudaikul Turaev in their article “Moziy baq’ridagi san’at” (“The Art in Dephts of the Past”) tell about the history of these ancient monuments and philosophy reflected in them.





Алишер МИРЗО. "Қизми теракаси".

№ 4  
1997  
Телефон: 75350  
Бухара вилоятида

# ТАФАККУР

TAFAKKUR